

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

МЕҲНАТ ИҚТИСОДИЁТИ ВА СОЦИОЛОГИЯСИ

ЙӮНАЛИШИ

**«МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА УНИ ТАРТИБГА
СОЛИШ»**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
МАЖМУА**

Тошкент - 2018

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил _____ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: Б.Х. Умурзаков – и.ф.д., ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқотлар маркази, Демография ва меҳнат бозори сектори мудири
С.П. Қурбонов – ТДИУ, “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси катта ўқитувчи

Тақризчилар: А.Б. Ҳайитов – и.ф.н., ТДИУ, “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси доценти
С.Э. Холмуратов – и.ф.н., ТДИУ, “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси доценти

Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201__ йил _____даги ____ -сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. Ишчи дастур	4
II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.	10
III. Назарий материаллар.....	16
IV. Амалий машғулот материаллари	60
V. Кейслар банки ва тест саволлари	64
VI. Мустақил таълим мавзулари	98
VII. Глоссарий	100
VIII. Адабиётлар рўйхати	104

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қароридаги устувор йўналишлар ва вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” тўғрисдаги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида “...таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” асосий вазифлардан бири қилиб белгиланган.¹

Дастур доирасида берилаетган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 21 апрел.

уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараённига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

- “Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- Меҳнат бозорини таснифлашни;
- Меҳнат бозорини тартибга солиш йўналишларини баҳолашни;
- Меҳнат бозори ҳолати кўрсаткичларини таҳлил қилишни;
- Ишсизлик даражасини камайтириш ва иш билан бандликни ошириш йўлларини аниқлашни;
- Меҳнат ресурслари балансини ҳисоблашни;

- Бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқишини **билиши** керак.

Тингловчи:

- Мехнат бозори ҳолатини таҳлил қилиш;
- Ишсизлик даражасини ҳисоблаш ва статистик таҳлил қилиш;
- Иш билан бандликни миграцион жараёнлар бўйича таснифлаш;
- Иш билан бандликни статистик таҳлил қилиш;
- Бандлик даражасини ижтимоий-иктисодий баҳолаш каби **кўнгилмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ривожланган хорижий мамлакатларида бандлик ҳолатини ўрганишни ташкил эта олиш;
- Мехнат бозорини тартибга солишни таъминлашда ишончли ахборот олиш;
- Мехнат бозорини тартибга солища фаол ва пассив сиёсат самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш;
- иш кучидан унумли фойдаланишни натижавий кўрсаткичларини ҳисоблаш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- меҳнат бозорини тартибга солища макроиктисодий кўрсаткичлар тизимини тузиш тамойиллари, уларнинг тузилиши ва боғлиқлигини аниқлаш;
- меҳнат бозорини тартибга солища статистик кўрсаткичларни тизимли равища таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;
- меҳнат бозорини тартибга солища статистик таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналарнинг ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- меҳнат бозорини тартибга солища ишсизлардан унумли фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар моҳияти тўғрисида тасаввурга эга бўлишни ва улар асосида хулосалар чиқариш;
- меҳнат бозори фаолиятида самарадорлик истиқболини аниқлаш ва тадқиқоти учун зарур бўлган кўрсаткичларни ҳисоблаш методологияси ва уни таҳлил қилиш, илмий ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиши **компетенциясига** эга бўлиши зарур.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиши бўйича тавсиялар

“Мехнат бозори ва уни тартибга солища” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил

холда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Макроиқтисодий сиёsat ва барқарор иқтисодий ўсиш”, “Тизимли таҳлил усувлари” ва “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Ҳозирги стратегик ривожланиш шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш тизими ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда жаҳон мамлакатлари ва Республикаиз меҳнат бозорини тартибга солиш тизимидағи ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Замонавий иқтисодчи педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда фаннинг роли юқоридир.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Мустақил таълим	
			Жами	Назарий	Амалий машгулот		
1.	Меҳнат бозорини тартибга солиш ва таҳлил қилиш услублари	8	8	2	4	2	-
2.	Ишсизлик: сабаблари, хусусиятлари ва уни камайтириш йўллари	14	12	4	6	2	2
3.	Ишчи кучи миграцияси ва унинг меҳнат бозорига таъсири	10	8	4	4	-	2
Жами:		32	28	10	14	4	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу. Мехнат бозорини тартибга солиш ва таҳлил қилиш услублари (2 соат)

Мехнат бозорининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Мехнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар. Мехнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситалари. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиши ҳамда ишга жойлаштиришга мухтож, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методикаси.

2-Мавзу. Ишсизлик: сабаблари, хусусиятлари ва уни камайтириш йўллари (4 соат)

Ишсизлик хақида умумий тушунчалар. Ишсизликнинг келиб чиқиши сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари. Ишсизлик таснифи. Ишсизликни камайтиришнинг асосий йўллари. Ўзбекистонда ишсизлик муаммосининг айрим хусусиятлари.

3-Мавзу. Ишчи кучи миграцияси ва унинг меҳнат бозорига таъсири (4 соат)

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида давлат сиёсатининг амалга оширилиши. Меҳнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши ва унинг асосий кўринишлари. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятидаги меҳнат миграциясининг кўлами ва географияси. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси бўйича давлат сиёсатининг амалга оширилиши.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Мавзу. Мехнат бозорини тартибга солиш ва таҳлил қилиш услублари (4 соат)

Мехнат бозорининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти. Мехнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар. Мехнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситалари. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиши ҳамда ишга жойлаштиришга мухтож, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методикаси.

2-Мавзу. Ишсизлик: сабаблари, хусусиятлари ва уни камайтириш йўллари (6 соат)

Ишсизлик хақида умумий тушунчалар. Ишсизликнинг келиб чиқиши сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари. Ишсизлик таснифи. Ишсизликни

камайтиришнинг асосий йўллари. Ўзбекистонда ишсизлик муаммосининг айрим хусусиятлари.

3-Мавзу. Ишчи кучи миграцияси ва унинг меҳнат бозорига таъсири (4 соат)

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида давлат сиёсатининг амалга оширилиши. Меҳнат миграциясининг давлат томонидан тартиба солиниши ва унинг асосий кўринишлари. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятидаги меҳнат миграциясининг кўлами ва географияси. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси бўйича давлат сиёсатининг амалга оширилиши.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшлиши ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўнкима ва малакалари назорати қўйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

№	Баҳолаш тури	Энг юқори балл 2,5	Изоҳ
1.	Таълим олувчилар модулли ўқув ахборотини ўзлаштиришлари учун, ўқитишнинг мақсад ва натижаларини, модул мазмунини аниқ танланганлиги	1,0 балл	Масала ва топшириқларни бажариш - 1,0 балл.
2.	Модулли ўқув ахборот: график, расм кўринишда етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши		
3.	Вазият моделини яратилиши		
4.	Кейс матни баён этилиши		
5.	Кейснинг педагогик паспортининг тузилиши	1,5 балл	Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши - 1,5 балл.


II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари

Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши



Бахс

Бахс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниклаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

Анжуман-баҳснинг роли

Олиб борувчи – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниклигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

Оппонент – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалashi, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

Мантиқчи – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидаги қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлайди, тушунчалар тавсифини аниқлайди, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

Психолог – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

Эксперт – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳуласалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

«Ақлий ҳужум»

Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони) – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


• **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

• **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гурухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.


• **Ҳар бир гурух** ичida умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар





Вени диаграммаси



SWOT-тахлил жадвали

SWOT – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

Strengths – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

Opportunities – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

Threats – хавфлар; ташқи мухитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, SWOT – таҳлилиниң муваффакияти ташкилотга боғлиқ бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойиҳаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қўйидагича талқин қилиш мумкин:

“Кучлар таҳлили” графиги



«Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит

берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиги ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишини амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиши	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиши; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс.

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни грандан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-МАВЗУ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСЛУБЛАРИ

Режа

1. Меҳнат бозорининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти
2. Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар
3. Меҳнат бозорини тартибга солиш усуллари, шакллари ва воситалари
4. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиши ҳамда ишга жойлаштиришга муҳтоҷ, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методикаси

Калит сўзлар: меҳнат бозори, ижтимоий-иктисодий муносабатлар, меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, иқтисодий нофаол аҳоли, иш билаб бандлик.

1. Меҳнат бозорининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти

Бозор айрим товарлар ва хизматларга талаб билан мурожаат қилувчи харидорлар ва таклиф асосида етказиб берувчи сотувчиларни бир-бирига қўшадиган институт ёки механизmdir. Хомашё, материаллар, ёқилғи, тайёр маҳсулот, қимматли қофозлар, пул (кредит) бозорлари бир-биридан фарқланади. Ана шу бозорларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Уларнинг намоён бўлишига, асосан, бозор негизи – мазкур бозорда олди-сотди обьекти бўладиган товар таъсир этади. Товар айирбошланишининг табиий негизи бўладиган меҳнат тақсимотининг давом этиши жараёнида бозорлар майдаланиши кучаяди, уларнинг ихтисослашиши чукурлашади.

Шунга кўра, бозорлар турли шаклларда: булар тамаддихона ва кичик дўкончадан тортиб, йирик фонд биржаси ва халқаро кредитлар бозоригача бўлиши мумкин.

Ишчи кучи товар бўладиган бозор хўжалиги тизимида ўз жисмоний кучига эга бўлган ходимларнинг иш ўринларига нисбатан ҳаракатлари меҳнат бозори оркали рўёбга чиқади. Меҳнат бозорида ишчи кучининг олди-сотдиси амалга ошади. Иш ўринининг эгаси ишчи кучини харид қилганида ишлаб чиқариш жараёнида хўжалик фаолияти асосий омиллари бирлашишининг иқтисодий ва хуқуқий шарт-шароитлари яратилади. Шу тариқа меҳнат бозори ишчи кучи талаб ва таклифларининг шундай мажмуини ўзида мужассам этадики, ишчи ўринларига нисбатан бўладиган ҳаракат ҳамда иқтисодий фаол аҳолининг тармоқ, худуд, демография ва касб-малака бўйича хўжалик фаолияти соҳаларига жойлашуви шулар орқали амалга ошади. Бозор механизми рақобат жараёнида мустақил тарзда тартибга солиниш жиҳатларини ҳамда давлат томонидан мақсаддага йўналтирилган тарзда таъсир ўтказилишини ўзида мужассам этади.

Меҳнат бозори аслида шу маънода обьектив ҳодисадирки, у одамларнинг хоҳиш-иродаларидан қатъи назар жамиятдаги ижтимоий-иктисодий

муносабатларнинг хусусиятлари билан белгиланади. Ишчи кучи мазкур жамиятнинг шароитларида товар бўлса ва ишлаб чиқариш омиллари (ёлланма ишчи кучи ва ишлаб чиқариш воситалари) бирлашишининг ўзи меҳнатнинг олди-сотдиси орқали амалга ошадиган бўлса, бу меҳнат бозори мавжуд деганидир. Меҳнат бозорининг ривожланган даражада амал қилиши унинг инфратузилмаси қай даражада таркиб топганлиги, ушбу инфратузилма меҳнат бозорининг ишлашига кўмаклашадиган институтларни ўз ичига олганлигига боғлиқ бўлади. Табиийки, мазкур инфратузилма англанган ҳаракатлар натижаси бўлади, демак, у, бозорнинг ўзидан фарқли ўлароқ, объектив тусга эга бўлмайди.

Меҳнат бозори ҳақиқий ишлашининг муҳим шарти унда барча меҳнат муносабатлари иштирокчилари: давлат, иш берувчилар ва ёлланма ишчиларнинг мос хатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Бугунги кунда режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар бошқача шароитга тушиб қолди. Уларда меҳнат муносабатлари доимо ҳам эркин танланавермайдиган тўла иш билан бандликка мувофиқ келадиган одамларнинг сезиларли контингенти шаклланган. Иш билан банд одам учун меҳнат муносабатларига бозор муносабатлари элементларининг киритилиши анчагина оғир кечади. Бир хил ишга бир хил иш ҳақи бериш одамларнинг тушунмовчиликлар ва норозиликларига сабаб бўлиши мумкин. Одамларда ишсиз қолиш гумони, айниқса, иш жойидан ўз айби билан эмас, балки иш ҳажмининг камайиши ёки корхонанинг (синиш) банкрот бўлиши туфайли маҳрум бўлиши руҳий зарбага олиб келиши мумкин. Ёлланма ходим меҳнат бозорининг асосий ходими ҳисобланганлиги учун ҳам унинг тушунча ва қарашлар тизими шу бозорга мувофиқ бўлиши керак. Меҳнат бозорида кишидан юқори касб-малака даражаси, касбий қайта ўқиш, малакани оширишга, зарур бўлганда, касбни ёки иш жойини алмаштиришга тайёрлик ва лаёқат талаб этилади. Фақат ижтимоий ва ҳудудий ҳаракатчанлиги юқори даражада бўлган кишига ўзи учун меҳнат бозорида юқори рақобатбардошлик даражасини таъминлашга имкон бериши мумкин.

Меҳнат бозори қандай ишлашини тушуниш учун мазкур бозордаги талаб ва таклифни ўрганиб чиқиш лозим. Р.Ж. Эренбергер ва Р.С. Смитнинг ёзишларича, меҳнат бозорини тадқиқ қилиш талаб ва таклифни таклиф қилиш билан бошланади, тугалланади ҳамда меҳнат бозори ишлашининг ҳар қандай натижаси ҳамиша ушбу таркибий қисмлар ва уларнинг ўзаро алоқасига у ёки бу даражада боғлиқ бўлади. А. Маршаллнинг сўзларини ўзгартириб айтганда, қайчининг иккита жағи ёрдамидагина мато бўлагини қирқиб олиш мумкин.

Фараз қилайлик, саноат тармоғининг бирорта соҳасида иш ҳақи ошди. Шу билан бирга технология, фойдаланиладиган усқуна ва бошқа омиллар ўзгармай қолди. Натижада маҳсулот таннархи ва ушбу маҳсулотнинг нархи ошади. Нархи юқори маҳсулотни харидор камроқ сотиб олади, маҳсулот ишлаб чиқарувчи эса уни ишлаб чиқаришни, ва унда иш билан банд бўлган ходимларни қисқартиришга мажбур бўлади. Шу тариқа, иш ҳақининг микдори

оширилади, натижада иш билан бандлик қисқаради. Иш билан бандликнинг бундай қисқариши кўлам самараси дейилади².

Бошқача йўл тутилган бўлиши ҳам мумкин: ишлаб чиқарувчилар иш ҳақини оширгач, капитал сифими юқорироқ бўлган ишлаб чиқаришни, ресурс тежайдиган технологияларни қўллаш орқали маҳсулотнинг таннархини пасайтириш йўлларини қидирадилар, натижада ходимларнинг иш билан бандлиги камаяди. Иш билан бандликнинг бундай қисқариши ўрнини босиш самараси дейилади, чунки ишлаб чиқариш жараёнида капитал ишчи кучининг ўрнига ўтади.

Иш кучи нархининг паст даражаси яширин ишсизликнинг кўпайиб бориши омилларидан бири бўлади, чунки ишсизлик муайян вақтгача корхоналарнинг молиявий аҳволи учун ҳаддан ташқари оғир юк бўлмайди. Иш ҳақининг ўртача паст даражаси иш билан бандлик ва унинг тузилишига салбий таъсир қиласи. Биринчидан, у ходимларнинг техник жиҳатдан бирмунча орқада қолган саноатнинг хомашё тармоқларига ўтиб кетишини кескин кучайтиради, бу тармоқларда иш ҳақи даражаси ўртача даражадан бирмунча юқори бўлади, шунингдек ишлаб чиқаришда кам малакали меҳнат устунлик қиласи, бу билан бусиз ҳам иш билан бандларнинг касб-малака тузилишини мураккаблаштириб юборади. Иккинчидан, иш ҳақи даражасининг пастлиги истеъмол бюджетини торайтиришга ва издан чиқаришга олиб келади, уни фақат биринчи галда зарур бўладиган товарлар ишлаб чиқаришга йўналтиради. Айни вақтда аҳолининг узоқ вақт ишлатиладиган товарларга эҳтиёжи пасаяди, бу эса техник жиҳатдан илгор бўлган ишлаб чиқариш ҳажми ва иш билан бандликни қисқартиришга олиб келади.

Меҳнат бозори – ялпи кўламли бозор бўлиб, у ялпи таклифни (жами иқтисодий фаол аҳолини) ва ялпи талабни (иктисодиётнинг меҳнатга, яъни ходимга бўлган жами эҳтиёжини) қамрайди. Тор маънода меҳнат бозори жорий бозор бўлиб, у ялпи бозорнинг бир қисмини ташкил этади ва бўш ўринлар ҳамда иш қидириш билан банд бўлган шахслар миқдори билан белгиланади.

Жорий бозор ҳам ўз навбатида икки қисмга бўлинади: 1) очиқ бозор, унда таклиф иш қидираётган, шу жумладан, қайта касб танлашга, касб тайёргарлиги ва қайта тайёргарлигига муҳтоҷ бўлган одамларни қамрайди, талаб эса бўш ўринлар билан тавсифланади; 2) яширин бозор, у расман иш билан банд бўлган, лекин ишлаб чиқаришга зарари етмайдиган тарзда бўшатиб олинишлари мумкин бўлган шахсларни ўз ичига олади. Ана шу ҳар иккала бозорнинг расмий рўйхатга олинган ва норасмий рўйхатга олинмаган қисми бўлади.

Нуфуз мезонлари бўйича меҳнат бозорлари қуидагиларга ажralади:

- ёшлар меҳнат бозори;
- хотин-қизлар меҳнат бозори;
- кекса ёшдаги фуқаролар меҳнат бозори;
- ногиронлар меҳнат бозори.

²Эренбергер Р.Ж., Смит Р.С. Замонавий меҳнат иқтисодиёти. 46-6.

2. Мехнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар

Аҳолининг ишга бўлган талабининг демографик омили. Аҳолининг қайта тикланиши, яъни такрор ишлаб чиқарилишидан ибарат демографик жараёнлар унинг иш ўринларига бўлган талабини шакллантиришнинг бамисоли табиий негизини ташкил этади. Мазкур жиҳатни тадқиқ қилишда аҳолининг ёш-жинс тузилиши марказий ўрин эгаллади, у меҳнатни таклиф қилишдаги миқдор ва сифат ўзгаришларининг негизидир. Аҳолининг айрим ёш-жинс гуруҳларининг етарли даражада барқарор касб-тармоқ йўналишлари ва афзал кўрадиган томонлари бор. Эркаклар хусусан, ёшроқ вақтларида молия, савдо-сотик, саноат соҳаларида ишлашга кўпроқ мойил бўладилар. Аёллар кўпроқ кундалик уй-рўзғор ишларининг давоми бўлган хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо ва умумий овқатланиш, таълим тизими ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ишлашга интиладилар.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида ишчи кучини таклиф қилиш аҳолининг меҳнат фаоллигига ҳал қилувчи даражада боғлиқdir. Умуман олганда, Ўзбекистонда ишчи кучини таклиф қилиш анча юқори бўлиб, иктисодий жиҳатдан фаол аҳолининг улуши (иш билан банд ва иш қидираётган аҳоли) меҳнат ресурслари умумий сонининг 71,0 %га етади. Иш билан бандлик ва меҳнат бозорининг аҳволини янада ислоҳ қилиш нуқтаи назаридан ижтимоий фаол аҳоли таркибининг тахминан 47,0 %ни аёллар, 14,0 %ни 25 ёшгача бўлган ёшлар ва 14,0 %ни пенсия олиш арафасидаги ва пенсия ёшидаги кишилар ташкил этишини хисобга олиш муҳимdir.

Бу гуруҳлар иктисодий жиҳатдан фаол аҳолининг шундай қисмини ташкил этадики, у муайян иктисодий вазият таъсири остида мамлакат иктисодиётида иштирок этишини ўзgartириши мумкин. Бу иктисодий жиҳатдан фаол аҳоли четки икки гуруҳининг мутлақ кўпчилик қисмини ишсизлар ташкил этади. Иктисодий жиҳатдан фаол аҳолининг 55,0 %га яқинини 30-49 ёшгача бўлган кишилар ташкил этади, уларнинг кўпчилиги юксак даражада ишчанлиги, касб маҳорати, барқарор касбий ва ҳаётий қизиқишлири билан ажralиб туради.

Иктисодий жиҳатдан фаол аҳолининг ёш-жинс таркиби яқин 2-3 йил ичida яқин ўтмишда ота-боболаримиз, буви-момоларимиз орасида хунармандлик ва касаначилик меҳнати кенг тарқалган бўлиб, улар ўз касбкорларининг ҳақиқий усталари ва чеварлари бўлганлар. Бу билан аҳоли ўртасида миллий анъаналаримиз асосида ўзига хос иш билан бандлик тизими вужудга келган. Ишсизликка барҳам бериш ва барқарор даромад олиш йўллари қидирилган.

Касаначилик меҳнати турлари қаторига шиддат билан кириб келаётган қайта ишлаш ва электрон саноати, телекоммуникация, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқлари юмушлари ҳам ҳозирги бозор иктисодиёти шароитида, шубҳасиз, саноат корхоналари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутиб, иктисодиёт ривожига салмоқли улуш қўшмоқда. Иктисодиётни янада ривожлантириш учун кичик тадбиркорлик ва хусусий корхоналарнинг ўрни бекиёсdir.

3. Мехнат бозорини тартибга солиш йўналишлари, шакллари ва воситалари

Мехнат бозорини бозор иқтисодиёти тамойиллари асосига қурилган ижтимоий меҳнат муносабатлари тизими сифатида қарап эканмиз, меҳнат бозори икки асосий ижтимоий-иктисодий вазифани бажара олишини кузатишимиз мумкин. Бунда инсон ресурсларининг иш билан бандлик даражаси бўйича муқобил турлари (каслар, тармоқлар, корхоналар, ҳудудлар) тақсимланиши ҳамда ахоли даромадларининг маошлар асосида рағбатлантирилиши ва меҳнат учун мукофотлаш шаклида тақсимланиши муҳим роль ўйнайди. Меҳнат бозори вазифаларининг бундай усулларда амалга оширилиши меҳнат унумдорлигининг самарадорлигини ошириш, уни энг юқори даражага етказиш, инсон ресурсларидан олинадиган фойдани ва даромадларни кўпайтириш, давлатнинг иқтисодий юксалиши, ижтимоий адолат ва ниҳоят, барча учун баравар бўлган иш ўринларига жойлашиш имкониятлари ва касб тайёргарлигига ёрдам бермоғи лозим.

Меҳнат бозорини тартибга солиш стратегияси қуйидаги саволга жавоб бериши лозим: жамиятнинг барча аъзолари ҳаётий манфаатларини хисобга олишда, анча кам таъминланган фуқароларнинг турмушига эътиборни кучайтириш, ижтимоий ишлаб чиқариш натижаларини тақсимлашда адолат талабига амал қилишлари керак. Бу устувор йўналишлардан энг муҳимларини танлаб олиш меҳнат бозорини тартибга солиш жараёнининг ижтимоий йўналишлари ҳамда меҳнат бозорини тартибга солиш тамойиллари ва уларни амалга ошириш усулларини белгилаб беради.

Меҳнат бозорини тартибга солиш стратегиясини ишлаб чиқиш вақтида, биринчидан, барча жараёнларнинг жамият ва иқтисодиётнинг олға томон ривожланиш талаблари, ижобий ўзгаришларни рағбатлантиришга бўйсуниши, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган чоратадбирларнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши зарур.


Иккинчидан, «фаол жамият»ни шакллантиришга эътибор бериш керак, унда иқтисодий имкониятлар яратилади ва ҳар бир фуқаронинг қонуний-демократик жамият барпо этишдаги фаоллиги рағбатлантирилади. Бундай сиёsat жамиятдаги ҳар бир соғлом аъзонинг ўз меҳнати билан эришиладиган фаровонлик учун жавобгарлигини эътироф қилишга асосланган.

Учинчидан, «фаол жамият» ва унга мос келадиган меҳнат бозоридаги фаол сиёsat teng имкониятлар принципи билан бирга қўшиб олиб борилиши керак. Унинг асосий моҳияти – ишга эга бўлиш ва уни сақлаб қолишдаги тенгсизликни барҳам топтириш ёки энг кам ҳолатга келтиришга имкон беради. Бундай тенгсизлик ногиронлик, оилавий шароитлар, малаканинг етишмаслиги ва ҳоказо сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин.

Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аниқ мақсадли вазифаси – ишчи кучига бўлган эҳтиёжни кенгайтириш ва иш кучини самарали таклиф этишни қўллаб-қувватлашга кўмаклашишдан иборат бўлиб, бундан кўзда тутилган мақсад:

-иқтисодий ўсиш имкониятларини яхшилаш учун меҳнат ресурсларини ривожлантириш ва уларни таркибий ўзгаришларга мувофиқлаштириш;

-ноқулай шароитларда яшаётган аҳоли гуруҳларини иш билан таъминлаш учун имкониятларни яхшилаш, иш билан бандликка бўлган қобилиятни ошириш йўли билан ижтимоий тенглиkkа кўмаклашиш ва бошқалар.



1.1-чизма. Меҳнат бозори ва уни тартибга солишнинг асосий йўналишлари

вазифаси (агар гап меҳнат бозорини тартибга солиш тўғрисида борадиган бўлса) ходимнинг ўзига мос иш ўрни қидириш учун, иш берувчининг эса мос келадиган ходим қидириш учун вақт сарфлаши, моддий молиявий ресурслар сарфлашини қисқартиришдир. Шу боисдан меҳнат бозори институтининг асосий вазифаси «бозорнинг ноаниқлиги»га барҳам бериш, иш берувчилар ва ходимлар эга бўлган ахборотнинг мукаммал бўлишини таъминлашдир, чунки айнан ахборотнинг йўқлиги чиқимларнинг кўпайиб кетишига олиб келади.

Бу вазифани макро, микро ва мезо даражаларида амалга оширишнинг энг кўп тарқалган шакллари: ходимларнинг касб-малака даражасига қўйиладиган

талабларни ҳисобга олган ҳолда бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотлар банкини яратиш ва меҳнат бозорининг жорий ахволини илмий асосда таҳлил этиш, унинг ривожланиш истиқболларини башорат қилиш, реклама-ноширлик, касбга йўналтириш фаолияти, потенциал ходимлар ва касб-хунар лицейлари абитуриентларининг касбий яроқлилигини аниқлаш учун саралаш тестларини такомиллаштириш, психология, физиология, эргономика фанларининг энг янги ютуқлари асосида ишга ёллаш вақтида чиқимларни қисқартириш имконини берадиган намунавий «сигналлар»ни ва шу кабиларни аниқлашдан иборат.

Шуни ҳам айтиш керакки, иқтисодий фикрнинг ҳозирги замон йўналиши бўлган институционал иқтисодиёт деганда факат шахсларнинг фаолияти шартлари ва чеклашларни шакллантириш билан бевосита ва узвий равишда шуғулланадиган ташкилотларни эмас, балки кишиларнинг иқтисодий хулқатворига таъсир кўрсатадиган ва қонун йўли билан расмийлаштирилган ёки тарихан қарор топган ахлоқий нормалар, одатлар, анъаналар, негизларни тушунади.

Ходимларнинг меҳнат фаоллиги, меҳнат қилиш сабаблари, уларнинг бирор фаолият тури ва тартибини танлашлари каби омилларни англаб етиш давлатнинг меҳнат бозорини тартибга солиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши Ўзбекистон учун ниҳоятда муҳимдир. Ахолининг иш билан бандлигига кўмаклашишнинг у ёки бу иқтисодий чоралари иш билан бандликнинг ташкилий омиллари билан мувофиқлаштирилиш даражасига боғлиқ.

Давлатнинг меҳнат бозорини тартибга солиши соҳасидаги чораларини қўйидаги тарзда табақалаштириш мақсадга мувофик:

- таъсир кўрсатиш обьектлари бўйича. Тартибга солиш обьектининг хусусиятларига қараб, умумий таъсир кўрсатиш чоралари ёки маҳсус чораларга ажратиш мумкин. Айни вақтда меҳнат бозорини тартибга солиш обьектлари сифатида меҳнатни ташкил этиш элементлари, хусусан, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатнинг давомийлиги, меҳнат шароитлари ва ҳоказолар намоён бўлади;

- таъсир кўрсатиш йўналишлари бўйича. Бу чораларга қўйидагилар киради: меҳнат бозорида меҳнат таклифини кўпайтирувчи (камайтирувчи) чоралар; меҳнат бозорида талабни оширувчи (камайтирувчи) чоралар; меҳнатни таклиф қилиш тузилиши ва меҳнатга бўлган эҳтиёж тузилишига таъсир қилувчи чоралар; эҳтиёж ва таклифнинг мос келиши даражасини кўпайтиришга қаратилган меҳнат бозорини тартибга солиш чоралари;

- таъсир кўрсатиш шакли бўйича бевосита ва бавосита чораларга бўлиш мумкин, бунда меҳнат бозорига бевосита таъсир кўрсатиш ҳам, бавосита таъсир кўрсатиш ҳам меҳнат бозори барча субъектларининг манфаатлари балансини албатта ҳисобга олиш энг самаралидир;

- таъсир кўрсатиш характеристига кўра, таъсир кўрсатиш чораларини рағбатлантирувчи, чекловчи, таъқиқловчи, ҳимоя қилувчи чораларга табақалаш мумкин;

- меҳнат бозорини тартибга солишда чоралар мазмуни бўйича иқтисодий ёки маъмурий характеристидаги чораларни афзал деб билиш, ёхуд уларни муайян тарзда бирга қўшиб олиб боришни маъқул кўриш мумкин. Масалан, меҳнат

бозорини тартибга солишининг иқтисодий чораларига қуидагиларни киритиш мумкин: иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ иш ўринларини қўллаб-қувватлаш, жамоат ишларини ташкил этиш, янги иш ўринларини ташкил этиш учун ихтинослашган инвестициялаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо. Мехнат бозорини тартибга солиш маъмурий чоралари орасида қуидагиларни санаб ўтиш мумкин: пенсия ёшини пасайтириш, иш кунининг давом этишини камайтириш, бир кишига мўлжалланган иш ўрнининг ўриндошлиқ билан ишлаш имкониятларини чеклаш ва ҳоказо;

- таъсир кўрсатиши даражаси бўйича меҳнат бозорини давлат йўли билан тартибга солиш чораларини умумдавлат, минтақавий, тармоқ, фирма ичидағи чораларга бўлиш мумкин;

- маблағ билан таъминлаш манбалари бўйича – давлат бюджети, нобюджет маблағлар, иш билан бандлик жамғармаси маблағлари, тижорат ташкилотлари маблағлари ва ҳоказо.

Мехнат бозорини тартибга солиш усууларидан фойдаланиш тажрибаси меҳнат бозоридаги сиёсатнинг икки тури – фаол ва пассив сиёсат тўғрисидаги тасаввурни шакллантирди.

Пассив сиёсат меҳнат бозорида ходимлар ва иш берувчиларнинг аҳволи учун давлатнинг масъулиятини назарда тутади. Бундай ҳолда давлатнинг бозорга ўзига хос ғамхўрлиги намоён бўлади. Бу ижтимоий-иқтисодий меҳнат муносабатларида патернализм (ғамхўрлик) кўринишининг шаклидир.

Давлат меҳнат бозорининг барча қатнашчилари, хусусан, ходимларга иш ўрни сақланиши, иш ҳаки ва нафақалар берилиши, ижтимоий суғурта, пенсия берилиши кафолатини беради, иш берувчиларга – ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг режалаштирилган ҳажми учун талабни, хомашё ва материаллар бериш, барқарор нархлар ва мақсадли маблағ ажратишни кафолатлайди. Бу кафолатлар меҳнат бозорида иштирок этаётган ходимлар учун ҳар қандай ўзгаришларда ҳам ижтимоий ҳимояланиш имконини беради. Лекин давлат томонидан ўрнатиладиган молиявий чегараларнинг қатъийлиги ходим билан иш берувчининг шахсий ташаббускорликка бўлган рағбати, меҳнатни татбиқ этишнинг энг самарали соҳаларини қидириш, унумдорликни ошириш, ўз-ўзини таъминлашнинг ички захираларини аниқлашга интилишини чеклаб қўяди, яъни ижтимоий-иқтисодий меҳнат муносабатларида пассивликни шакллантиради.

Мехнат бозорини тартибга солишининг пассив сиёсатига иш қидирудувчиларни рўйхатга олиш, ишсизлик бўйича бериладиган нафақа микдорини аниқлаш, ишсизлик бўйича нафақа бериш тизимини ташкил этиш, ишсизлар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг турли шаклларини амалга ошириш чораларини қўллаш қабул қилинган.

Иш билан бандликнинг пассив сиёсатини амалга оширишнинг энг кўп тарқалган шаклларидан бири ахолини ишсизликдан суғурта қилиш дастурлари бўлиб, улар бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кенг татбиқ этилади. Ишсизликдан суғурта қилиш, икки хил даражадаги ижтимоий-иқтисодий мақсадларни кўзлайди. Микродаражада, яъни айрим оила, персонал даражасида иш билан бандликка кўмаклашишни барқарорлаштиришdir.

Истемол барқарорлаштирилса, ишсиз ходимлар нафақа олмаса ҳам ўз оиласи ва турмуш даражасини вактингчалик қўллаб туриш учун имконига эга бўлади. Иш билан банддикни барқарор қилиш эса ишсизлик бўйича нафақаларнинг доимийлигини, янги иш қидиувчилар учун иш топишни осонлаштиради.

Ишсизликдан сұғурта қилиш дастурлари қўпинча нафақа олиш ҳуқуки берилишини тартибга солишни назарда тутади. Сұғурта дастурларидан кўпинча айрим тармоқлар (масалан, АҚШда қишлоқ хўжалиги, Швейцарияда меҳмонхона ва ресторанлар соҳаси, Франция ва Голландияда уй-рўзгор хизмати ва шу кабилар) ҳажмига қараб айрим корхоналар, касблар, аҳолининг айрим демографик гурухлари чиқарib ташланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиш ҳамда ишга жойлаштиришга муҳтоҷ, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методикаси³

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиш ҳамда ишга жойлаштиришга муҳтоҷ, банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш, методикаси (кейинги ўринларда Методика деб аталади) ишга жойлаштиришга муҳтоҷ, меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли сонини ҳудудлар бўйича ҳисоблаб чиқиш, аҳоли бандлиги бўйича ўрганиш ва меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиш тартибини белгилайди, шунингдек, мазкур методика халқаро стандартларга мувофиқ шаклланадиган статистик методология ҳисобланиб, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш ва ҳисоблаб чиқиш, ҳамда ҳар бир навбатдаги календарь йилга банд аҳоли сонини баҳолаш учун қўлланади.

2. Ишга жойлаштиришга муҳтоҷ, банд бўлмаган аҳоли сони ва меҳнат ресурслари балансини ҳисоблаб чиқишида идоравий статистик маълумотлар ва бандлик масалалари бўйича ўрганишлар натижаларидан фойдаланилади.

3. Ушбу Методикада қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ишга жойлаштиришга муҳтоҷ меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар) — қонун ҳужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар, шунингдек, ҳақ тўланадиган ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга эга бўлмаган, мустақил равишда иш изловчи ва бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдаги вактингча меҳнат билан банд бўлмаган шахслар;

расмий равишда рўйхатга олинган ишсизлар — 16 ёшдан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, меҳнат органларида иш

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги «Ишга жойлаштиришга муҳтоҷ аҳоли сонини аниқлаш, шу жумладан, уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини шакллантириш методикасини такомиллаштириш тўғрисида” 1011-сон қарори 4-иловаси. www.lex.uz

қидирувчи, ишлашга, касб бўйича тайёргарликдан ва қайта тайёргарликдан ўтишга, малака оширишга тайёр шахс сифатида рўйхатга олинган шахслар;

мехнат билан банд бўлган фуқаролар:

а) ёлланиб ишлаётганлар, шу жумладан ишларни тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

б) касаллик, таътил, қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, қонун хужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун иш жойи сақланиб қоладиган бошқа ҳолатларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар;

в) ҳақ тўланадиган лавозимга сайланган ёки тайинланган фуқаролар;

г) ўзини мустақил равишда иш билан таъминловчи фуқаролар, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар, хунармандлар, дехқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш кооперативлари аъзолари, фермерлар, ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчилар;

д) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати қўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар.

е) нодавлат нотижорат ташкилотларида, шу жумладан, ўз фаолиятини қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган диний ташкилотларда ишловчилар;

иқтисодий фаол аҳоли — меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар;

иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли — меҳнат билан банд деб ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан:

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ўқувчилар ва тингловчилар;

уй бекалари ва болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;

иҳтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар;

мехнат ресурслари — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги меҳнат билан банд бўлган шахслар;

мехнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли — ишламаётган биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларидан ва ёшига кўра имтиёзли шартларда пенсия олувчи шахслардан ташқари, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар (16 ёшдан 60 ёшгacha бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгacha бўлган хотин-қизлар);

мехнат ресурслари баланси — меҳнат ресурслари сони ва таркиби мавжудлигини ҳамда уларни меҳнат билан банд бўлган фуқаролар, ишсизлар ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли бўйича тақсимланишини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими.

Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаб чиқиш тартиби

4. Ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган шахслар (ишизлар) сони меҳнат ресурслари сонидан меҳнат билан бандлар сонини ва иқтисодий фаол бўлмаганлар сонини чиқариб ташлаган ҳолда қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$U = LR - E - EIP, \text{ бунда:}$$

U — ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган шахслар (ишизлар);

LR — меҳнат ресурслари;

E — меҳнат билан банд бўлган фуқаролар;

EIP — иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли.

5. Меҳнат ресурслари сони меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар сони йифиндиси сифатида қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$LR = WAPM - WTP, \text{ бунда:}$$

LR — меҳнат ресурслари;

WAPM — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли;

WTP — ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

6. **WAPM** сони меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар) сонидан меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$WAPM = Mp_{(16-59)} + Wp_{(16-54)} - Ip - PP, \text{ бунда:}$$

Mp ₍₁₆₋₅₉₎ — 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар;

Wp ₍₁₆₋₅₄₎ — 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар;

Ip — меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари;

PP — имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги пенсионерлар.

Ахборот манбаи:

Mp ₍₁₆₋₅₉₎, **Wp** ₍₁₆₋₅₄₎ — статистика органларининг маълумотлари;

Ip — бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари;

PP — бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

WTP — статистика органлари ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маълумотлари.

7. Меҳнат билан бандлар сони қуидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$E = EO_s + EI_s + LM, \text{ бунда:}$$

EO_s — иқтисодиётнинг расмий секторида меҳнат билан бандлар;

EI_s — иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат билан бандлар;

LM — мигрант меҳнатчилар — чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллардаги Ўзбекистон Республикаси ваколатхоналарида ишловчилардан ташқари.

Ахборот манбаи:

Eos — статистика органлари маълумотлари;

EIs — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бандлик масалалари бўйича ўрганишлар маълумотлари;

LM — ички ишлар, божхона органларининг ҳамда меҳнат органлари томонидан бандлик масалалари бўйича ўтказиладиган ўрганишларнинг маълумотлари.

8. Иқтисодиётнинг расмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар сони давлат статистика ҳисоботи, давлат ижтимоий суғурта бадали тўловчиларнинг давлат солик ҳисоби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари бўйича аниқланади.

9. Иқтисодиётнинг расмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар жумласига қуидагилар киради:

давлат ижтимоий суғурта бадали тўлови бўйича корхона, муассаса ва ташкилотларнинг солик ҳисботларида қайд этилган шахслар;

ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда қонунчиликка мувофиқ давлат ижтимоий суғурта бадали тўловидан озод этилган ташкилотлар ходимлари;

якка тартибдаги тадбиркорлар, дехқон хўжалиги аъзолари, қорамол ўстириш билан банд бўлган ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлганлар, ҳамда давлат ижтимоий суғурта бадали тўловини мажбурий ёки ихтиёрий равишда амалга ошираётган шахсий ёрдамчи хўжаликларда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан банд бўлганлар.

10. Иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар жумласига солик органларида ҳисобга турмаган қуидаги шахслар киради:

давлат ижтимоий суғурта бадали тўламасдан ҳақиқатда дехқон хўжаликлирида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган дехқон хўжаликлари аъзолари;

уйда пулли хизматлар кўрсатиш бўйича меҳнат муносабатларини расмийлаштирган тадбиркорларда (энагалар, уй хизматчилари, уй ошпазлари, автомобиль ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар) ёлланиб ишлаш билан мустақил банд бўлган шахслар;

тадбиркорларга ёлланиб ишловчи шахслар, шу жумладан уларнинг оила аъзолари ҳамда давлат ижтимоий суғурта бадали тўловисиз ва меҳнат муносабатлари расмийлаштирилмаган жисмоний шахслар (курувчилар, юқ ташувчилар, фаррошлар, ишчилар ва бошқалар).

11. Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлик мезонларига қуидагилар киради:

хафтасига камида икки соат иқтисодиётнинг норасмий секторида ҳақ тўланадиган ҳар қандай фаолият тури билан бандлик;

бандлик мунтазамлиги — иқтисодиётнинг норасмий секторидаги бандлиқдан тушган ҳар ҳафталик даромаднинг мавжудлиги;

10 сотих ер майдонида шахсий ёрдамчи хўжалигини юритиш учун фойдаланиладиган уй хўжалиги бошқарувидаги ер майдонининг мавжудлиги.

12. Иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат билан банд бўлганлар сони бир йилда тўрт маротаба меҳнат органлари томонидан ўтказиладиган бандлик масалалари бўйича танлаб ўрганишлар (кейинги ўринларда ўрганиш деб аталади) асосида аниқланади.

13. Ўрганиш маълумотлари асосида иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат билан банд аҳоли сонини аниқлаш учун:

а) иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг тегишли турлари билан шуғулланувчи шахслар сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўраб чиқилганларнинг умумий сонидаги салмоғи қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$RDI_i = NI_i : NI * 100, \text{ бунда:}$$

RDI_i — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг тегишли тури билан шуғулланувчи сўраб чиқилганлар салмоғи;

NI_i — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг тегишли тури билан шуғулланувчи сўраб чиқилганлар сони;

NI — меҳнатга лаёқатли ёшдаги сўралганлар сони, ҳаммаси;

б) олинган салмоқ кўрсаткичи бўйича иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг тегишли тури билан шуғулланувчи аҳоли сонининг ҳисоби қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$EIs_i = WAP * RDI_i : 100, \text{ бунда:}$$

EIs_i — иқтисодиётнинг норасмий секторида иқтисодий фаолиятнинг тегишли тури билан шуғулланувчилар сони;

WAP — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли сони.

в) иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат билан бандларнинг умумий сонини аниқлаш учун иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар сони тўғрисидаги маълумотлар жамланади:

$$EIs = \sum_i^1 EIs_i, \text{ бунда:}$$

EIs — иқтисодиётнинг норасмий секторида меҳнат билан бандлар сони, ҳаммаси.

14. Меҳнат ресурсларини ҳисоблаб чиқишида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони ҳисобга олинади. Уларнинг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 15 майдаги 97-сон қарори билан тасдиқланган Схема бўйича, қуидагиларни ўз ичига олувчи интеграциялашган ахборотлар модули асосида аниқланади:

а) чет элга кетганларнинг сони ва мақсади тўғрисида божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли асосидаги ҳар чораклик статистика ҳисоботи маълумотлари;

б) аҳоли ҳисобини юритиш бўйича ички ишлар органлари маълумотлари;

в) меҳнат фаолиятини чет элда амалга ошириш учун фуқароларга Ташки меҳнат миграцияси агентлиги томонидан берилган рухсатномалар маълумотлари;

г) чет элдаги консулилк муассасаларидан олинган маълумотлар;

д) уй хўжаликларини меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар.

15. Иқтисодий фаол аҳоли сони қўйидаги формула бўйича аниқланади:

EP = U + E, бунда:

EP — иқтисодий фаол аҳоли.

16. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли қўйидаги формула бўйича аниқланади:

EIP = PS + IW + VUP, бунда:

EIP — иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли;

PS — ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган ўкувчилар ва тингловчилар;

IW — болаларни парвариш қилаётган ишламайдиган аёллар;

VUP — уй бекалари ва мустақил равишда иш билан банд бўлмаган шахслар, шунингдек, кўчар ва кўчмас мулкдан даромад оладиган ишламайдиган шахслар;

Ахборот манбалари:

PS — статистика органларининг маълумотлари;

IW — статистика органларининг ҳисобланган маълумотлари;

VUP — меҳнат органлари томонидан меҳнат билан бандлик масалалари бўйича ўрганишлар маълумотлари.

17. Мустақил равишда иш қидираётганлар сони ишга жойлаштиришга эҳтиёж сезадиган аҳолининг ҳисобланган сонидан ҳисобот даври охиридаги ҳолати бўйича туман ва шаҳарлар Бандликка кўмаклашиш марказларида расман ишсизлар сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан қўйидаги формула бўйича аниқланади:

US = U — UO, бунда:

US — иш билан банд бўлмаганлар, мустақил равишда иш қидираётганлар;

U — ишга жойлаштиришга муҳтоҷ меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар);

UO — ишга жойлаштиришга муҳтоҷ бўлганларни аниқлаш пайтида расман рўйхатдан ўтказилган ишсизлар.

18. Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари маълумотлари расман рўйхатдан ўтказилган ишсизлар бўйича ахборот олиш манбаи ҳисобланади.

Аҳолининг меҳнат билан бандлигини ўрганиш тартиби

19. Аҳолининг иш билан бандлигини ўрганиш танлаб олинган уй хўжаликлари аъзоларидан сўровнома ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

20. Уй хўжаликлари бўйича сўровнома ўтказиш Бандликка кўмаклашиш туман (шахар) марказлари ходимлари томонидан ҳамда зарурат бўлган ҳолатларда Бандликка кўмаклашиш жамғарма маблағлари ҳисобига тўлов шартнома асосида Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази ва бошқа ташкилотларнинг маҳсус тайёрланган мутахассисларини жалб этган ҳолда амалга оширилади.

21. Уй хўжаликлари бўйича сўровнома ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган маҳсус анкета сўровномаси орқали амалга оширилади.

22. Уй хўжаликлари бўйича сўровнома ўтказишнинг сифати учун жавобгарлик уй хўжаликлари бўйича сўровни ўтказган ходимга юкланади.

23. Сўровнома ўтказиш, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахри бандлик бош бошқармалари томонидан қуидаги муддатларда амалга оширилади:

уй хўжаликлари бўйича анкета сўровномаси ўтказиш — бир йилда тўрт маротаба (хар чоракда);

маълумотлар базасини шакллантириш — ҳисбот чорагининг охирги ойидан кейинги анкета сўровномаси ўтказиш ойининг 1-кунигача;

анкета сўровномаси натижаларини қайта ишлаш ва таҳлил қилиш — ҳисбот чорагининг охирги ойидан кейинги анкета сўровномаси ўтказиш ойининг охиригача;

ўрганиш натижалари бўйича таҳлилий маълумотнома ва жадвалларни тайёрлаш — ҳисбот давридан кейинги ойининг 3-кунигача.

Меҳнат ресурслари балансларини ишлаб чиқиши

24. Мазкур методикага мувофиқ ишлаб чиқилган маълумотлар ва ҳисоб-китоблар асосида меҳнат ресурслари, аҳоли бандлиги ва ишга жойлаштириш баҳолаш (ҳисоб-китоб), ҳисбот ва прогноз баланслари томонидан ишлаб чиқилади.

25. Баҳолаш (ҳисоб-китоб) баланси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда хар чоракда шакллантирилади.

26. Баҳолаш (ҳисоб-китоб) баланси асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, зарур ҳолатларда иш ўринлари ташкил этиш параметрларига тузатишлар бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

27. Меҳнат ресурсларининг ҳисбот баланси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда хар йили ишлаб чиқилади.

28. Меҳнат ресурсларининг прогноз баланси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

билин биргаликда келгуси даврга (мақсадга қараб — 1, 5, 10 ва ҳоказо йилгача) ишлаб чиқилади.

29. Мехнат ресурсларининг прогноз баланси ишлаб чиқишида қуидагилар ҳисобга олинади:

мехнат ресурслари сонини ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли турли тоифаларини (ўқувчилар, З ёшгача бўлган бола парвариши бўйича таътилда бўлган аёллар ва бошқалар) шакллантирадиган келгусидаги демографик жараёнлар динамикаси;

ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган мехнат билан банд бўлмаган аҳолининг (ишсизларнинг) амалдаги ва кутилаётган сони;

ишлаётганлар сонининг белгиланган параметрлари, иш билан бандликнинг ўсиши ва инвестиция дастурлари, тармоқлар ва худудларни ривожлантириш дастурларини амалга оширишнинг мўлжалланган натижалари муносабати билан иш билан бандликнинг ўсиши ва унинг таркибий ўзгариши;

касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битиравчиларини ишга жойлаштириш;

мехнат ресурслари, аҳоли бандлиги ва ишга жойлаштириш балансининг прогноз кўрсаткичларига мувофиқ таълим муассасаларида кадрларни касбга тайёрлаш йўналишларини қайта ихтисослаштиришни такомиллаштириш.

30. Мехнат ресурсларининг прогноз балансидан худудларнинг демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда янги иш ўринлари ташкил этишга эҳтиёжларни ва келгусида худудий аҳолини бандлиги дастурлари параметрларини аниқлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан фойдаланилади.

Бахс мунозаралар учун саволлар

1. Мехнат бозори нега тартибга солиниши лозим?
2. Мехнат бозорини тартибга солиш йўналишларини такомиллаштиришда сизнинг фикрингиз қандай? Қандай қўшимчаларни кирита оласиз?
3. Иқтисодий фаол аҳоли ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли қайси жаҳатлари билан фарқланади? Яна қандай фарқлаш элементларини киритиш мумкин?
4. Ўзбекистон Республикасининг мехнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиш ҳамда ишга жойлаштиришга муҳтож, мехнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методикасига яна қайси кўрсаткичларни қўшиш мақсадга мувожиқ деб ўйлайсиз?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиё Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисбот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Аҳолини иш билан бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: 2011. – 291 б.
3. Абдурахмонов Қ.Х., Зокирова Н.Қ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. – 534 б.
4. Холмўминов Ш.Р., Холмуродов С.Е. Меҳнат бозори иқтисодиёти. – Т.: 2013. –228 б.
5. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Меҳнат иқтисодиёти: ижтимоий-меҳнат муносабатлари. Дарслик - Т.: 2011. – 691б.
6. Рынок труда: Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. 7. Абдурахманова К.Х. и др. - Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384 с.
8. Абдураҳмонов Қ.Х.ва бошқалар. “Инсон тараққиёти”. Дарслик. Т.: “Fan va texnoloigiya”, 2013.- 476 б.
9. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2014.-216 б.

2-МАВЗУ. ИШСИЗЛИК: САБАБЛАРИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Режа

1. Ишсизлик ҳақида умумий тушунчалар
2. Ишсизликнинг келиб чиқиши сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари
3. Ишсизлик таснифи
4. Ишсизликни камайтиришнинг асосий йўллари
5. Ўзбекистонда ишсизлик муаммоларининг айрим хусусиятлари

Калит сўзлар: ишсизлик, ишсизлик сабаблари, ишсизлик турлари, ишсизликни камайтириш йўллари, ишсизликни келтириб чиқувчи омиллар, ишсизлик муаммоси хусусиятлари.

1. Ишсизлик ҳақида умумий тушунчалар

Ишсизлик ва у билан боғлиқ муаммолар меҳнат бозоридаги ижтимоий-иктисодий меҳнат муносабатларининг асосий мазмунини ташкил қиласди. Ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад аҳолининг иш билан бандлигини яхшилаш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишидан иборат. Жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш учун қўшимча ишчи ўринларини яратиш, уларни ишга тушириш аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолмаслиги керак.

Маълумки, Ўзбекистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолисининг жадал ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Мамлакат аҳолисининг сони ҳар йили ўртача 550-600 минг кишига, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса 250-300 минг кишига кўпаймоқда. Бундай вазият ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, бунинг учун эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринларини яратиш борасида узлуксиз иш олиб боришини тақозо этади. Акс ҳолда, аҳолининг турмуш даражасининг пасайтириш бориши, мамлакатда ишсизлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Ишсизлик - ишчи кучининг (иктисодий фаол аҳолининг) бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан банд бўлмаган ижтимоий-иктисодий жараёндир. У меҳнат бозорида ишчи кучининг нисбатан катта таклифи билан ишчи кучи талаби ўртасида мавжуд бўладиган номувофиқликни акс эттиради. Натижада иктисодий фаол аҳолининг бир қисми товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлмайди ва меҳнат бозорининг ёрдамида ўзининг жисмоний ва ақлий қобилияtlарини руёбга чиқара олмайди. Назарий жиҳатдан қараганда ишсизлик иктисодий категория бўлиб, у инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, унинг ўз меҳнатга қодирлигини юзага чиқариш ҳуқуқи каби табиат берган ҳуқуқини амалга ошириш борасида ёлланма ходимлар билан иш берувчилар ўртасида кечадиган муносабатларни акс эттиради. Шу билан бирга, бунда гап нафақат ҳаётнинг ўзини сақлаб қолиш

ва такрор тиклаб бориш учун зарур бўлган воситаларни таъминлаш жиҳатидан, балки шунингдек ҳаётий фаолият шакли бўлмиш меҳнатга оид табиий эҳтиёжни рўёбга чиқариш жиҳатидан ҳам инсоннинг меҳнат қилиш хуқуқи, унинг меҳнатга қодирлигини юзага чиқариш хуқуқини амалга ошириш тўғрисида боради.

Муаммога соф иқтисодий жиҳатдан қараганда ишсизлик – мамлакат аҳолисининг меҳнат қилишга қодир бўлган ва меҳнат қилишни истайдиган, ҳар бир аниқ пайтда сони кўпроқ ёки камроқ бўладиган муайян миқдордаги қисмининг иш билан таъминланмаганлигидир. Ган таърифни ҳисобга оладиган бўлсак, унда ишсизларга:

- а) ишга эга бўлмаганлар;
- б) ишлашни истайдиганлар;
- в) иш излаш истагида бўлган шахслар киради.

Кўпгина ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий статистика маълумотларига кўра ишсизлар сирасига ва иш билан банд деган мақом бериш учун ўтказилган сўровлар пайтида иш билан банд бўлмаганлар гурӯҳига ишдан бўшагандан сўнг тўрт ҳафта мобайнида иш топишга уринган ва меҳнат биржасида рўйхатдан ўтган шахслар киритилади.

Японияда ишсиз шахс деб, сўнгги бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса, сўнгги бир ҳафта мобайнида ишламаган, шу давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушунилади. Айрим мамлакатларнинг қонун ҳужжатларига биноан, ишсиз деб, ишдан бўшатилган ва меҳнат стажига эга бўлганлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига биноан ишсиз шахс деб, меҳнатга қобилиятли (ўн олти ёшдан бошлаб, то пенсия билан таъминланиш хуқуқини олгунга қадар), ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидиувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар эътироф этилади.

Ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қуйидаги тўрт шарт мавжуд бўлиши лозим.

Биринчи шарт – фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти хуқуқига эга бўлмаслиги керак. Хукукий жиҳатдан меҳнат қилиш қобилиятининг қуи даражаси, Меҳнат кодексининг 77-моддасига мувофиқ 16 ёш деб белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Меҳнат кодексининг ушбу моддасига мувофиқ тегишли шартларга риоя этилган ҳолда 15 ёки 14 ёшга тўлган ёшларни ҳам ишга қабул қилишга йўл қўйилса-да, улар ишга лаёқатли шахс деб эътироф этилишлари мумкин эмас.

Иккинчи шарт – фуқаро ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаслиги лозим.

Агар, фуқаро асосий ишини йўқотган (масалан, штатлар қисқариши муносабати билан бўшатилган), лекин ўриндошлиқ асосида бошқа корхонада ишлаётган бўлса, бунда у иш билан банд бўлган деб ҳисобланади.

Нафақалар, алиментлар, қимматли қоғозлар бўйича олинган дивиденлар, банкларга қўйилган маблағларга ҳисобланган фоизлар иш ҳақига (мехнат даромади) кирмайди. Худди шундай пенсия ва стипендиялар ҳам иш ҳақи (мехнат даромади) таркибига кирмайди, лекин пенсия олувчи фуқаролар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганликлари, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда стипендия олиб ўқиётганлар иш билан таъминланган деб ҳисобланишлари сабабли, бундай фуқаролар ишсиз шахс деб эътироф этилмайдилар.

Учинчи шарт – фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлигини, унинг маҳаллий меҳнат органига иш қидириб расмий мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда меҳнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

Ҳомиладор аёллар, агарда уларнинг ҳомиладорлик даври йигирма саккиз ҳафтадан ошмаган бўлса, улар меҳнатга қобилиятли деб ҳисобланадилар ва ҳомиладорликнинг бу даврида улар ишсиз шахс деб эътироф этилишлари керак.

Тўртинчи шарт – фуқаро барча тегишли хужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Ишсизликнинг умуниқтисодий характери меҳнат бозорининг ўзи, меҳнатга талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мутаносиблиқ ишсизликни эмас, иш билан бандликни шакллантиришидан ҳам келиб чиқади. Ишсизлик, бир томондан, гўё иш билан бандликнинг «тескариси» ҳисобланади, иккинчи томондан, иш билан бандликни шакллантирувчи омиллардан фарқ қилувчи омиллар таъсирини ҳис қиласди.

Шундай бўлса-да, ишсизлик доимо иш билан бандлик билан биргаликда кўриб чиқлади: иш билан бандликнинг кўпайиши, қоидага кўра ишсизликни камайтиради, бу эса ишсизликни, ўз навбатида иш билан бандликни кўпайтиради. Таърифга кўра ишсизлик – ишлашни истайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган миқдори. Макроиқтисодий жиҳатдан ишсизлик – доимо жамият меҳнат салоҳиятидан, ишчи кучи мажмуудан ишлаб чиқариш омили сифатида тўла фойдаланмаганликдир. Турли мамлакатларда ҳар бир муайян даврда ишсизлик даражаси бир-биридан жиддий фарқ қиласди, бу эса ҳар бир мамлакат учун қарор топган «табиий» ишсизлик даражасига, мамлакатдаги иқтисодий даврийлик фазасига, шунингдек, давлат томонидан ишлаб чиқилган иш билан бандлик сиёсатига боғлиқ бўлади.

Ишсизликнинг тарқалиши ва ишсизлар ҳаракати. Ишсизликнинг тарқалиши муайян вақт мобайнидаги ишсизлик мақомига эга бўлган кишиларнинг умуний сонини билдиради. Мазкур даврнинг охирига келиб, унинг ишсизлик мақомини сақлаб қолган-қолмаганлиги бу ерда роль ўйнамайди. У мазкур даврнинг бошида ҳисобда турган ва ишсиз деб

топилганларнинг умумий миқдори сифатида аниқланади. Ҳозирги статистика ҳисоби бўйича умуман ишсизларнинг тарқалганигини, шунингдек, айрим ижтимоий-демографик гурухлар бўйича: аёллар, эркаклар, ёшлар, қишлоқлар ҳамда шаҳарларда яшовчи шахсларни аниқлаш имконини беради.

Ишсизликнинг давомийлиги – ишсизлик мақомига эга бўлган шахсларнинг шу давр охирига келиб, иш қидириш муддати ўртача қанча давом этганлигини кўрсатувчи ҳажмдир.

Ишсизликни таҳлил қилишда унинг давомийлик кўрсаткичи алоҳида аҳамиятга эга. Ишсизликнинг ўртача давомийлиги ва узоқ вақт ишламаётганлар ишсизлар орасидаги ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар нисбий ишсизлик ҳақида хulosса чиқариш имконини беради. Айрим ҳолларда ишсизларнинг асосий қисми тезда (1-4 ой ичida) янги иш жойи топиши мумкин, баъзилари эса яrim йил ва ундан ҳам кўпроқ муддат иш тополмай юрадилар.

Ишсизлик бўйича нафақалар. Ишсиз деб эътироф қилинган фуқароларнинг тоифасига қараб, уларга бериладиган ишсизлик бўйича нафақалар табақалаштирилади: корхоналардан ҳар қандай асос билан ишдан бўшатилаётганлар (шу жумладан, III гурух ногиронлари ва ҳарбий кучлардан, давлат хавфсизлиги ва ички органлардан бўшатилганлар) ишсизлик бошланишидан олдин 12 ой мобайнида камида 12 календар ҳафта мобайнида тўлиқ иш куни (хафтаси) ёки тўлиқ бўлмаган иш куни (хафтаси) шароитида ишлаган бўлса, ишсизлик бўйича нафақа қонунда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ва мамлакатда қарор топган ўртача иш ҳақидан юқори бўлмаган миқдорда тўланади.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, айрим шахслар ишсизлик бўйича бериладиган нафақани қўшимча даромад манбаи турларидан бири деб қарайдилар, ўзлари эса мустақил равишда иш билан шуғулланадилар ёки шартнома асосида ишлаётган бўладилар.

2. Ишсизликнинг келиб чиқиши сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари

Классик (ва неоклассик) назарияга кўра, оммавий ишсизликнинг асосий сабаби мослашувчан бўлмаган иш ҳақи ҳисобланади. Иш ҳақи ўз мувозанат даражасидан ошиб кетса, меҳнат талаби билан таклифи ўртасида узилиш пайдо бўлади, мана шу узилиш ишсизликни келтириб чиқаради. Агар бозордан ташқари кучлар (касаба уюшмалари ва давлат) фирмаларда иш билан бандликни ўз даражасида саклашга мажбур қилса, бунинг оқибати инфляциядир.

Фақат қуйидаги омиллар ишсизлар оммасини Иш билан бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилишга мажбур этади:

- янги иш топиш умиди;
- ишсизлик бўйича нафақанинг меъёрий яшашини таъминловчи юқори даражаси;
- аҳолининг шу марказ фаолиятидан хабардорлиги;

- ишсиз мақомига эга бўлиш учун зарур шартларнинг ҳаммасига мувофиқ келиш (хужжат билан тасдиқланган).

Бу омилларнинг ҳаммаси мамлакатдаги ҳақиқий ишсизликни камайтириш томонига хизмат қилади. Иккинчи томондан, кўпинча Иш билан бандликка кўмаклашиш марказида иш билан шубҳали банд бўлмаганлар (реал, аммо норасмий ишлайдиганлар), ҳар қандай маълумотномаларни олишда «фаол» бўлганлар рўйхатдан ўтадилар.

Шундай қилиб, ишсизлик мақомини аниқлашда рўйхатга олиш жараёнига ёндашув тўғри натижалар бермайди. Ишсизликни баҳолашнинг бошқа услублари, масалан, танлаб текшириш ёки эксперт хулосалари асосида баҳолаш услубини ишлаб чиқиш керак. Шу билан бирга, аҳолига уларнинг меҳнат бозоридаги хуқуқлари тўғрисида тўла ахборот бериш, Иш билан бандликка кўмаклашиш маркази фаолиятини том маънода тарғиб қилиш керак.

Ишсизлик даражасини баҳолашнинг айтиб ўтилган камчиликларига қарамай, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига биноан расмий кўрсаткичлардан фойдаланиш мавжуд бўлган ягона, асосийси ишда қўллаш мумкин бўлган кўрсаткичлардир. Аммо, бу услубият Халқаро Меҳнат Ташкилоти услубиятига тўлиқ жавоб бермаса-да, бундай кўрсаткичлар маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олади ва ишсизлик муаммосининг долзарблиқ даражаси ҳамда унинг динамикаси тўғрисида бирмунча тасаввур беради.

3. Ишсизлик таснифи

Ишсизлик – мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодиса бўлиб, ишчи кучини таклиф этиш билан унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги миқдор жиҳатдан ҳам, сифат жиҳатдан ҳам номувофиқликни (ортиқчаликни) акс эттиради.

Пайдо бўлиш сабабларига кўра, ишсизлик фрикцион, таркибий, мавсумий, даврийга ва ҳ.к. турларга бўлинади.

Биринчи тур фрикцион ишсизлик бўлиб, уни одамларнинг хусусий жиҳатлари ва қизиқишлиари белгилайди. Фрикцион ишсизлик – ишчиларнинг ҳудудий, касбий ёки ёш жиҳатидан ўзгаришлар (янги яшаш жойларига кўчиб ўтишлари, янги малака ёки мутахассисликка эга бўлишлари, ўқиш, аёлларнинг болага қарашлари ва ҳ.к.) сабабли эски иш жойларидан бўшаб, то янгисига жойлашгунга қадар оралиқ вақтдаги ишсизликдир. У ўз мазмунига кўра ихтиёрий ишсизлик ҳисобланади ва барча мамлакатларда мавжуд бўлади.

Фрикцион ишсизлик жамиятдаги мавжуд ишчи кучларининг маълум қисмини иш жойлари бўйича қайта тақсимлаб, улардан самарали фойдаланишга шарт-шароит яратади, яъни эски иш шароитларидан (иш жойининг узоқлиги, иш ҳақининг пастлиги, иш куни давомийлигининг нисбатан узунлиги ва бошқалар) қониқмаган ишчилар янги иш жойларини қидирадилар. Уларга эга бўлгач, бу меҳнатдан нисбатан кўпроқ ижтимоий-иктисодий самарага эришадилар. Фрикцион ишсизликнинг бўлиши маълум даражада иктисодий жиҳатдан зарурий ва табиий ҳолдир.

Ишсизликнинг иккинчи тури таркибий (структуравий) ишсизлик бўлиб, у иқтисодиётнинг баъзи таркибий тузилма ва соҳаларидаги ўзгаришлар натижасида вужудга келади. Баъзи бир маҳсулот ёки хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг қисқариб, ҳатто умуман йўқолиб бориши бу маҳсулот (хизмат)ларни ишлаб чиқаришни қисқартирилишга ёки умуман тўхталишига натижада уни ишлаб чиқарувчиларнинг ишсиз қолишига олиб келади.

Фрикцион ишсизлик билан таркибий ишсизликда маълум ўхшашликлар ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Ўхшашлиги шундаки, ҳар иккала ишсизлик ҳар қандай иқтисодиёт учун, ҳатто барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиёт учун ҳам хос бўлиб, уларни умуман бартараф этиб бўлмайди. Асосий фарқи шундаки, фрикцион ишсизликда ходимларда маълум тажриба мавжуд бўлади ва улар бу тажрибадан фойдаланиб, қисқа вақт ичида ўз ишчи кучини сотиши ёки иш топиши мумкин. Таркибий ишсизликда ишчи кучи дарҳол ёки қисқа муддат ичида иш топа олмайди. У малакасини ўзгартириши, қайта малака ошириши, маълумот олиши, янги касб эгаллаши лозим. Айрим ҳолларда ҳатто яшаш жойини ўзгартиришга ҳам тўғри келади. Фрикцион ишсизликда ишчи кучи қисқа вақтда иш билан таъминланиши мумкин бўлса, таркибий ишсизликда ишчи кучи узоқ давр мобайнида қайта маълумот олади ва жиддийроқ қайта тайёрланади.

Таркибий ишсизликка яқин ўн йил ичида гувоҳи бўлаётган жараённи оддий мисол сифатида келтириш мумкин: компьютер техникасининг кенг ёйилиши бугунги кунда ёзув машиналарида ишловчи техник ходимларни, босмахоналардаги ҳарф терувчиларни ишсиз қолдирмоқда. Фан-техника тараққиётининг жадал суръати шароитида бундай мисолларни яна жуда қўплаб келтириш мумкин.

Учинчи тур даврий (циклик) ишсизлик – ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайиши оқибатидаги ишсизликдир. Собиқ Иттифоқ даврида ҳалқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги номутаносибликтининг кучайиши оқибатида иқтисодий алоқаларнинг узилиши ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайишига олиб келди. Ўзбекистонда ҳам бозор тузилмасининг яратилмаганлиги, хом ашёни қайта ишлаш саноатининг паст ривожланганлиги, тадбиркорлик фаолияти учун шароитлар тўлиқ яратилмаганлиги ва бошқалар сабабли ишсизлар сони кўпайди. Ривожланган мамлакатлардаги ишлаб чиқаришнинг пасайиши истеъмол бозорининг тўйиниши ва натижада талабнинг пасайиши билан боғлиқдир. Даврий ишсизликда ишсизлар сони кескин кўпаяди. Масалан, АҚШда 1933 йилдаги “Буюк депрессия” даврида ишсизлик тахминан 25,0 %га teng бўлган эди.

Яширин ишсизлик ишсизликнинг алоҳида шаклидир. Унинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ишсизликлари яширин тусда бўлган, аслида банкротликка учраган корхоналар сунъий мадад оладилар. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг ниҳоят даражадаги пасайиши шароитида корхоналарда керагидан ортиқ миқдордаги иш билан бандлик сақланиши туфайли ҳам юзага келган. Аслида яширин ишсизлик аниқланган экан, у стихияли тарзда юзага келтирилган, фойдаланилмай қолаётган ишчи кучи захираси бўлади.

Корхоналарда ана шундай ишчи кучи захираси мавжуд бўлиб туришининг мақсадга мувофиқлиги захира тайёрлаб бориш зарурлиги билан белгиланади. Яъни бўш ўринларга ва янги иш ўринларига қўйиб бориш учун ё бор ходимлар орасидан уларни касб-малака ва лавозим борасида юқори кўтариш йўсинида, ё стажировка (амалиётдан ўтиш) шартлари асосида янги ходимларни ишга қабул қилиш йўсинида захира тайёрлаб бориш зарурлиги билан белгиланади. Ушбу ишчи кучи захирасини (гап айрим ходимлар, бўлинма ёки корхона персонали хақида борадими) муайян вақт мобайнида сақлаб бориш, башарти, ушбу давр тугаганидан кейин ходимларнинг самарали иш билан бандликларини таъминлашнинг етарлича кафолатлари (корхонани ривожлантириш дастурига мувофиқ янги иш ўринлари ёки ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши) мавжуд бўлса, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши мумкин.

Ички меҳнат бозори механизми ишга солинганида иш берувчининг яширин ишсизликка нисбатан тутган позицияси унинг ушбу ишсизликни яширишга интилиши билан белгиланмайди. Ушбу позиция корхонага керак бўлмаган ходимларни сақлашга сарф-харажат қилинмайдиган бўлишидан ва бунинг учун зарурий шарт-шароит яратилишидан иборат яхлит бир бутун вазифани ҳал қилиш мақсадида уни мумкин қадар тўлиқ аниқлаш зарурлиги билан белгиланади. Аниқ қилиб айтадиган бўлсақ, яширин ишсизлик тушунчасининг ўзи бозор механизми меъёрий ишлаши биланоқ ўз аҳамиятини йўқотади. Шуниси ҳам борки, ходимнинг яширин ишсизликка ва бундай ишсизлик билан боғлиқ бўлган мажбурий тарздаги вақтингчалик ишламасликка нисбатан тутган позицияси турли йўсинда юзага келади. Корхонадаги ўз иш ўрнини қадрлайдиган кўпчилик ходимлар келишилган муддатда қайтадан ишга тушиш кафолатлари бор бўлган тақдирда маъмурият томонидан таклиф этилган таътилга рози бўлади. Ходимларнинг бир қисми (айниқса ёзги даврда) ушбу вақтдан боғ-полиз участкаларида ишлаш учун фойдаланади, кўплар тижорат фаолияти билан шуғулланади, бунинг устига, бундай ходимлар кўпинча тижорат фаолиятларини корхонада қайтадан ишга тушганларида ҳам давом эттирадилар.

Деярли барча Ҳамдўстлик мамлакатларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам XXI асрнинг биринчи беш йилида иш билан бандлик хизматларида ҳисобда турган иш билан банд бўлмаган фуқаролар сони ошиши ва пасайиши суръатлари бир-бирига мос келмайдиган бўлиб, мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш тенденцияларига тўғри келмай қолди. Бу эса иш билан бандлик ва ишсизликнинг шаклланиши жараёнлари барча мамлакатларда иқтисодий тизимлар динамикаси билан ўзаро боғлиқ бўлишини яна бир бор тасдиқлади.

4. Ишсизликни камайтиришнинг асосий йўллари

Ишлаб чиқаришнинг меҳнат каби ресурсидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш ва шу муносабат билан оммавий ишсизликка йўл қўймаслик, ишсизликни камайтириш борасида қизғин фаолият олиб бориш давлатнинг ниҳоят даражада муҳим вазифаларидир. Ушбу муаммони ҳал этишда икки асосий бош йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчисини субъектив йўналиш деб номлаш мумкин. У инсонни меҳнат фаолиятига шундай тайёрлашни ташкил этишдан иборат бўладики, бунда инсон ишлаб чиқариш шарт-шароитлари, техник база ўзгаришлари муносабати билан муваффақиятли равишда меҳнат фаолият олиб бориш учун етарли даражада тез қайта тайёргарликдан ўтиб, янги билим, қобилият ва қўникмалар орттира олади.

Хўжалик юритишининг янги шароитларида инсоннинг ишга жойлашуви унинг шахсий ишига айланиб қолди. Энди давлат унга шундай масалаларни ўзи ҳал этишида ёрдам беради, холос. Бунинг устига, ишга жойлашув ишсизлик мавжудлиги шароитида рўй беради, бу эса ишсизлик муаммосини ҳал қилишни анчагина қийинлаштиради. Буларнинг барчаси Ўзбекистон фуқаролари учун янгидир. Ушбу шароитда улар яхши тайёрланган бўлишлари, меҳнат бозорида ўзларини қандай тутишни, ўзларининг қандай ҳуқуқлари, янги шароитларда қандай вазифалари борлигини, ишсиз қолган киши ўзини қандай тутиши лозимлигини, ишга қай йўсинда ёлланиш, қай тарзда иш излаш кераклиги ва ҳоказоларни билишлари зарур бўлиб қолмоқда. Аҳолига шу тарзда таълим бериш Иш билан бандликка қўмаклашиш марказининг бош вазифаси бўлиб қолиши керак. Бу ҳозирги пайтда миллий иқтисодиётда иш билан банд бўлганларнинг тахминан 2/3 қисми ходимлар сифатида қайта қуриш давридан олдинги пайтларда шаклланганлиги билан аҳамиятлидир.

Давлатнинг иқтисодиётни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги фаолияти аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш соҳасидаги муҳим йўналишdir. Давлат истеъмол ва инвестиция тусидаги товар ва хизматларга бўладиган талабни рағбатлантириб, шу асосда мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарда янги иш ўринлари яратиб бориши, иқтисодиётнинг хусусий тармоғини ва ушбу тармоғда янги ш ўринлари очилишини рағбатлантириши лозим. Лекин давлат фаолиятининг шу жиҳатини такомиллаштириш талаб этилади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий сиёсатида, умуман, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандлик ва ишсизликдан ҳимоялаш сиёсати дунёдаги кўпгина ривожланган мамлакатларнинг бой тажрибасига асослангандир. Аммо, бу тажрибаларнинг кўпчилиги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий сиёсатининг туб моҳиятига татбиқан етарлича тўғри келавермайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, ҳукумат ишсизларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлагандан кейингина, бошқа ишларга киритиши – дастлаб иш билан бандликни барқарорлаштириш (сақлаш)га, сўнгра унинг ўсишини рағбатлантиришга киришиши мумкин. Бунда иш билан бандликнинг ўсишини рағбатлантириш уч йўналишда амалга оширилади:

- тадбиркорлар билан ишлаш, масалан, янги иш жойлари яратилганда солиқ имтиёзларини бериш, ишсизларнинг иш излашларини фаоллаштириш;
- ишчи кучи таклифини рағбатлантириш;

- ёлланма ишчилар синфини меңнат бозоридан чиқариш, хусусий тадбиркорлик билан ўз-ўзини иш билан банд қилишни рағбатлантириш (касаначилик, уй шароитида очилган майда цехлар ва бошқа).

Ўзбекистонда ишсизликнинг кескин кўпайиши иш билан бандлик сиёсатининг меъёрий эволюцияси йўлидан изчил боришга вақт қолдирмайди. Шунинг учун иш билан бандликни таъминлашнинг хилма-хил дастурлари мўлжалланганларни давлатнинг ҳақиқий молиявий имкониятларини яхшилаб мувофиқлаштириб олмай, иш билан бандлик ишининг барча йўналишларини бир йўлга қамраб олишга уринилмоқда. Бу ерда энг аввало, аҳолини иш билан бандлик сиёсатини амалга оширишга йўлланиладиган молиявий маблағларни мувофиқ тарзда тақсимлаб, меңнат бозорини тартибга солишнинг умумдавлат ва минтақавий соҳаларини белгилаб олиш керак. Маҳаллий меңнат бозорини таҳлил қилиш асосида ажратилган маблағларнинг ҳар бир сўмини иш билан бандликнинг ўсиши кўринишидаги самара билан қайтиши уни қаерга йўллаш кераклигини аниқлаш керак бўлади.

5. Ўзбекистонда ишсизлик муаммосининг айрим хусусиятлари

Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш, уларга муносиб ҳаёт ва меңнат шароитлари яратиб беришга қаратилган чуқур ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида иктисолиётнинг турли жабҳаларида меңнат қилаётганлар сони ортиб бормоқда, мавжуд меңнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш қўрсаткичи тобора яхшиланмоқда. 1991-2007 йиллар давомида мамлакат меңнат ресурслари сони қарийб 5,0 млн. кишига ўсган бўлса, жами иш билан банд аҳоли сони 2,6 млн. кишига кўпайган, холос. Мазкур қўрсаткичлар ўсиши ўртасидаги фарқ меңнатга сафарбар этилмаган меңнатга лаёқатли аҳоли миқдорини англатади. Бундан ташқари, ушбу ҳолат мамлакатда ишсизлар сонининг ўсишига сабаб бўлади ва ишсизлик даражасининг юқори кўрсаткичини келтириб чиқаради.

Бугунги кунда республикада ишсизликнинг пайдо бўлиш сабабларига кўра, қуйидаги асосий турлари кўп учрамоқда:

- таркибий, иктисолиётнинг янги тармоқлари пайдо бўлиши ёки эскисига барҳам берилиши ва мулкчилик шаклларининг ўзгариши билан юзага келади;
- яширин, бу асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари учун характерлидир ва бу ҳақиқий ишчи кучини камроқ миқдорда талаб қиласди. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг чуқур инқизози шароитида корхоналарда иш билан ортиқча бандликнинг сакланиб қолганлигидан далолат беради;
- мавсумий, маълум мавсумда иш билан бандликни таъминловчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш ҳамда тайёрлаш муддати билан асосланган. Мавсумий ишсизликнинг ҳажми ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг мавсумий омиллари баравар таъсир қилиши сифатида намоян бўлади;
- технологик ўзгарувчан, бу корхонада технологик ўзгаришларнинг амалга оширилиши ва модернизация қилиниши натижасида юзага келади.

Масалан, фан-техника ютуқлари натижасида қўл меҳнати ўрнини машина эгаллаши натижасида юзага келади.

Ишсизлик таркиби унинг сабабларига кўра, ишчи кучининг 4 асосий тоифасини ўз ичига олади: ишдан бўшатилиши натижасида ўз жойини йўқотганлар, ишдан ихтиёрий равишда бўшаганлар, маълум муддатга узилиш ёки танаффусдан сўнг меҳнат бозорига келганлар, меҳнат бозорига биринчи бор келганлар. Бу тоифаларнинг ўзаро нисбатлари иқтисодий давр босқичларига боғлиқ.

Мазкур тоифа аҳоли орасида энг кўп улушни ишдан бўшатилиш натижасида ўз иш жойини йўқотганлар кўпчиликни ташкил қилиб, уларнинг пайдо бўлишига республикада амалга оширилган хусусийлаштириш жараёни сезиларли таъсир кўрсатди. Мамлакатда иқтисодий тараққиётнинг бозор тизимиға ўтилгандан сўнг мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жадал суръатда амалга оширила бошланди. Чунки режали иқтисодиёт юритиш даврида барча корхоналар давлатга қарашли бўлиб, давлат ягона мулқдор ва монопол ҳисобланган. Бу эса иқтисодиётнинг инқирози ҳамда ушбу тизимнинг барбод бўлишига олиб келди.

Ўзбекистонда амалга оширилган хусусийлаштириш ислоҳотларининг дастлабки босқичида савдо дўконлари ва аҳолига майший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари давлат тасарруфидан чиқарилган бўлса, кейинги босқичларда ишлаб чиқариш корхоналари ва йирик обьектлар тадбиркорлар қўлига топширилди. Мазкур ислоҳотларнинг бугунги босқичида эса стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳам давлат тасарруфидан чиқарилиб, давлатга тегишли бўлган улушлар сотилмоқда.

Корхоналарнинг хусусийлаштирилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш даражаси ошиб, иқтисодий самарадорликнинг ўсиши таъминланди. Бироқ корхоналардан ишчи ходимлар бўшатилишининг юқори кўрсаткичи кузатилди. Чунки иш берувчи тадбиркорлар учун малакасиз ва паст унумдорликка эга бўлган ишчиларни ушлаб туриш фақат зарар келтиради. Натижада яширин ишсизлик маълум даражада қисқарди, лекин улар таркибий ишсизларга айланди.

Ишсизликнинг кўпайишига қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам бевосита таъсир ўтказади. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорликни ошириш ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишини таъминлаш мақсадида ушбу тармоқда ҳам таркибий ўзгаришлар рўй берди. Чунки собиқ тузумдан мерос бўлиб қолган жамоа хўжаликларида рентабеллик ва унумдорлик кўрсаткичлари паст даражада бўлиб, бу ҳолат ер ҳамда моддий ресурслардан кўр-кўрана фойдаланишининг салбий оқибати эди. Шу билан бирга, жамоа хўжаликлари яширин ишсизликнинг «уяси» ҳисобланиб, иш жойига эга бўлмаган меҳнатга муҳтож малакасиз аҳолини бригадаларга жалб қилиш орқали ишсизликка «барҳам берилган». Айнан шу сабабли собиқ Иттифоқда «ишсизлик» тушунчаси ишлатилмаган.

Мазкур салбий ҳолатларни бартараф этиш ва қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларини тубдан ўзгартириш мақсадида мамлакат Президентининг ташаббуси билан «ерни ўз эгасига бериш» тамойили асосида иш кўрила бошланди. Мазкур ислоҳотларнинг дастлабки босқичида жамоа хўжаликлари тугатилиб, улар пурратчиликка асосланган ширкат хўжаликларига айлантирилди, ер пурратчиларга тақсимлаб берилди.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Ишсизлик тушунчасига таъриф беринг. Таърифга яна қандай қўшимча киритиш керак деб мумкин деб ўйлайсиз?
2. Ишсизликнинг сабаблари нимадан иборат?
3. Ишсизликни таснифланг.
4. Ишсизликни камайтиришнинг асосий йўлларини айтинг. Мисоллар келтиринг.
5. Ўзбекистонда ишсизлик муаммосининг қандай хусусиятлари бор?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишлиланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Аҳолини иш билан бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: 2011. – 291 б.
3. Абдурахмонов Қ.Х., Зокирова Н.Қ. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. – 534 б.
4. Холмўминов Ш.Р., Холмуродов С.Е. Мехнат бозори иқтисодиёти. – Т.: 2013. –228 б.
5. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Мехнат иқтисодиёти: ижтимоий-мехнат муносабатлари. Дарслик - Т.: 2011. – 691б.
6. Рынок труда: Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. 7. Абдурахманова К.Х. и др. - Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384 с.
8. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқалар. “Инсон тараққиёти”. Дарслик. Т.: “Fan va texnoloigiy”, 2013.- 476 б.
9. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2014.-216 б.

З-МАВЗУ. ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯСИ ВА УНИНГ МЕҲНАТ БОЗОРИГА ТАЪСИРИ

Режа

1. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида давлат сиёсатининг амалга оширилиши
2. Мехнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши ва унинг асосий кўринишлари
3. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятидаги меҳнат миграциясининг кўлами ва географияси
4. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси бўйича давлат сиёсатининг амалга оширилиши

Калит сўзлар: миграция тушунчаси, жаҳон меҳнат бозори, меҳнат миграцияси, аҳоли иш билан бандлиги, меҳнат миграцияси бўйича давлат сиёсати.

1. Ишчи кучи миграциясининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳияти

XXI асрда жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви ва либераллашуви жараёнида ишчи кучи миграциясининг аҳамияти муутазам ошиб бормоқда. Айнан шу боис, ишчи кучи миграциясининг ижтимоий-иқтисодий мазмун ва моҳиятини очиб бериш унинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Миграция – аҳолининг, шу жумладан ишчи кучининг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиб ўтиш ҳаракати бўлиб, унинг миқёси ва суръати мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият ҳамда меҳнат бозори сифимини ҳам белгилаб беради. Ижтимоий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсақ, ишчи кучи миграцияси деганда мамлакат меҳнат ресурсларининг бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга кўчиб юриши тушунилса, иқтисодий нуқтаи-назардан эса, ижтимоий мазмуни билан боғланган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳолининг минтаقا ва ҳудудлараро кўчиб юриши тушунилади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Халқаро Миграция бўйича Ташкилот томонидан ишлаб чиқилган таърифга кўра, меҳнат-мигрантлари деганда инсонларнинг бирор бир ҳудуддан у ўзи истиқомат қиласиган мамлакат миқёсида ёки рухсат этиладиган мамлакатга кўчиб бориб, у ерда иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган қисми тушунилади.

Ишчи кучи миграцияси деганда, одатда, меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги ўзгаришлар билан боғлиқ маконий кўчиб юриши тушунилади. Аҳолининг мазкур қисмининг кўчиб юришини талқин қилишда иккита ёндашувдан фойдаланилади. Биринчи ёндашув анча кенг ва умумий бўлиб, унда миграция аслида ишчи кучининг маконда ҳаракат қилишга мос келади, иккинчи ёндашув анча тор ва маҳсус ёндашув бўлиб, бунда миграция маконда ҳаракат қилишнинг муайян турлари

билин чекланади. Иккинчи ёндашув *migratio* (лотинча «кўчиб юриш», «жойини ўзгартириш») сўзининг дастлабки маъносига мос келади.

Ишчи қучи миграциясининг, бутун аҳоли миграцияси каби, маконда хилма-хил кўчиб юриш турларидан ажратишнинг умумий қабул қилинган мезонлари мавжуд. Уларга доимий яшаш жойини ўзгартириш, худудининг мажбурий чегараларини кесиб ўтиш, мигрантнинг янги яшаш жойида узоқ муддат ёки доимий туриши киради. Мехнат миграцияси вужудга келишининг асосий мотивларидан бири бўлиб, меҳнатга яроқли аҳолининг юкори иш ҳақи олиш мақсадида ўзи учун қулай шароитли иш жойига эга бўлиши ҳамда ўзининг энг яхши меҳнат фаолиятига эришиш истаги ҳисобланади.

Ҳар бир худудда эмиграция ва иммиграция томонлари мавжуд бўлади. Эмиграция – чегара ортига чиқиб кетиш бўлса, иммиграция – чегара ортидан кириб келиш демак. Иммиграция ва эмиграция ўртасидаги фарқ миграция сальдосини беради. Шу ерда яна шуни таъкидлаш керакки, «ремиграция» атамаси ҳам бўлиб, эммигрантларни қайтадан ўз маконига қайтишини англатади. Конуний мигрантларнинг яна бир алоҳида тури мавжудки, бу чегара ортида ишловчилардир. Буни шундай изоҳлаш мумкин, яъни ҳар куни доимий равишда қўшни давлат чегарасини кесиб ўтиб у ерда ишлашдир. Бунга яққол мисол қилиб мексикалик ишчиларнинг ҳар куни АҚШ худудига ўтиб ишлашини ёки Бельгияликларни Франция худудига ўтиб ишлашини айтишимиз мумкин.

Замонавий меҳнат миграциясининг Халқаро Меҳнат Ташкилот (ХМТ) томонидан 5 та асосий тури ажратиб кўрсатилади:

1. Шартнома асосида ишловчилар. Бунда ишловчиларнинг кириб келиш муддати қабул қилувчи давлат томонидан аниқ қилиб кўрсатади. Бу ҳолат асосан мавсумий ишлар, жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш, парваришлаш ва ҳосилни йиғиб олиш кабилар билан боғлиқдир. Мазкур турдаги фаолиятга одатда малакасиз ёки малакаси паст бўлган ишчиларнинг меҳнат миграцияси мисол бўла олади.

2. Малакали кадрлар миграцияси. Бунга амалий тажрибаси ва билими шунингдек тайёргарлиги юкори бўлган ходимларнинг меҳнат миграцияси мисол бўла олади.

3. Ноқонуний мигрантлар. Мазкур тоифага тегишли расмий ҳужжатларни расмийлаштирмасдан хорижда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқаролар киради.

4. Қочоқлар – булар ҳаёти ва фаолияти хавф остида бўлганлиги сабабли хорижга кетиб қолган кишилар.

5. Кўчманчилар – булар доимий яшаш учун бошқа минтақаларга кўчиб юрувчилар.

Жаҳон тажрибасида меҳнат миграциясининг қуидаги шакллари таснифланади.

а) йўналиши бўйича:

- ривожланаётган давлатлардан саноати ривожланган давлатларга миграция;

- ривожланган мамлакатлар ўртасидаги миграция;
- ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги миграция;
- юқори малакали ишчи кучининг саноати ривожланган мамлакатдан ривожланаётган мамлакатга миграцияси.

б) худуд бўйича:

- ички миграция – бирор бир мамлакат миқёсида бўлиб, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги, шаҳарлараро ва қишлоқлараро меҳнат миграцияларига бўлинади. Ана шу асосда қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан қишлоққа, шаҳардан шаҳарга, қишлоқдан қишлоққа борадиган меҳнат мигрантлари оқими шакланади;

• ташқи миграция – давлат чегарасини кесиб ўтиш билан содир бўладиган миграция жараёни бўлиб, унинг ўзи ҳам ўз навбатида иккига бўлинади:

- в) мигрантларнинг малакаси бўйича:
- юқори малакали ишчи кучи миграцияси;
- паст малакали ишчи кучи миграцияси;

г) меҳнат сафарининг давомийлигига қараб:

- қайтиб келмайдиган миграция – узоқ муддатга мўлжалланган ёки абадий бўлиб, одатда, бунга ташқи миграцияси ва ички миграциянинг қишлоқдан шаҳарга бўлган миграцияси мисол бўлади;

• вақтинчалик миграция – ишга муайян муддатга кетишини ўз ичига олади. Бунга ташқи миграциянинг маълум муддатга шартнома бўйича қайтариб келиш шарти бўйича келишган кўчиб кетиши мисол бўла олади;

• мавсумий миграция – бир йил ва ундан кам бўлган ҳолда бирор бир худуддан бошқа худудга мавсумий иш бўйича боришини тақозо этади;

• тебранувчан миграция – ишчи кучининг бир аҳоли пунктидан бошқасига мунтазам равишда ишга бориши ва яна қайтиб келишини ўз ичига олади. Унинг мунтазамлиги меҳнат фаолиятининг тартибига мос келади. Тебранувчан миграция урбанизация шароитида юзага келади. Асосий йўналишлари – қишлоқдан шаҳарга, шаҳар яқинидан агломерация ўзагига. Тебранувчан миграция йирик ва ўрта шаҳарларнинг таъсир доирасида тарқалган бўлиб, у ўша ерда ишчи кучини шакллантиришнинг муҳим манбаидир. Шаҳар яқинига қатнайдиган транспортнинг ривожланиши билан бу хилдаги ҳаракат айниқса, тез ортиб бормоқда, уларнинг кўлами, жадаллиги ва оқибатлари доимий кўчиб боришлар миқдоридан ортиб одатий ҳолга айланиб бормоқда.

д) қонун жиҳатдан:

- қонуний миграция;
- ноқонуний миграция.

Мамлакатда миграция жараёнлари жадаллигини баҳолаш ва унинг суръатини аниқлашда миграция коэффициенти кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичларга келиш коэффициенти, кетиш коэффициенти ва миграция сальдоси коэффициенти кириб, улар ҳар минг кишига нисбатан ҳисобланади:

Аҳолининг келиш жадаллиги коэффициенти:

$$Кк = Кс / Аўс * 1000 \quad (1)$$

Аҳолининг жўнаб кетиш жадаллиги коэффициенти:

$$К_ж = Ж_с / А_ўс * 1000 \quad (2)$$

Миграция қолдиғи ёки аҳолининг миграция ўсиши коэффициенти:

$$К_{мс} = К_к - К_ж \quad (3)$$

Бу ерда: K_k – келиш жадаллиги коэффициенти;

$K_с$ – келганлар сони;

$A_ўс$ – ўртача аҳоли сони;

$K_ж$ – жўнаб кетиш жадаллиги коэффициенти;

$Ж_с$ – жўнаб кетганлар сони;

$K_{мс}$ – миграция сальдо коэффициенти.

Кетиш коэффициенти мазкур ҳудуд аҳолисининг миграция фаоллиги, келиш коэффициенти эса ҳудуднинг мигрантлар учун қулай эканлигини тасвирлаб беради. Миграция сальдосининг микдори (ижобий ёки салбий) миграциянинг ишчи кучи бозорини шакллантиришга бевосита таъсирини тавсифлайди. Бунга мазкур минтақадаги келган ва кетганлар таркибидаги фарқ (тафовут) таъсир қиласи. Мусбат белги мазкур ҳудудга аҳолининг келиши, манфий белги жўнаб кетганлигини билдиради.

1. Ишчи кучи миграциясига таъсир этувчи омиллар ва унинг мамлакат иқтисодиётига таъсири

Ишчи кучи миграциясининг келиб чиқиши сабаблари ва ўз навбатида унинг мамлакат иқтисодиётига ижобий ва салбий таъсирлари билан боғлиқ бўлади.

Миграция омиллари деганда ишчи кучининг бир жойдан иккинчи жойга ўтиши учун сабаб бўладиган объектив ва субъектив шарт-шароитлар тушунилади. Мехнат миграциясига таъсир этувчи омилларни иккита катта гурухга, яъни иқтисодий ва ноиқтисодий омилларга ажратиш мумкин. Бунда иқтисодий омиллар қуидагича тартибда таснифланади:

- мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси, яъни ишчи кучи ўзи яшайдиган мамлакатларига нисбатан анча иқтисодий юксалган давлатларга кўчиб кетишига интилади;

- мамлакат меҳнат бозорининг ҳолати ёки бошқача айтилса кам ривожланган ва аҳоли сонининг зичлиги оқибатда ишсизлар бошқа давлатга иш излаб кетиб қолишади;

- иқтисодиётдаги эркинлаштирилиши натижасида халқаро муносабатлар яхши йўлга қўйилиб ишчи кучлари алмашиниши юзага келди;

- капитал ҳаракати, яъни капитал олиб кириш ёки олиб чиқиши натижасида капитал билан бирга малакали ходимларнинг ҳам миграцияси содир бўлади.

Ноиқтисодий омилларга эса қуидагилар киради:

- сиёсий-ҳуқуқий омиллар;
- миллий омиллар;
- диний омиллар;
- ирқий омиллар;
- оилавий муносабатлар омиллари.

Ишчи кучи миграциясига таъсир этувчи омилларни аниқ ва равшан изоҳлаб ўтиш муаммога аниқлик киритади. Ҳозирги вақтда меҳнат

миграциясининг сабаб-оқибатларининг ўзаро боғлиқлигини тушунтириб берадиган бир қатор назария ва концепциялар ишлаб чиқилган. Улар ёрдамида минтақалар ўртасидаги турли миграция оқимларининг кўлами, йўналишлари, жадаллиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши мезонлари билан биргалиқда макродаражада мувофиқлаштиради (иш ҳақи микдори, иш билан бандлик даражаси, ишчизлик даражаси, капитал қўйилмалар ҳажми, уй-жой шароитлари, иш ўринлари сони ва ҳоказолар билан). Бундай ўзаро алоқаларнинг муҳим жиҳати – улар феъл-авторининг мигрантлар таркибига (ёшига, жинсига, маълумот даражасига ва касбий тайёргарлигига ва ҳоказоларга) боғлиқликни аниқлашдир.

Аҳолининг оила ёки уй хўжаликларида турмуш шароитининг ўзгариши миграция тўғрисида қарор қабул қилиш учун муҳим бўлган кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этади ва микродаражада ўрганилади. Бундай ёндашув миграцион хулқ-автор қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарурдир. Умуман, ишлаб чиқилган назариялар ва концепциялар миграцияни башорат қилишда муҳим бўлган модел ва фаразлар тузилишига асос бўлади.

Шунингдек, меҳнат миграциясининг юзага келишига қуидаги вазият ва ҳолатлар ҳам ўз таъсирини кўрсатади:

- ўз касб йўналишини амалга ошириш бўйича имкониятларни яратиш, бошқа яшаш жойида иш ҳақининг энг яхши шарт-шароитларига эга бўлган ишга жойлашиш;
- инсон солиғи ҳамда иқлимга хос яшаш ва ишлаш шарт-шароитларининг зарурлиги;
- қариндошларга қўшилиш;
- маълум бир маданият, билим ва яшаш тарзини ўзгартиришга эҳтиёж;
- меҳнат зиддиятлари ва оиласидаги келишмовчиликлар;
- тасодифий ҳолатлар, вазиятлар ва ҳ.к.

Миграция сабабларининг биринчи марта назарий жиҳатдан тушунтириб бериш одатда инглиз географи Ровенстейн номи билан боғланади. У XIX асрнинг охиrlарида «миграция қонунлари» назариясини таклиф қилган. Ана шу қонунларга мувофиқ мигрантлар бир ҳудудни чекланган имкониятлар билан тарк этиб, бошқа минтақаларда катта имкониятлар ниятида жойлашиб оладилар. Янги жойларни танлашда масофа катта роль ўйнайди, чунки мигрантлар яқинроқ масофаларга жойлашишни хоҳлайдилар. Қишлоқ-шаҳар миграциясининг ҳар бир оқими қишлоқ жойларига қарама-қарши миграция оқимини вужудга келтиради. Ровенстейн таъкидлаганидек, шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан кам ҳаракатдадир. Шунингдек, инфратузилмалар тараққиёти, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланиши, савдонинг кенгайши ҳамда саноатнинг ўсиши ҳам миграцияни кучайтиради.

Шунингдек, ишчи кучи миграциясини келишига табиий-иклим, демографик, этник омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Табиий-иклим омиллар деганда, ушбу жараёнга атроф-муҳитнинг таъсири тушунилади. У иқлим, ландшафт, экологик тизимдаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Табиий-иклим сабабларининг меҳнат миграциясига таъсири яшаш жойини

ўзгартирганда мигрантларнинг бир қисмини янги жойдаги иқлимга мослашуви зарурлигига намоён бўлади. Бу баъзида кўчиб келганлар саломатлигининг ёмонлашуви билан ёки мигрантларнинг айрим қисмлари учун эса бу об-ҳаво иқлим шароитлари яхши таъсир қилиши билан характерланади.

Мехнат миграциясининг донор мамлакатлар иқтисодиётига ўтказадиган ижобий таъсирлари:

- эмиграция мамлакат меҳнат бозорини анча юмшатади, яъни ишчи кучи миграцияси натижасида ортиқча меҳнат ресурслари сони камаяди, айниқса, аҳолиси зич жойлашган мамлакатларга сезиларли даражада ижобий таъсир ўтказади (Хитой, Хиндистон, Мексика, Покистон, Туркия).

- ишчи кучи экспорти – донор мамлакатларнинг эмигрант ишчиларига текин янги мутахассисликни ўзлаштиришга, уларнинг малакаси ошишига, янги техника ва технологиялар билан алоқа қила олишига олиб келувчи жараён;

- мигрантлар ўз ватанига қайтаётганда ўзи билан қимматбаҳо буюм, пул ва шунга ўхшаган ноёб нарсаларни олиб келишади ва шунингдек турли пул жўнатмаларини амалга оширадилар:

- ишчи кучи экспорти – валюта кириб келишининг асосий манбай бўлиши билан бирга уларнинг оила аъзолари турмуш даражаси кўтарилишининг йўлларидан бири;

- донор мамлакатлар ўз фуқароларининг хорижда ишлашини ташкиллаштирадиган воситачи фирмалардан давлат бюджетига солиқлар ундиради.

Донор мамлакатлар иқтисодиётига ишчи кучи миграциясининг салбий оқибатларини қуидагиларда кўриш мумкин:

- эмиграция қиладиган мамлакатлар ўзларининг меҳнат ресурслари ёки меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳолининг маълум қисмидан ажralадилар;

- донор мамлакатлар эмигрантларнинг билим олиш ва малакасини ошириш учун маблағ сарфлайдилар;

- малакали кадрларнинг камайиши, яъни билимли ва малакали кадрларнинг чиқиб кетиши содир бўлади. Бунинг натижасида эса давлат йирик миқдордаги пул маблағини йўқотади.

Рецепиент мамлакатлар иқтисодиётига эса ишчи кучи миграцияси қуидагича ижобий самара беради:

- хориж ишчиларининг кириб келиши юқори даражадаги сафарбарликни келтириб чиқаради, миллий иқтисодиётнинг таркибида айрим тармоқларини шакллантиради;

- иммигрантлар миллатнинг ёш таркибини яшартиради, чунки одатда эмиграция қилинганлар ёшлардан иборат бўлади;

- қабул қилиб олаётган мамлакатлар харажатларини тежашга эришади, чунки ўз ишчи кучларини билим ва малакасини оширишга жўнатаётган донор мамлакатлар буни олдиндан тўлашган бўлади;

- иммигрантлар ички бозор ҳажмини оширадилар, товар ва хизматларга талабни ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширадилар;

- ишчи кучи импорти товарнинг рақобатбардошлигини оширади, чунки арzon ишчи кучи келиши билан ишлаб чиқариш харажатлари тежалади;
- иммигрантларнинг вақтинчалик бўш турган маблағлари, қабул қилувчи давлат томонидан ўз иқтисодиёти учун молиялаштирилади;
- иммигрантлар демографик ҳолатни яхшилайдилар, бу айниқса, умумий аҳолиси таркибида қариялар улуши юқори ҳисобланган Фарбий Европа мамлакатлари учун хосдир;

Меҳнат миграциясининг рецепiente давлатлар учун салбий томонлари эса қуидагиларда намоён бўлади:

- мамлакатнинг иқтисодий тармоқлари хориж ишчи кучларига қарам бўлиб қолади;
- ички ишчи кучларининг баҳоси пасаяди ва хориж ишчи кучларининг таклифи ошиб кетади;
- туб аҳоли билан иммигрантлар ўртасида турли зиддиятлар пайдо бўлади ва натижада мамлакатлараро низолар ҳам пайдо бўлиши мумкин;
- иммигрантлар меҳнат фаолиятини олиб бораётган мамлакатда узоқ ва қийин мослашадилар.

Ишчи кучини четдан олиб келувчилар учун ҳам, уни четга чиқарувчилар учун ҳам ташқи меҳнат миграциясининг ижобий ва салбий оқибатларини таҳлили асосида ишчи кучи ҳаракатининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга мўлжалланган қатор иқтисодий назариялар ишлаб чиқилган. Уларнинг ичida кўпроқ маълум бўлгани ишчи кучи халқаро миграциясининг «баланс» ва «ассимметрия» назариялари бўлиб, уларнинг ҳар бири ишчи кучини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юришини турлича тушунтиради. «Баланс» ёки неоклассик назария миграцияни тор маънода, яъни асосан, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишчи кучи билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши нуқтаи назаридан кўриб чиқади ёки ишчи кучи миграциясини товарлар ва капитал оқими сингари яна бир ишлаб чиқариш омилиниң ҳаракати сифатида тушунтиради. Ушбу назарияга биноан, миграция меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги тафовутлар кўпайиб бориши билан ўсиб боради.

2. Меҳнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши ва унинг асосий қўринишлари

Ишчи кучи миграцияси давлат қонунчилиги ва халқаро актлар ёрдамида тартибга солиб турилади. Миллий қонунчиликда 2 хил тенденция ёнма-ён юради:

- очик иқтисодиёт шароитида, яъни меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракати;
- проекционизм шароитида, яъни миграция жараёнининг чекланганлиги.

Давлат миграция сиёсати – ишчи кучи экспорти ва импортини тартибга солиб турувчи давлатнинг мақсадли фаолияти ишчи кучи миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши бевосита меҳнат мигрантларининг

манфаатларини ҳамда ишчи кучини экспорт ва импорт қилувчи мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ.

Давлат миграция сиёсатини тартибга солишнинг турли мақсад ва усууларидан келиб чиқиб эмиграция ва иммиграция сиёсатига ажралади.

Давлатнинг эмиграция сиёсати – билвосита тартибга солиш яъни маъқул бўлган эмиграция иқлимини яратиш ва бевосита тартибга солиш яъни эмиграция оқимларининг ҳажми ва таркибини мақсадли равищда тартибга солишни кўзлайдиган саёsat.

Эмиграция оқимларини билвосита тартибга солиш усули:

- хориждан валюта кириб келишини кўзлаган валюта ва банк сиёсати;
- ҳисоб рақамида хориж валютасини сақлаш бўйича тегишли имтиёзлар бериш;
- меҳнат мигрантларига қимматли қоғозларни сотиш;
- божхона сиёсати, яъни бунда ўз ватанига қайтаётган меҳнат мигрантларига бож тўловлари бўйича имтиёзлар берилади.

Эмиграцияни тартибга солишнинг бевосита усули:

- меҳнат миграцияси субъектларини яъни воситачи фирмалар ёки меҳнат мигрантларини назорат қилиб туриш;
- экспансион сиёсат, яъни хориж бозорларидаги иш жойларини эгаллаб олиш учун йўналтирилган сиёсат (масалан, ўша мамлакатда ишлаб чиқарилиб экспорт қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи мутахассисларни қўпроқ жўнатиш орқали бозорни эгаллаш);
- тузилмавий сиёсатнинг асосий элементлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади: хориж паспорти берилишини чеклаш; айrim тоифадаги ишчиларнинг чиқиб кетишини тақиқлаш ва эмиграцияга квота қўйиш.

Давлатнинг иммиграция сиёсати – миллий меҳнат бозори мигрантларининг тартибсиз ҳаракатидан ва нотўғри фойдаланишидан ҳимоя қилиш сиёсати. Мигрантлар қуидаги 3 та тоифа бўйича таснифланадилар:

1) оиласий эмиграция, бунда оила аъзоларининг айримлари хорижда юрганлиги боис қолганлари ҳам кўчиб боришга тўғри келади;

2) иқтисодий эмиграция, катта маҳорат ва меҳнатга лаёқатлилик, хусусий тадбиркорлик фаолияти бўйича малака талаб қиладиган ва иқтисодиётнинг ривожланишига хисса қўшадиган миграция йўналишидир. Бу турдаги иқтисодий эмиграция ҳам 4 хил кўринишга эга:

- шахсий тадбиркорлик эмиграцияси (ўз тажрибаси ва капитали орқали борган жойида иш бошлайди);
- ёши кичикроқ бўлган, лекин яхши малакали бўлган шахсларнинг эмиграцияси;
- иш берувчи таклифига биноан эмиграция;
- халқаро аҳамиятга эга бўлган яъни ижод ва спорт кабилар туфайли эмиграция;

3) гуманитар эмиграция, қочоқларнинг ҳаракати сифатида намоён бўлади.

Давлатнинг иммиграция сиёсати қуидагилардан ташкил топади:

- хориж ишчи кучларининг сифатига бўлган талаб. Яъни бунда ишлашни хоҳловчи хориж фуқароларининг маълумоти, касб-кори, малакаси ва иш стажига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Австралияда мутахассислиги бўйича камида 3 йил, Уммон, Бирлашган Араб Амирлиги, Қатар каби давлатларда ҳатто ошпазликка ҳам камида 5 йил стажга эга бўлганлар қабул қилинади;
- ёш бўйича танланиши. Бунинг мазмуни шундаки, импорт қилаётган давлат, меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг айниқса 20 ёшдан то 40 ёшгача бўлганларни қабул қилишни хоҳлайди;
- саломатлиги бўйича. Хорижлик ишчиларнинг кўрикдан ўтказилиши билан изоҳланади. Масалан, Швеция ва Норвегияда ёлловчи фирмалар кириб келаётган ишловчи номзодларни тиббий кўрикдан ўтказишади;
- шахс характерининг чекланганлиги. Ижтимоий «тозалик» яъни қабул қилувчи давлатга ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан салбий таъсири бўлмаслиги лозим. Масалан, АҚШда тоталитар кўринишдаги партияга аъзо бўлганларнинг кириб келишига чекловлар қўйилган;
- ишчи кучи импортига тўғридан-тўғри квота қўйиш. Мисол учун Грецияда 5 тадан кам бўлган грек миллатига мансуб бўлган ходимлари бор корхонага хориж ишчи кучини ёллаш тақиқланган;
- молиявий чекловлар. Словакияда оддий ишлашни хоҳловчи мигрантлар меҳнат фаолиятини бошлиши учун маблағ киритишлари лозим. Ирландияда 4 ой давомида ишлаганлиги учун 100 ирланд фунти тўлаши шарт;
- вақтнинг чекланганлиги. Имигрантлар учун қабул қилиб оловчи давлат унинг фаолият юргизиши учун маълум бир муддатни беради;
- айрим фаолиятда тури билан шуғулланиш умуман тақиқланганлиги. Туркияда шундай қонун борки, унда хорижликлар келиб шуғулланиши мумкин бўлмаган мутахассисликлар аниқ белгилаб қўйилган. Уларга шифокорлар, адвокатлар, учувчилар, кончилар, ҳайдовчилар, балиқчилар, официантлар, брокерлар, қўриқчилар киради;
- миллий ва географик мавқеига қараб. Кўп давлатлар имигрантларнинг этник таркибиغا қараб имтиёзлар қўядилар. Жумладан, АҚШ Европалик имигрантларни афзал билса, Германия эса Қозогистон ва Марказий Осиёлик немисларни афзал кўради;
- меҳнат мигрантларнинг чиқиб кетишини рафбатлантирувчи дастурлар. Ушбу дастурларнинг 3 хил тури мавжуд:

- 1) иммигрантларнинг компенсация билан сийланиши. Меҳнат фаолиятини муддатдан илгари тугаллаб кетишлари учун турли кўринишдаги тўловларни амалга ошириш;
- 2) иммигрантларни ўз ватанига қайтишини осонлаштириш мақсадида касбий тайёргарлик дастурлари;
- 3) оммавий эмиграция минтақаларига иқтисодий ёрдам дастурлари.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир мамлакат ўзининг ички шарт-шароитларидан келиб чиқиб, ишчи кучининг кириб келиши ва чиқиб кетишини тартибга солиб, назорат қилиб туради.

Халқаро Мехнат Ташкилоти экспорт қилувчи давлатларнинг эмиграция сиёсатини қўйидагича изоҳлаб беради:

1. Мехнат ресурсларининг эмиграцияси ишсизликни камайтириш ва ташқи савдо баланси тақчиллигини қоплаш лозим.

2. Эмигрантлар хорижнинг яшаш шарт-шароитларига рози бўлишлари лозим.

3. Ўз ватанига қайтаётган эмигрантлардан хориж тажрибасини ўрганиши талаб қилинади. Ҳозирги кунда меҳнат миграциясининг характерли томони шундаки, ишчи кучини экспорт қилувчи давлатлар турли хил усул ва услублардан фойдаланадилар. Улар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакат манфаатларини ҳимоя қилиш усул ва услубиётлари – эмиграция мактаби, эмигрантларнинг таркиби, сифатига ва давлат доирасида жўнаб кетишини экспорт қилувчи давлат томонидан тартибга солиб турилиши йўллари. Кўпчилик давлатлар эркин кўчишини кўзлаб, фуқаролар хукуқини инобатга олган ҳолда эмиграция сиёсатини ишлаб чиқарадилар. Баъзи бир давлатлар эса юқори малакали мутахассислар ва малакали ишчи кучлари етишмаслиги туфайли эмиграцияни ушлаб туриш сиёсатини амалга оширадилар.

- мигрантларнинг валюталаридан иқтисодиётни ресурслар билан таъминлаш мақсадида эмиграциядан фойдаланиш методи ишлатилади. Яъни бунда миллий банкда эмигрантлар учун алоҳида валюта счёти очилади ва уларга бошқаларга қараганда юқори фоиз ставкалари белгиланади. Бундан ташқари яна бир қанча имтиёзлар ҳам берилади. Айрим давлатлар меҳнат мигрантларининг хорижда оладиган маошини кафолатини ўз зиммасига олса, бошқа бир давлатлар уларнинг суғурталанишини воситачи корхоналар орқали таъминлайди;

- меҳнат эмигрантлари хукуқини ҳимоя қилиш мақсадида икки томонлама шартнома ва битимлар тузилади. Бу битим ва шартномаларда қўйидагилар аниқ келишилиб олинган бўлиши керак:

- а) иш ҳақини олиши учун ижтимоий-иктисодий кафолатлар бўлиши лозим;
- б) бориб-келиши учун тўловлар;

- в) яшаш шароитининг таъминланиши;

- г) тиббий хизматнинг давомий тарзда кўрсатилиши;

- д) ҳар қандай муаммоли вазиятлар бўлганда, фуқаронинг (эмигрантнинг) хукуқини инобатга олган ҳолда ҳал этилишини кўзлаш ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам, меҳнат мигрантларининг хукуқини ҳимоя қилиш бўйича элчихона ва айрим муассасаларда аттеллиялар (шу соҳа бўйича мутахассис) фаолият юргизади.

Мехнат мигранти ва унинг оиласини ҳимоя қилиш учун фонд тузилади. Бу фонднинг ишлатилиши одатда уларнинг тиббий хизматга, яшаш тарзини яхшилашга ва уйга қайтиш эҳтиёжи пайдо бўлганда кўзга кўринади.

Ҳар бир давлат одатда миграцияни тартибга солиш механизмини ишлаб чиқараётганда бир вақтнинг ўзида ҳам давлат манфаатлари, ҳам эмигрант ва иммигрант манфаатларининг кўзланишини инобатга олади. Шундай жараённи

амалага оширувчи воситалардан бири бу, хорижда ёллаб ишлатувчи корхоналар (васитачи корхоналар) фаолиятини лицензиялаш. Лицензиялашда авваламбор шу корхонанинг қандай фаолият кўрсатиб келаётганлиги, етарли даражада тажрибалилиги ва халқаро миқёсда нуфузга эгалигига қараб унга ишонч далолатномасини бериш лозим.

Мехнат ресурсларини импорт қилувчи давлатлар доимий равища кириб келаётган меҳнат мигрантларининг сони ва сифатини тартибга солиб туриш учун иммиграция сиёсати амалга оширилади. Жумладан, иммигрантларнинг сонини мувозанатда сақлаш учун иммиграция квота кўрсаткичлари йилдан-йилга ўзгартириб борилади. Бу квоталарни аниқлашда мамлакатнинг хориж ишчи кучларига талаби бўйича ва алоҳида тоифалар бўйича (ёш ва жинси, мълумоти ва бошқалар) ва шунингдек, импорт қилувчи давлатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи ўрганиб чиқилади. Иммиграция квотаси турли кўрсаткичлар бўйича (албатта иммигрантларнинг) турли хил тақсимланади.

Импорт қилувчи давлат, биринчи навбатда, меҳнат мигрантларининг сифатини таъминлаш учун турли методлар ишлаб чиқади, жумладан, иммигрантларнинг гуруҳини аниқлашда кириб келиш визаларини назорат қиласиди.

Миграциянинг танлаб олиш сиёсати борки, унга кўра импорт қилувчи давлатлар айrim тоифадаги мигрантларнинг кириб келиши учун турли имтиёзлар жорий қиласиди.

Шунингдек, иммиграцияни амалга ошираётганда мигрантларнинг қўйидаги 5 та гуруҳи инобатга олинади:

- ишчилар – кам иш ҳақи олиш бўйича ва қийин ҳамда хавфли ишни бажариш бўйича рақобатлашадиганлар;
- мутахассислар – иқтисодиётнинг тез суръатда ривожланаётган ва юкори даражадаги технология билан таъминланган соҳаларида ишловчилар;
- ноёб касб эгалари (олмосга ишлов берувчилар, дастурчилар, веб-дизайнерлар, шифокорлар ва бошқалар);
- таълим, санъат ва спорт каби соҳалардаги юкори тоифали мутахассислар;
- халқаро ташкилотдаги ишловчилар ва қабул қилиб олувчи давлатда ишини давом эттирмоқчи бўлган тадбиркорлар.

Иммиграция сиёсатининг мақсадларидан бири бу, ички меҳнат бозорини хориж ишчи кучларининг кириб келиши билан содир бўладиган турли-туман муаммолардан ҳимоя қилишдир. Ҳар бир давлат ўзининг миграция сиёсатини амалга оширад экан, ўша давлат албатта бошқа давлатлардаги қонунлар ва халқаро ташкилотларнинг меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларидан бевосита ва билвосита фойдаланади ҳамда амалиётга татбиқ этади. Шундай экан, айrim халқаро ташкилотлар тўғрисида тўхталиб ўтсак:

3. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятидаги меңнат миграциясининг кўлами ва географияси

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти мамлакатларида меңнат миграцияси оммавий тус олди, бу эса ижтимоий-иқтисодий соҳада жиддий ўзгаришларга олиб келмоқда. Баҳолашларга кўра, унда 3,9-4,5 млн. киши ёки иш билан банд аҳолининг тахминан 4-5 % қатнашмоқда

Бу ерда меңнат мигрантларининг турли томонга йўналган қўйидаги икки оқимини: меңнат иммиграцияси ва меңнат эмиграциясини ажратиб кўрсатиш мумкин. Шу билан бирга, оқимларнинг ҳар бири легал (расмий хизматлар томонидан рўйхатга олинган) ва нолегал (рўйхатга олинмаган) таркибий қисмларни ўз ичига олади

Кейинги йилларда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг баъзи мамлакатлари ўз фуқароларининг хукуқларини ҳимоялаш ва меңнат эмиграциясини уюшган ўзанга солиш масалаларида ўз позицияларини анча фаоллаштиридилар. Масалан, Қирғизистонда Миграция ва иш билан бандлик давлат қўмитаси ташкил қилиниб, унга вазирлик мақоми берилди, унинг раҳбари эса мамлакат хукуматининг таркибида кирди. Шу тариқа ушбу мамлакатдан меңнат мигрантлари борадиган мамлакатлар билан давлатлараро мулоқот бошланиши учун шарт-шароитлар яратилди. Миграция ва иш билан бандлик давлат қўмитаси Россиянинг қатор мамлакатларида, шу жумладан, Москвада ўз ваколатхоналарини очди, ушбу ваколатхоналарга Россиянинг меңнат бозоридаги вазиятни ўрганиш топширилди. Натижада Қирғизистон ўз фуқароларининг ишга жойлашиш масаласини Россия мінтақалари билан ҳал қила бошлади. Масалан, Пенза вилоятининг раҳбарияти Қирғизистондан келадиган 2 минг меңнат мигрантини қабул қилишга тайёрлигини эълон қилди. Ушбу вилоят раҳбарияти мазкур меңнат мигрантлари ёрдамида кишлоқ жойларда сабзавотчилик ва чорвачиликни тиклаш, шунингдек кишлоқ жойлардаги соғлиқни сақлаш тизимидағи малакали кадрлар танқислигини бартараф этиш умидида эди⁴.

Жаҳоннинг турли мамлакатларидаги вазиятни таҳлил қилиш ва меңнат миграциясини тартибга солиш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, жаҳондаги сиёсий ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳисобга ола туриб, мамлакатнинг ишчи кучига бўлган конкрет эҳтиёжларини аниқлаш хориждан келадиган меңнат миграциясига оид сиёсатни шакллантириш учун негиз бўлиб қолиши керак. Бир томондан, иш билан банд аҳолининг сонини (жумладан, меңнат мигрантлари ҳисобига) ошириб бориш мумкин. Иккинчи томондан эса, меңнат унумдорлигини ошириш, усқуналарни янгилаш ва илгор технологияларни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялашга маблағ сарфлайдиган корхона эгаларини солиқ воситалари орқали рағбатлантириб бориш мумкин.

Меңнат миграциясининг кўриб чиқилган хусусиятлари ва тенденциялари уни тартибга солиш тизимини такомиллаштиришга оид қатор тавсияларни таърифлаш имконини беради. Бу тавсиялар шундан келиб чиқадики, ушбу

⁴ Икки минг қирғизистонлик мигрант Пенза вилоятида легал равишда ишлайди (www.gazeta.kg).

соҳадаги Евроосиё ҳамжамиятига киравчи мамлакатларда давлат сиёсатининг мақсади вақтингчаликка келган меҳнат мигрантларини керакли миқёсда ишга жалб этиш ҳисобига меҳнат ресурслари балансини таъминлашдан иборат бўлиши лозим. Маҳаллий аҳоли ишга жойлашиш борасида устувор ҳукуқقا эга бўладиган тарзда ишчи қучига оид аниқ асосланган эҳтиёжлар негизида МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан вақтингчаликка келадиган уюшган меҳнат миграциясининг келаверишини рағбатлантириш, шунингдек вақтингчаликка келадиган меҳнат мигрантларини легаллаштириш учун шарт-шароитлар яратиш бундай сиёсатнинг устуворликларидир.

Меҳнат миграциясини тартибга солиш юзасидан қуйидаги конкрет чоратадбирларни таклиф этиш мумкин.

Меҳнат мигрантларини уюшган тарзда вақтинча ишга жалб этиш тўғрисида, бир томондан, Евроосиё давлатларининг энг йириги бўлган Россия минтақалари ва иккинчи томондан, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган МДҲ мамлакатлари ўртасида икки томонлама тузиладиган битимларни тайёрлаш ва имзолаш зарур.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида мигрантларни излаш, қабул қилиш, расмийлаштириш ва вақтинча ишга жойлаштириш бўйича давлат ва хусусий капитал қатнашадиган рекрутинг компаниялари ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Иш берувчи учун меҳнат мигрантларини вақтингчалик ишга расмийлаштириш таомилини соддалаштириш ва тезлаштириш муҳим. Бундай таомил хабарловчи тусда бўлиши, аҳолини иш билан таъминлаш хизмати орқали амалга оширилиши ва вақт жиҳатидан қатъиян чекланган (кўпи билан 10-15 кунни эгаллайдиган) бўлиши лозим.

Меҳнат қилиш шартларига, ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик техникасига риоя қилиш, меҳнат мигрантларининг яшаб туришлари учун зарур бўладиган ижтимоий-маиший шароитларнинг меҳнат фолиятини амалга оширишлари учун қонунийлигини мунтазам мониторингини ташкил этиш зарур. Шу билан бир йўла иш берувчиларнинг мигрантлар меҳнатидан фойдаланишлари устидан назоратни кучайтириш, шунингдек нолегал мигрантларнинг меҳнатини эксплуатация қиласидиган иш берувчиларни жазолашни (токи жиноий жавобгар қилишгача) қаттиқлаштириш лозим. Айни чоғда эса вақтингчаликка келган меҳнат мигрантларини ишга қонуний расмийлаштиришни амалга оширадиган, уларнинг ижтимоий суғурта қилиниши, нормал турар жой шароитларида яшashi ва хавфсиз шароитларда меҳнат қилишини таъминлайдиган иш берувчиларни рағбатлантириш керак. Хорижлик меҳнат мигрантларини ишга ёллаш қоидаларидан иш берувчиларни хабардор қилиб бориш ҳам худди шу каби муҳимдир. Хорижлик ходимларни легал равишда расмийлаштирадиган, уларга тўланадиган иш хақини оширадиган, уларнинг суғурта қилинишларини таъминлайдиган иш берувчиларнинг ижтимоий маблағ ажратмалари ставкасини пасайтириш мумкин.

Барча Евроосиё мамлакатларининг турли минтақаларида очик маслаҳат шоҳобчалар тармоғини ташкил этиш асосида мигрантларнинг ҳукуқларини

таъминлаш, ишга таклиф этаётган мамлакатда яшаб туриш шарт-шароитларига риоя қилиш масалаларида ахборот ва маслаҳатлар билан қўллаб-қувватлаб бориш тизимини ташкил этиш зарур. Рўйхатдан ўтиш, яшаб туриш ва ишлаш қоидаларидан мигрантларни иложи бўлган барча йўллар билан: телевидение, радио, газеталар, ахборот таблолари ва стендлар орқали хабардор қилиб бориш керак. Бундай кўргазмали ахборотлар бозорларда, автобус бекатларида кўзга кўринадиган тарзда жойлаштириб борилиши лозим. Мазкур ахборотлар меҳнат мигрантларининг асосий оқимлари қайси мамлакатлардан келаётган бўлса, ўша мамлакатларнинг тилларига таржима қилинишини ҳам таъминлаш зарур.

Евроосиё мамлакатлари иқтисодиётининг ривожланиш даражаси ўртacha муддатли истиқболда икки тоифадаги меҳнат мигрантларига – паст малакали ишчи кучига ва муайян касбларнинг тажрибали мутахассисларига бўлган эҳтиёжнинг кучайиб бориши билан характерланади. Биринчи тоифадаги меҳнат мигрантларини ишга жалб қилганда хориж мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш керак (хорижий мамлакатларда бундай тоифадаги меҳнат мигрантлари фуқаролик берилмайдиган тарзда кейинчалик мамлакатдан чиқиб кетиши шарти билан шартномаларда аниқ айтиб ўтилган муддатларга вақтинчаликка қабул қилинадилар).

Иккинчи тоифадаги меҳнат мигрантларига татбиқан қаттиқроқ мезонлар қўлланилиши керак: муайян даражали маълумотга эга бўлиш, мутахассислиги бўйича диплом ва иш тажрибаси бўлиши, муайян ёшда бўлиш талаб қилинади. Турли мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, мигрантларнинг бу тоифаси нафақат меҳнат ресурсларининг, балки шунингдек доимий аҳолининг сони тўлдириб борилишининг манбаи бўлади. Германия, АҚШ, Австралия ва қўплаб бошқа мамлакатларда юқори малакали мутахассислар мазкур мамлакатда бир неча йил мобайнида яшаб турганларидан кейин уларга истиқомат қилишга гувоҳнома ва фуқаролик берилади. Шунда вақтинчалик меҳнат миграцияси доимийга айланади, бу эса қисман бўлса-да, мамлакатнинг меҳнат ресурслари ва демографик муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашади.

4. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси бўйича давлат сиёсатининг амалга оширилиши

Ўзбекистонда ташки миграцияси бўйича фаол давлат сиёсати амалга оширилиб, мазкур сиёsat тегишли қонунлар, Президент Қарорлари ва Фармонлари, ҳукумат қарорлари ва шу каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилади, бошқарилади ва тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасим Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарорига мувофиқ, мамлакат фуқароларининг хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш тамоиллари ва шарт-шароитлари белгилаб берилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон фуқаролари:

- мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиши ҳуқуқига эгадирлар;

- хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга фақат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ташқи меҳнат миграцияси Ўзбекистонда ишчи кучининг ташқи миграциясини тартибга солиш ва бошқариш бўйича ваколатли давлат тузилмаси ҳисобланади:

- меҳнат миграцияси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш ва рухсатномалар бериш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини рўёбга чиқаришда ишга жойлаштириш, хорижда ишга жойлаштиришга номзодлар билан дастлабки кўникув тадбирларини ўтказиш йўли билан уларга кўмаклашиш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижлардаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;
- Фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюролар, шунингдек хорижга кетаётган фуқароларни олдиндан кўнитириш ва ўқитиш маркази фаолиятини мувофиқлаштириш;
- хорижий ишчи кучларини ёлловчи хориж фирмалари (корхоналар, муассасалар, компаниялар) билан ҳамкорликни ривожлантириш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижий мамлакатларга жўнатиш учун номзодларни танлаб олиши бўйича Идоралараро комиссиянинг қарорларига мувофиқ рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш);
- юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар бериш (рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш), шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари таклифларига мувофиқ ҳамда ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари таҳлили, аҳоли меҳнат миграциясини ривожлантиришнинг узоқ муддатли ва ўртacha муддатли прогнозларини ҳисобга олган ҳолда хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятига тасдиқномалар бериш.

Демографик вазиятнинг ҳолати, жамиятнинг қариши ва аҳолининг тез суратларда ўсиши ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири. Меҳнат бозорининг келажакдаги истиқболлари. Меҳнат бозорида меҳнат миграциясининг ўрни. Ходимларга қўйиладиган малака талабларининг ортиб бориши.

Баҳс мунозаралар учун саволлар

1. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида давлат қандай сиёсатининг амалга ошириши лозим? Фикрингизни изоҳланг.
2. Мехнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солинадими? Нега давлат бунга аралашуви лозим?
3. Мехнат миграциясининг асосий кўринишлари нималардан иборат? Унга яна нималарни киритиш мақсадга мувофиқ?
4. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятидаги меҳнат миграциясининг кўлами қандай? Сизнингча, бу қандай оқибатларга олиб келади?
5. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси қўлами қандай? Иқтисодий ривожланишга буни қандай таъсири бор деб ўйлайсиз?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Абдураҳмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Аҳолини иш билан бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: 2011. – 291 б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х., Зокирова Н.К. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. – 534 б.
4. Холмўминов Ш.Р., Холмуродов С.Е. Меҳнат бозори иқтисодиёти. – Т.: 2013. –228 б.
5. Абдураҳмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Меҳнат иқтисодиёти: ижтимоий-меҳнат муносабатлари. Дарслик - Т.: 2011. – 691б.
6. Рынок труда: Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. 7. Абдурахманова К.Х. и др. - Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384 с.
8. Абдураҳмонов Қ.Х.ва бошқалар. “Инсон тараққиёти”. Дарслик. Т.: “Fan va texnoloigiya”, 2013.- 476 б.
9. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2014.-216 б.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот мақсади тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илфор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиласидилар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - амалий машғулот: Меҳнат бозорини тартибга солиш ва таҳлил қилиш услублари

Дарс шакли баҳс-мунозара. Меҳнат бозори фаолиятининг ижтимоий-иктисодий моҳияти, меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатларни муҳокама этиш ва кўникма ҳосил этишдан иборат.

Ишни бажариш учун қуидаги масалалар муҳокама этилади:

1. Меҳнат бозорининг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти
2. Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иктисодий муносабатлар
3. Меҳнат бозорини тартибга солиш услулари, шакллари ва воситалари
4. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштириш балансини ишлаб чиқиши ҳамда ишга жойлаштиришга муҳтож, меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методикаси

➤ Муҳокама учун саволлар

Назорат саволлари: меҳнат бозори, ижтимоий-иктисодий муносабатлар, меҳнат бозорини тартибга солиш, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, иқтисодий нофаол аҳоли, иш билаб бандлик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Аҳолини иш билан бандлиги. Ўкув кўлланма. – Т.: 2011. – 291 б.

3. Абдурахмонов Қ.Х., Зокирова Н.Қ. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. – 534 б.
4. Холмўминов Ш.Р., Холмуродов С.Е. Мехнат бозори иқтисодиёти. – Т.: 2013. –228 б.
5. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Мехнат иқтисодиёти: ижтимоий-мехнат муносабатлари. Дарслик - Т.: 2011. – 691б.
6. Рынок труда: Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. 7. Абдурахманова К.Х. и др. - Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384 с.
8. Абдураҳмонов Қ.Х.ва бошқалар. “Инсон тараққиёти”. Дарслик. Т.: “Fan va texnoloigiga”, 2013.- 476 б.
9. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2014.-216 б.

Интернет сайтлари

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг сайти.
4. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
5. www.mineconomu.uz –Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.
6. www.stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi sayti.
7. www.cer.uz– Iqtisodiy tadqiqotlar markazi sayti.

2-амалий машғулот: Ишсизлик: сабаблари, хусусиятлари ва уни камайтириш йўллари.

Ишнинг мақсади ишсизлик тушунучаси, ишсизлик сабаблари, ишсизлик турлари, ишсизликни камайтириш йўллари, ишсизликни келтириб чиқувчи омиллар, ишсизлик муаммоси хусусиятларини мухокама этиш ва кўникума ҳосил этишдан иборат.

Қўйидаги масалалар ўртага ташланади:

1. Ишсизлик ҳақида умумий тушунчалар
2. Ишсизликнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш йўллари
3. Ишсизлик таснифи
4. Ишсизликни камайтиришнинг асосий йўллари
5. Ўзбекистонда ишсизлик муаммосининг айрим хусусиятлари

Назорат саволлари: ишсизлик тушунучаси, ишсизлик сабаблари, ишсизлик турлари, ишсизликни камайтириш йўллари, ишсизликни келтириб чиқувчи омиллар, ишсизлик муаммоси.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Аҳолини иш билан бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: 2011. – 291 б.
3. Абдурахмонов Қ.Х., Зокирова Н.Қ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. – 534 б.
4. Холмўминов Ш.Р., Холмуродов С.Е. Меҳнат бозори иқтисодиёти. – Т.: 2013. –228 б.
5. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Меҳнат иқтисодиёти: ижтимоий-меҳнат муносабатлари. Дарслик - Т.: 2011. – 691б.
6. Рынок труда: Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. 7. Абдурахманова К.Х. и др. - Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384 с.
8. Абдураҳмонов Қ.Х.ва бошқалар. “Инсон тараққиёти”. Дарслик. Т.: “Fan va texnoloigiyiga”, 2013.- 476 б.
9. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2014.-216 б.

Интернет сайтлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг сайти.
4. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
5. www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.
6. www.stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi sayti.
7. www.cer.uz– Iqtisodiy tadqiqotlar markazi sayti.

З-амалий машғулот: Ишчи кучи миграцияси ва унинг меҳнат бозорига таъсири.

Дарс шакли: Кейс - стади.

Кейс-стади – Ишчи кучи миграцияси ва унинг меҳнат бозорига таъсири.

Муҳокама қилинадиган масалалар:

1. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасида давлат қандай сиёсатининг амалга ошириши лозим? Фикрингизни изоҳланг.
2. Меҳнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солинадими? Нега давлат бунга аралашуви лозим?

3. Мехнат миграциясининг асосий кўринишлари нималардан иборат? Унга яна нималарни киритиш мақсадга мувофиқ?

4. Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятидаги меҳнат миграциясининг кўлами қандай? Сизнингча, бу қандай оқибатларга олиб келади?

5. Ўзбекистонда меҳнат миграцияси қўлами қандай? Иқтисодий ривожланишга буни қандай таъсири бор деб ўйлайсиз?

Назорат саволлари: Маҳсулот таннархи. Маҳсулот бир бирлигининг таннархи. Ўртача таннарх. Ишлаб чиқариш харажатлари. Маҳсулотларни сотишдан олинган фойда. Ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Рентабеллик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисобот йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.

2. Абдураҳмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Аҳолини иш билан бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: 2011. – 291 б.

3. Абдураҳмонов Қ.Х., Зокирова Н.Қ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. – 534 б.

4. Холмўминов Ш.Р., Холмуродов С.Е. Меҳнат бозори иқтисодиёти. – Т.: 2013. – 228 б.

5. Абдураҳмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Меҳнат иқтисодиёти: ижтимоий-меҳнат муносабатлари. Дарслик - Т.: 2011. – 691б.

6. Рынок труда: Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. 7. Абдураҳманова Қ.Х. и др. - Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384 с.

8. Абдураҳмонов Қ.Х.ва бошқалар. “Инсон тараққиёти”. Дарслик. Т.: “Fan va texnoloigiy”, 2013.- 476 б.

9. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2014.-216 б.

Интернет сайтлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz

3. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг сайти.

4. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

5. www.mineconomu.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.

6. www.stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi sayti.

7. www.cer.uz– Iqtisodiy tadqiqotlar markazi sayti.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

БИРИНЧИ НАМУНА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ҳасанов X.У., Ҳусанов X.У.

**“Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш” ўқув курсининг
“Меҳнат бозорини тартибга солиш ва ахоли бандлиги” мавзуси
бўйича тайёрланган**

КЕЙС- СТАДИ

Кейс: «Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш» ни имлий ўрганиш

Тошкент – 2018

I. Кейс

1. Фаннинг номи: “Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш”.

Мавзунинг номи: “Меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳоли бандлиги” мавзусига мосланган кейс-стади.

Берилган кейснинг мақсади: меҳнат ресурслари бўйича тингловчилар билимини чуқурлаштириш ва ушбу муаммолар бўйича илмий – амалий ечимларни ишлаб чиқищдан иборат.

Режалаштирилаётган ўқув натижалари;

- минтақаларнинг демографик ҳолатини характерлайди;
- минтақалардаги меҳнат бозорларини ҳолатини ва уларни тартибга солишини таҳлил қиласди;
- минтақалардаги бандликка таъсир этувчи вазиятларни асослайди;
- кейсда келтирилган ҳолатлар ўрганилиб, таҳлил этилади;
- минтақалардаги демографик вазият ва бандлик ҳолатлари бўйича ёзма хисобот тайёрлайди;
- таҳлил натижалари бўйича асосланган хулоса ва таклифлар беради.

2. Кутилаётган натижалар: Меҳнат бозори ҳолатини ўрганган ҳолда, билимини чуқурлаштириш, аҳоли сонини аниқлаш, ишсизлар сони ва таркибини аниқлаш, ишсизлик даражасини ва уни рағбатлантирувчи омилларни таҳлилини ўрганиб чиқиш ва берилган муаммоларни ечиш. Кейс муқаффақиятли ечиш учун тингловчилар **қўйидаги натижаларга** эришишлари лозим: иқтисодиётда мавжуд ишсизлик даражасини камайтириш, иш билан бандлик даражасини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва инвестицияларни жалб этиш орқали меҳнат бозори фаолиятида самарадорликнинг юқори кўрсаткичларига эришиш.

3. Мазкур кейс институционал тизимнинг реал фаолият асосида ишлаб чиқилган;

4. Кейсда ишлатилган маълумотлар манбаи қўйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги.

5. Мазкур статистик маълумотлар асосида тадқиқот тоифасига киради. Ҳолат бирлашманинг таҳлилий кўрсаткичлари асосида тузилган. Кейснинг обьекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳисобланади. Ушбу кейс маълумотлар ва далиллар асосида ишлаб чиқилган. У тузилмавий ва катта ҳажмдаги кейс – стади ҳисобланади.

6. Диадиктик мақсадларга қўра кейс – таҳлилларни ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Шу сабабдан, кейс муаммосининг шаклланиши ва тузилиши унинг масаласининг ечимида алгоритм ва таҳлил асосида ишлаб чиқилган. Голограмма сифатида бაъзи маълумотлар назарий жиҳатдан берилган бўлиб, қўшимча ахборотлар муаммоли ҳолатларни амалий машғулотларда ўз ечимларига эга бўлади.

7. Ушбу кейс – “Меҳнат иқтисодиёти”, “Меҳнат статистикаси” ва “Меҳнат социологияси” каби фанларнинг машғулотларида фойдаланиш мумкин.

КИРИШ

Кейснинг долзарблиги. Республика изда, шу жумладан унинг минтақаларида ахоли бандлиги масаласи доимо долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Узоқ вақт давомида минтақаларда меҳнат ресурслари уларнинг бандлигига нисбатан юқори бўлиб келган. Ҳозирги пайтда ушбу муаммолар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шу муносабат билан бозор иқтисодиёти шароитида ушбу муаммолар янада кескин бўлиб бормоқда.

Кейснинг мақсади – тингловчиларнинг меҳнат ресурслари борасидаги билимларини чукурлаштириб илмий-амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу кейсни ечими орқали қуийдаги ўқув натижаларига эришилади:

- ўрганилган мавзу бўйича билимларни мустаҳкамлаш;
- меҳнат ресурслари бўйича муаммолар ўрганилади;
- муаммони гурухларда ва индивидуал ҳолда таҳлил этиш ва қарор қабул қилиш бўйича кўникмалар шакллантирилади;
- мустақил таҳлил этиш кўникмаларига эга бўлиш;
- мавзу бўйича ўқув маълумотларини ўзлаштириш натижалари аниқланади.

1. Ўзбекистон Республикасининг демографик ҳолати

Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 2017 йил 1 январ шолатига 32,1 млн. кишини ташкил этиб, 1991 йилга нисбатан 11,5 млн. кишига, яъни 55,9 фоизга ўсган (1-жадвал).

1-жадвал


**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони тўғрисида маълумот
(йил бошига; минг киши)**

	1991 й.		2017 й.		2017 йилнинг 1991 йилга нисбатан фарқи	
	Сони	улуши, %	Сони	улуши, %	+,-	%
Жами аҳоли сони	20607,7	100,0	32120,5	100,0	11512,8	155,9
<i>Шу жумладан:</i>						
Эркаклар	10188,0	49,4	16121,0	50,2	5933,0	158,2
Аёллар	10419,7	50,6	15999,5	49,8	5579,8	153,6

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони тўғрисидаги цатицик маълумотларнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, республика аҳолиси 1926 йилда – 4,6 млн. кишини, 1939 йилда – 6,3 млн. кишини, 1959 йилда – 8,1 млн. кишини, 1970 йилда – 11,8 млн. кишини, 1979 йилда – 15,4 млн. кишини, 1989 йилда эса 19,8 млн. кишини ташкил этган (1-расм).

1-расм

**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони
(минг киши)**



Республика аҳолисининг миллий таркибида ҳам ўзгаришлар кузатилган. 1991 йилда республика аҳолиси таркибида ўзбеклар сонининг жами аҳоли сонидаги улуши - 72,8 фоизни, қорақалпоқлар - 2,1 фоизни, руслар - 7,7 фоизни, тожиклар - 4,8 фоизни, қозоқлар - 4,1 фоизни, татарлар - 2,0 фоизни, украинлар - 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилнинг 1 январ шолатига келиб ўзбеклар улуши - 83,8 фоизни, қорақалпоқлар - 2,2 фоизни, руслар - 2,3

фоизни, тожиклар – 4,8 фоизни, қозоқлар – 2,5 фоизни, татарлар – 0,6 фоизни, украинлар – 0,2 фоизни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг миллий таркиби тўғрисида маълумот (йил бошига; минг киши)

	1991 й.		2011 й.		2017 й.	
	сони	улуши, %	сони	улуши, %	сони	улуши, %
Жами аҳоли	20607,7	100,0	29123,4	100,0	32120,5	100,0
<i>Шу жумладан:</i>						
Ўзбек	14995,3	72,8	23983,2	82,3	26917,7	83,8
Қорақалпоғистон	431,9	2,1	641,5	2,2	708,8	2,2
Тожик	980,7	4,8	1411,6	4,8	1544,7	4,8
Қозоқ	845,3	4,1	832,7	2,9	803,4	2,5
Рус	1593,8	7,7	837,5	2,9	750,0	2,3
Кирғиз	182,6	0,9	254,6	0,9	274,4	0,9
Татар	414,6	2,0	218,6	0,8	195,0	0,6
Туркман	126,6	0,6	174,7	0,6	192,0	0,6
Корейс	183,7	0,9	188,0	0,6	176,9	0,6
Украин	146,8	0,7	78,2	0,3	70,7	0,2
Бошқалар	706,4	3,4	502,8	1,7	486,9	1,5

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ёш таркиби тўғрисида маълумот (йил бошига; минг киши)


	1991 й.		2011 й.		2017 й.	
	сони	улуши, %	сони	улуши, %	сони	улуши, %
Жами аҳоли сони	20607,7	100,0	29123,4	100,0	32120,5	100,0
<i>Шу жумладан:</i>						
Мехнатга лаёқатли ёшдан кичик	8883,7	43,1	9099,3	31,3	9665,7	30,1
Мехнатга лаёқатли ёшдагилар	10122,5	49,1	17804,7	61,1	19440,8	60,5
Мехнатга лаёқатли ёшдан катталар	1601,5	7,8	2219,4	7,6	3014,0	9,4

2017 йилда 1991 йилга нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар улуши камайиш тенденциясига эга бўлган бўлса, меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар улуши эса ўсган.

Аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар кузатилиб, 1991 йилда республикада 723,4 минг нафар бола туғилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 34,5 промиллени, мазкур йилда 130,3 минг киши вафот этган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти 6,2 промиллени ташкил этган бўлиб, аҳолининг табиий ўсиши 593,1 минг кишига, яъни 1000 аҳолига нисбатан аҳолининг табиий ўсиш коэффициенти 28,3 промиллени ташкил этган.

2-расм


Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг табийи харакати коэффициентлари (2016 йил; 1000 аҳолига нисбатан, промилле)



Республикада 2016 йилда 726,2 минг нафар бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 22,8 промиллени ташкил этган.

3-расм

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича туғилганлар сони (2016 йил; минг бола)



2015 йилга қадар республикада туғилишнинг энг юқори кўрсаткичи 1991 йилга тўғри келиб, мазкур йилда 723,4 минг нафар бола туғилган. 1992 йилдан 2003 йилгача туғилганлар сони камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2003 йилда 508,5 минг нафар бола туғилган. 2004-2015 йилларда туғилганлар сони ўсиш


тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилда республика тарихида энг кўп, яъни 734,1 минг нафар боланинг туғилганлиги қайд этилган.

Республикада 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коеффициенти 90-йилларнинг бошларида 30-35 промиллени ташкил этган бўлса, 1994-1997 йилларда 25-30 промиллени, 1998-2016 йилларда эса 20-23 промиллени ташкил этмоқда.

Бундан ташқари 1991 йилларда фертил ёшдаги (15-49 ёш) 1 аёл ҳаёти давомида түқсан болалар сони, яъни туғилишнинг йиғинди коеффициенти 4,2 ни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда пасайиш тенденцияси кузатилди ва 2016 йилда бу кўрсаткич 2,5 ни ташкил этди (4-расм).

4-расм


**Ўзбекистон Республикаси бўйича туғилишнинг йиғинди коеффициенти
(15-49 ёшли аёлларнинг ҳаёти давомида түқсан болалари сони)**



Республикада 2016 йилда 154,8 минг кишининг вафот этганлиги қайд этилиб, 1000 аҳолига нисбатан ўлим коеффициенти 4,9 промиллени ташкил этган.

5-расм

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича ўлганлар сони
(2016 йил; минг киши)**



Республикада 1991 йилда 130,3 минг киши, 2001 йилда 132,5 минг киши, 2011 йилда 143,3 минг киши вафот этган бўлиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти 6,2 промилле, 5,3 промилле, 4,9 промиллени ташкил этган.

Республикада 1000 аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти 1991-1996 йилларда 6,0-6,6 промиллени, 1997-2008 йилларда 5,0-6,0 промиллени ташкил этган бўлса, 2009-2016 йилларда 4,8-4,9 промиллени ташкил этмоқда.


Вафот этганларни ўлим сабаблари бўйича таҳлил қиласақ, 2016 йилда 100 минг аҳолига нисбатан ўлим коэффициенти 486,0 ни ташкил этиб, ўлим сабаблари бўйича 291,1 – қон айланиш тизими касалликларидан, 44,8 – ўсимталардан, 32,3 – баҳтсиз ҳодисалар, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 28,3 – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 24,5 – нафас олиш органлари касалликларидан ўлганлиги кузатилган.

Республикада оналар ўлими кўрсаткичи ҳам пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 100000 туғилган болага нисбатан 1991 йилда оналар ўлими коэффициенти 65,3 ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 33,1 ни, 2010 йилда 21,0 ни ва 2016 йилда эса 17,4 ни ташкил этди.

Аҳолининг яшаш сифати кўрсаткичларидан бири бу туғилишда кутилган умр давомийлиги ҳисобланади. Республикада 2016 йилда мазкур кўрсаткич 73,8 ёшни (аёлларда – 76,2 ёш, эркакларда – 71,4 ёш) ташкил этган (б-расм).

б-расм

Ўзбекистон Республикаси бўйича туғилишда кутилган умр давомийлиги (ёш)



Туғилишда кутилган умр давомийлиги кўрсаткичи сўнгги йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлиб, жумладан 1991 йилда ушбу кўрсаткич 66,4 ёшни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 70,8 ёшни, 2010 йилда 73,0 ёшни ташкил этган.

Меҳнат бозори ҳолати ҳақида⁵

№	Худудлар номи	Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат килганлар	Ишга жойлашганлар	Касбга ўқитилганлар	Жамоат ишига жалб этилганлар	Ишсиз деб этироф этилганлар йил бошидан (ишизлик нафакаси тайинланганлар)	Хисобот ойи охирида иш изловчи сифатида рўйхатда турганлар
1.	Қорақалпогистон Республикаси	12576	11856	352	817	419	272
2.	Андижон вилояти	16220	14712	401	496	1143	458
3.	Бухоро вилояти	11126	10400	155	97	194	428
4.	Жиззах вилояти	7120	6145	225	218	538	240
5.	Қашқадарё вилояти	11200	9900	250	327	431	624
6.	Навоий вилояти	6449	4579	82	68	306	514
7.	Наманган вилояти	21279	18595	934	1695	2684	629
8.	Самарқанд вилояти	14831	14301	503	518	895	419
9.	Сурхондарё вилояти	8126	7269	173	190	574	585
10.	Сирдарё вилояти	4617	3503	96	106	486	317
11.	Тошкент вилояти	13887	13263	246	260	265	370
12.	Фарғона вилояти	18282	16911	357	442	422	508
13.	Хоразм вилояти	11002	9464	576	517	223	476
14.	Тошкент шаҳри	4457	3358	742	0	755	685
Республика бўйича		161172	144256	5092	5751	9335	6525

Мамлакатимизда мустақилликнинг дацлабки йилларидан барча соҳалар каби тиббиёт соҳасида ҳам жиддий ислоҳотлар олиб бориш ишлари бошланди. Тиббиёт соҳасида давлатимиз томонидан кўплаб қонунлар, фармонлар, карорлар, дацурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этила бошланди.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида республикада ўлим даражаси, жумладан, болалар ва оналар ўлими кўрсаткичларининг пасайиш тенденцияси кузатилди ва бу ўз навбатида республикада туғилишда кутилган умр давомийлиги кўрсаткичининг ўсишига ўз таъсирини кўрсатди.

2017 йилнинг январь-июнъ ойлари якунлари бўйича Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси сони 14,162 миллион киши ёки умумий аҳолининг (32,345 миллион) 43,9 фоизини ташкил этди. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси хабар қилди.

Иқтисодиётда банд аҳоли сони 13,421 миллион кишини ташкил этиб, 2016 йилнинг худди шу даврига нисбатан 1,7 фоизга ошли.

Январь-июнъ ойларида иқтисодий фаол аҳолининг бандлиги 94,8 фоизни ташкил этди. Нодавлат секторда банд бўлганлар улуши 82,1 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 0,3 фоизлик ўсиш қайд этилди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.

Ташиш ва сақлаш (3,3 фоиз), қурилиш (2,8 фоиз), ахборот ва алоқа (2,6 фоиз), яшаш ва овқатланиш бўйича хизмат кўрсатиш (2,1 фоиз) соҳаларида бандлик сонининг ўсиши кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 27 фоиз, саноатда 13,6 фоиз, савдода 10,6 фоиз, қурилишда 9,2 фоиз ва таълимда 8,3 фоиз бандлик таъминланди.

Кичик тадбиркорликда бандлик улуши иқтисодиётдан банд бўлганларнинг жами сонидан 77,7 фоизга етди.

Иш изловчи сифатида меҳнат бўйича органлар ҳисобида турган фуқаролар сони июнь охирида 8300 нафарни ташкил этди. Бу 2016 йилнинг худди шу даврига нисбатан 42,7 фоиз кўп демакдир (5800 киши).

Ишсизлар сони эса 741,4 минг кишини ташкил этди⁶.

Республикада 2017 йил 1 январ ҳолатига 168 та туман, 119 та шаҳар (республика бўйсунувида – 2 та, вилоятлар бўйсунувида – 24 та ва туманлар бўйсунувида – 93 та), 1081 та шаҳарча, 1468 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 10998 та қишлоқ аҳоли пункти ҳамда 8207 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд.

Республика ҳудуди 448,97 минг кв.км ташкил этиб, 1 кв.кмга 71,5 киши тўғри келади.

Қишлоқ аҳолисини турмуш даражаси, даромадлари ва иш билан таъминлашни яхшилаш муаммолари

Ўзбекистоннинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 50 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яшайди, улар орасида ишсизлик даражаси жуда юқори. Ижтимоий фикр марказининг социологик сўровлари маълумотлари бўйича ўқувчилар ва тингловчиларни ҳисобга олмагандаги ишга лаёқатли ҳар тўрт кишидан бири ишсиз эканлигини кўрсатади.

Шунингдек қишлоқ жойларида яширин ишсизлик даражаси жуда юқори эканлигини ва меҳнат унумдорлиги даражаси жуда пастлигини ҳам қайд этиш зарур. Буларнинг барчаси жам бўлган ҳолда республика қишлоқ аҳолисининг иш билан жуда паст даражада таъминланганлигини ва иш билан таъминлашни ошириш муаммосининг кескинлигини белгилаб беради.

Куйидагилар қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминлашни оширишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тузилмасини янада такомиллаштириш, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик ҳамда чорвачиликни жадал ривожлантириш ҳисобига аҳолининг иш билан таъминланганлигини ошириш;
- Маҳаллий қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан тўлиқроқ фойдаланиш негизида аграр – саноат комплексини ҳар томонлама ривожлантириш.
- меҳнатга лаёқатли аҳолисини кўпроқ даражада иш билан таъминлаш имконини беради;

⁶ <https://www.gazeta.uz/uz/2017/08/07/employment/> маълумотлари

- Қишлоқ жойларда йирик саноат корхоналарнинг филиаллари ва цехларини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринлари барпо этиш, маҳаллий қишлоқ хўжалиги хомашёсида ишлайдиган кичик корхоналар қуриш ва қурилиш ташкилотларини жойлаштириш;
- Қишлоқда ижтимоий – майший инфратузилмани жадал ривожлантириш натижасида меҳнат сарфланадиган соҳаларни кенгайтириш. Бу қишлоқдаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг катта қисмини қамраб олиши ва малакасиз мутахассисларни иш билан таъминлаш мумкин;
- Қишлоқ туманларида жойларда аниқ бир мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда касб – хунар коллежларнинг ривожланган тармогини шакллантириш. Бу ўқитувчилар, тарбиячиларни иш билан таъминлайди ва малакали ишчи кадрлар тайёрлашга кўмаклашади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган чора – тадбирлар, ҳатто улар яқин вақтларда ҳал этилган тақдирда ҳам жойларда Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини зарур даражада иш билан таъминлай олмайди, чунки у республика қишлоқ аҳолисининг меҳнат салоҳияти жуда юқори.

Қишлоқ аҳолисининг шаҳарга кундалик меҳнат миграцияси ҳали собиқ совет давридаёқ Ўзбекистонда кенг тарқалган эди. Қишлоқ аҳолисининг ишга жойлашиш мақсадида вақтинчалик миграцияси эса бозор иқтисодиёти шаклланиши ва ва меҳнат бозори унинг таркибий, ажралмас қисмига айланиши йилларида айниқса кенгайди.

2. Кейс учун саволлар ва топшириқлар.

1. Аҳоли сонининг ўсиши нималарга боғлиқ?
2. Минтақалардаги меҳнат бозори нима?
3. Аҳолини тўла иш билан бандлиги деганда нимани тушунасиз?
4. Ишсизлар деб кимларга айтилади ва унинг даражаси қандай аниқланади?
5. Минтақалarda аҳоли бандлигини ошириш учун қандай чора-тадбирлар қўлланилмоқда?
6. Кейсда келтирилган маълумотларни таҳлил этиш асосида минтақаларда меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги республика иқтисодиётини ривожлантиришда қандай роль ўйнашини кўрсатиб беринг.
7. Минтақалардаги аҳоли бандлиги ҳолати тўғрисида ахборот хати тузинг ёки педагогик технология усуллари ёрдамида таҳлил этинг.

3. Кейс манбаси

Ахборотлардан фойдаланиш манбаи;

-www.stat.uz

-www.mineconomy.uz

-www.mehnat.uz

-Региональная экономика. Под ред. Т.Г.Морозовой. Четвёртое издание, ЮНИТИ, М.:2008

-Ишмухаммедов А.Э, Раҳимова М.Р."Минтақавий иқтисодиёт" Т.: ТДИУ, 2007.

II. Тингловчи учун услубий қўлланма. Кейс билан мустақил ишлаш учун йўриқнома.

Иш босқичлари	Маслаҳат ва тавсиялар
1. Кейс билан танишув.	Аввал кейс билан танишинг. Кейсни ўқишингиз билан дарҳол кузатилаётган холатни таҳлил этишга шошилманг.
2. Тавсия этилаётганданн ҳолат билан танишув.	Берилган ахборотни яна бир карра диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим саналган абзацларни ажратиб олинг. Ўрганилаётган холатга тъсир этаётган омилларни санаб (ўрганиб)-ўрганилаётган холат бўйича субъектларга аниқлик киритинг. Ўрганилаётган холатни тасвирлаб беришга ҳаракат қилинг. Ўрганилаётган холатингизни қайси бири асосий ва қайси бири 2-даражали ўрганишини аниқланг. Тавсия этилган ахборотларни ўрганишда холатни ичига “шўнғиб кетманг”, асосий жихатларини ажратиб кўсатинг.
3. Асосий қўшимча муаммоларни аниқлаш, шакллантириш асослаш. ва ва	Асосий муаммо нималардан иборат? Ушбу ҳолат бўйича яна қандай муаммолани ажратиб кўрсата оласиз. Асосий муаммони ва муаммоларни шалллантиринг. Ўз қарорингизни асослаб беринг. *Ўрганилаётган ҳолатни тор доирада қисқа келажак учун ўрганманг: бунда ўрганилаётган ҳолат асослаб берилмай қолади ёки умуман йўқолиб қолиши мумкин.
4. Ҳолатни таҳлили.	Саволларга жавоб қайтариш ўрганилаётган ҳолатни таҳлил этишга ёрдам беради. Аниқлик киритинг, ўрганилаётган муоммо ҳозирда қай даражада. Саволларга жавоб қайтаринг. Ҳозир таҳлил этилаётган шароитда шу масалани ечими борми?
5. Муаммони асослаш услубларини ва ечиш воситаларини танлаш.	Ахборот хати тайёрлашда ушбу ҳолатда муаммони ечишни мумкин бўлган усулларини ва муаммони ечиш воситаларини аниқлашга ҳаракат қилинг. Муаммони ечиш жараёнида вужудга келадиган ёки вужудга келиши мумкин бўлган қийинчиликларни кўрсатинг (хуқуқий, маънавий, этик). *Муаммоли ҳолатни ечиш жараёнида назарий билим ва амалий билишдан фойдаланиш лозим.

III. Кейсолог томонидан келтирилган кейс ечими.

Стратегик мақсад: Минтақалардаги демографик вазиятни, мәхнат ресурслари ва уларнинг бандлигини таҳлил этиш. Ахборот хати тайёрлаш. Унда ушбу ҳолатлар бўйича таклифлар берилади.

Стратегик вазифалар:

- минтақалар аҳолисин ўрганиш;
- минтақалардаги демографик вазиятни ўрганиш;
- мәхнат ресурслари таркибини ўрганиш;
- минтақалардаги иш билан бандлик муаммоларини ўрганиш;
- минтақалардаги мәхнат бозорлари субъектлари ва бозор инфратузилмаларини такомиллаштириш бўйича тавсияномалар бериш.

Стратегик вазифаларни ечими:

- минтақалар аҳолисини хусусиятларини ўрганиш;
- минтақалардаги демографик вазиятни барқарорлаштириш;
- мәхнат ресурсларидан оқилона фойдалинишни йўлга қўйиш, бунинг учун кичик бизнес ва хусуси тадбиркорликни янада ривожлантириш;
- аҳолини иш билан бандлигининг янги турларини жорий этиш;
- минтақалардаги мәхнат бозорларини тўлақонли субъектларини ва бозор инфратузилмасини такомиллаштириш.

1. Аҳоли сонининг ўсиши нималарга боғлиқ?

Аҳоли сонининг ўсиши уни шакллантириш манбаалари – табиий ва механик тарзда кўпайишига боғлиқ. Аҳолининг табиий ўсиши (2006 йил) 372,4 минг кишини ташкил этади. Аҳоли ўсишининг қарийб тўртдан уч қисми қишлоқ худудларига тўғри келади. Миграция сальдоси 99,3 минг кишини ташкил этади.

2. Минтақалардаги мәхнат бозори нима?

Мәхнат бозори – иқтисодиётнинг ўзига хос сектори ҳисобланади. Минтақалардаги мәхнат бозори ҳам талаб ва таклифга асосланиб, у бошқа бозорларда қатъий фарқ қиласди, чунки унда мәхнат бозорини субъекти бўлиб инсонлар ҳисобланади. Шунинг учун мәхнат бозорини таритбга солиш ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, давлат томонидан алоҳида эътиборни талаб этади.

3. Аҳолини тўла иш билан бандлиги деганда нимани тушунасиз?

Бизга маълумки, ишламоқчи бўлган аҳолини 100% бандлиги таъминлаб бўлмайди. Шунинг учун аҳолининг маълум миқдорда ишсиз бўлиши иқтисодий жиҳатдан нормал ва асослидир. Аҳолини иш билан бандлиги даражаси куйидагича аниқланади:

Аҳолини бандлик даражаси, % = БА/АСx100

Бунда – БА- иш билан банд аҳоли сони
АС- аҳоли сони

4. Ишсизлар деб кимларга айтилади ва унинг даражаси қандай аниқланади?

Ишсиз деб расмий равишда иш билан банд бўлмаган, лекин ишлашни хоҳлайдиган ва ишни фаол излайдиган меҳнатга лаёқатли киши тан олинади. Ишсиз мақомини олиш учун меҳнат биржаларидан рўйхатдан ўтиш лозим. Рўйхатдан ўтган кишиларгина ишлашни хоҳлайдиган ва ишни фаол излайдиган ишсиз деб расман тан олинади. Ишсизлик даражаси қўйидагича аниқланади:

Ишсизлик даражаси, % = $U/L \times 100$

Бу ерда, U – ишсизлар сони
 L – ишчи кучи сони.

5. Минтақаларда аҳоли бандлигини ошириш учун қандай чора-тадбирлар кўлланилмоқда?

Минтақаларда аҳоли бандлигини ошириш учун касаначиликни ривожлантиришга ва бандликни ноанъанавий усулларидан (хорижга шартнома асосида ишга жўнатиш, ҳар хил ўқишлиарга боришни ташкил этиш ва х.к.) фойдаланиш йўлга қўйилмоқда.

6. Кейсда келтирилган маълумотларни таҳлил этиш асосида минтақаларда меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги республика иқтисодиётини ривожлантиришда қандай роль ўйнашини кўрсатиб беринг.

2-илова

Гурӯҳларнинг ишлашини баҳолаш жадвали

Гурӯҳ	Баҳолаш мезонлари	
	Презентация (мазмуни, маъноси ва хуносаларнинг исботи учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5	Муаммоли масаланинг ечими учун (тўғрилиги ва ечимнинг кетма-кетлиги учун) Аъло – 2 балл Яхши – 1,5 балл Қониқарли – 1 балл Қониқарсиз – 0,5 балл
1.		
2.		

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қуидаги «аҳоли бандлиги» тушунчаларидан қайси бири тұғри?

- а) аҳоли бандлиги ишчи кучи билан таъминланишини англатади;
- * б) аҳоли бандлиги мәхнатта лаёқатли кишиларни ижтимоий ишлаб чиқариш воситаларига таъсир этишини ёки бирикишини англатади;
- в) аҳоли бандлиги мәхнат ресурсларини иш билан таъминланишини англатади;
- г) аҳоли бандлиги ишчи кучини ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишини англатади;
- д) аҳоли бандлиги мәхнат ресурсларининг иқтисодиёт тармоқларидаги фаолиятини англатади.

2. Мәхнат бозорининг қандай асосий элементлари бор?

- а) ишчи кучи таклифи, баҳоси, қиймати, талаби;
- б) ишчи кучига талаб, унинг қиймати, баҳоси, регулятори;
- в) ишчи кучи талаб ва таклифлари, баҳоси, рақобати, қиймати;
- *г) ишчи кучига бўлган талаб, унинг таклифи, қиймати, баҳоси, рақобати, регулятори;
- д) ишчи кучи таклифи, талаби, рақобати, қобилияти, баҳоси, регулятори.

3. «Ишчи кучига талаб» тушунчасининг қайси бири тұғри?

- а) корхонанинг ишчи кучига эхтиёжи;
- * б) иш берувчиларнинг ишчи кучига талаби;
- в) юридик ва жисмоний шахслар ишчи кучига эхтиёжи;
- г) ташкилот ходимларининг сони;
- д) тармоқлардаги ишчи кучига талабнинг йиғиндиси.

4. Ишчи кучи таклифи нимани англатади?

- а) «мәхнатга бўлган қобилияtlари»ни сотиш;
- б) ишчи кучини сотишни;
- * в) «мәхнатта бўлган қобилияtlар»ни мәхнат бозорида сотиш учун тақдим этишни;
- г) ўзининг ишчи кучини иш берувчиларга сотишни;
- д) ишчи кучини жисмоний шахсларга таклиф қилишни.

5. Ишчи кучининг қиймати нимани билдиради?

- а) мәхнат ва дам олиш харажатларининг йиғиндисини;
- * б) ишчи кучини тақрор ишлаб чиқариш харажатларининг йиғиндиси;
- в) мәхнат ресурсларини тақрор ишлаб чиқариш харажатларини;
- г) ишчи кучи баҳоси;
- д) ишчи кучининг моддий харажатларини йиғиндиси.

6. Ишчи кучининг баҳоси қандай аниқланади?

- а) у тақрор ишлаб чиқариш харажатларининг йиғиндисига teng;
- б) у ишчи кучи қийматларининг йиғиндисига teng;

- *в) у ўрта меҳнат ҳақининг қийматига тенг;
- г) у меҳнат даромадлари йиғиндисига тенг;
- д) у қушимча иш хақтга тенг.

7. Ишчи кучи ёллашга қандай рақобат турлари мавжуд?

- а) ишчилар ўртасидаги рақобат;
- б) ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги рақобат;
- в)иш берувчилар ўртасидаги рақобат;
- * г) ёнланма ишчи кучи ўртасида, иш берувчи билан ёнланма ишчи кучи ўртасида, иш берувчилар ўртасида рақобатлар;
- д) раҳбарлар билан хизматчилар ўртасида рақобат.

8. Ўзбекистонда меҳнат бозори қандай функцияларни бажаради?

- а)ишчи кучи таклифини шакллантириш, талаб ва таклифни мувозанатлайди, оқилона бандликга таъсир этади, ишсизликни камайтиради;
- *б) ишчи кучига талабни ва унинг таклифини ҳамда улар ўртасидаги нисбатни шакллантиради ва тартибга солади, оқилона бандликга таъсир этади, ишсизликни камайтиради , малакани оширишга ёрдам беради;
- в) ишчи кучи талабини ва таклифини оширади, ишсизликни камайтиради меҳнат унумдорлигини оширади , оқилона бандликни таъминлайди;
- г) ишчи кучи талабини оширади ва таклифини камайтиради, баҳосини кўпайтиради , ишсизликни камайтиради, малакани оширади;
- д) ишчи кучи камайтиради ва баҳосини белгилайди, талаб ва таклифни шакллантиради ва тартибга солади, ишсизликни камайтиради, бандликни оширади.

9. Ўзбекистонда меҳнат бозорини оқилона шаклланишининг қандай асосий муаммолари бор?

- а) оқилона бандликни таъминлаш, ишчи кучига талабни камайтириш, ишсизликни камайтириш, кадрлар малакасини ошириш;
- б) ишчи кучи талаб ва таклифини ошириш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, янги иш жойларини ташкил этиш, ишчи кучини экспорт қилиш;
- в) тўлиқ бандликни таъминлаш, ишчи кучи талабини ошириш ва унинг таклифини камайтириш, ишсизликни камайтириш, янги иш жойлари ташкил этиш, ишсизларнинг малакасини ошириш;
- г) ишчи кучи талаб ва таклифини тўғри тартибга солиш, оқилона бандликни таъминлаш, ишсизликни камайтириш, янги иш жойларини ташкил этиш;
- *д) ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш, ҳамда улар ўртасида мувозанатни таъминлаш, оқилона бандликни таъминлаш, ишсизликни камайтириш, четга ишчи кучини сотиш;

10. Меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланиши учун қандай асосий шароитлар мавжуд бўлиши лозим?

- а) ишчи кучини товарга айланиши, меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги ишчи кучига нисбатан шахсий мулкчилик , иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, янги иш жойларини ташкил этиш;
- *б) ишчи кучининг « меҳнатга бўлган қобилияtlарини» товарга айланиши, ёлланиб ишловчининг «ўз меҳнат қобилиятига» нисбатан шахсий мулкчилиги, мулк эгаларининг иш жойларига коллектив ва хусусий мулкчилиги, мулкчилик формаларини ўзгариши, иқтисодиётдаги таркибий силжишлар, янги иш жойларини ташкил этиш;
- в) ишчи кучининг товарга айланиш, иш жойларига коллектив ва хусусий мулкчилик ишчи кучи меҳнатга шахсий мулкчилик , иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, янги иш жойларини мавжудлиги;
- г) меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги, меҳнат қобилиятига шахсий мулкчилик, иш жойига коллектив ва хусусий мулкчилик, иқтисодиётни таркибий ўзгариши, қўп мулкчиликни ўрнатилиши, ишсизликни камайиши;
- д) иш жойи танлашнинг эркинлиги, ишчи кучининг «Меҳнатга бўлган қобилияtlарини» товарга айланиши.

11. Қўйидаги «Меҳнат бозори» тушунчаларидан қайси бири тўғри?

- а) меҳнат бозори - ишчи кучини сотиш воситасидир;
- б) меҳнат бозори - меҳнат ресурсларини сотиб олиш ва сотиш тизимиdir;
- *в) меҳнат бозори -ишчи кучининг «меҳнатга бўлган қобилиятини» сотиш-сотиб олиш тизимиdir;
- г) меҳнат бозори - ишсизларни сотиш- сотиб олиш тизимиdir;
- д) меҳнат бозори -иш билан банд аҳоли сотиш-сотиб олиш воситасидир.

12. Қўйидаги «ишсизлик» тушунчаларидан қайси бири тўғри?

- а) ишсиз деб, меҳнат ресурсларини иш жойларига эга бўлмаслигига айтилади;;
- б) ишсиз деб, ишчи кучини меҳнат даромадига эга бўлмаслигига айтилади;
- в) ишсиз деб, иш жойига ва меҳнат даромадига эга бўлмаган кишиларга айтилади;
- * г) ишсиз деб, иш жойига ва меҳнат даромадига эга бўлмаган ва меҳнат ташкилотларидан руйхатдан ўтган меҳнатга қобилиятли ёшдаги кишиларга айтилади;
- д) ишсиз деб, меҳнат даромадига эга бўлмаган ва руйхатидан ўтган кишиларига айтилади.

13. Ишсизлик нафақаси қайси бир муддатга берилади?

- а) уч ойгача;
- б) бир ойгача;
- в) беш ойгача;
- г) бир йилгача;
- * д) олти ойгача.

14. Ўзбекистонда ишсизликни камайтиришнинг қандай асосий йўллари мавжуд?

- а) янги иш жойлари ташкил этиш, моддий ёрдам бериш , иш ҳақини ошириш, ижтимоий ҳимоя этиш;
- б) талабни ортириш, таклифни камайтириш, нафақа бериш, янги иш жойларини ташкил этиш;
- в) иш ҳақини ошириш , моддий ёрдам бериш, малакасини ошириш , янги иш жойларини ташкил этиш;
- * г) янги иш жойларини ташкил этиш, ишчи кучини қайта тақсимлаш, иш ҳақини ошириш, ишчи кучи малакасини рақобатдошлигини ва экспорт қилинишини ошириш;
- д) ишчи кучи малакаси ва иш ҳақини ошириш ҳамда экспорт қилиш.

15. Мехнат бозорини тартибга солишнинг қандай услублари мавжуд?

- *а) ишчи кучига талабнинг ошиши, ишчи кучи таклифининг камайиши, ишчи кучига талабнинг камайиши, ишчи кучи таклифининг ортиши;
- б) ишчи кучига талабни камайиши, ишчи кучи таклифини ортиши , ишсизликни камайиши;
- в)ишчи кучи таклифини ортиши, ишсизликни камайиши, ишчи кучига талабни камайиши;
- г) аҳоли бандлигининг ортиши, ишчи кучига талабни камайиши, бозор механизми, ишчи кучи таклифини камайиши;
- д) ишчи кучи баҳосини ортиши, ишчи кучи талабини камайиши , ишсизликни камайитириш, янги иш жойларини ташкил этиш.

16. Мехнат шартномаларининг қандай турлари мавжуд?

- а) бош, худудий, тармоқ;
- б) тармоқ, бош шахсий;
- в) шахсий, жамоа, худудий;
- г) бош, худудий, тармоқ, жамоа;
- * д) жамоа, шахсий.

17. Мехнат шартномалари қандай муддатларга тузилади?

- а) бир ойга, бир йилга;
- * б) бир йилга, беш йилга;
- в) беш йилга, муддатсиз;
- г) муддатсиз, беш йилгача, маълум иш бажарилгунча;
- д) муддатсиз, бир йилгача, беш йилгача.

18. Ишга қабул қилинувчи шахсдан қайси бири гуруҳдаги хужжатлар талаб қилинади?

- а) паспорт, диплом, меҳнат дафтарчasi;
- * б) ариза, паспорт ёки гувоҳнома, яшаш жойидан маълумотнома, меҳнат дафтарчasi, харбий билет, диплом ёки мутахассислиги ҳақида шаходатнома;
- в) ариза, паспорт, диплом, меҳнат дафтарчasi, иш жойидан маълумотнома;
- г) диплом, ариза, гувоҳнома, паспорт, меҳнат дафтарчasi, атtestat;

д) ариза, диплом, паспорт, меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан маълумотнома, аттестат.

19. Қайси бир муддатда дастлабки синов тариқасида ишга қабул қилинади?

- а) бир йилга;
- б) 6 ойга;
- * в) 3 ойга;
- г) 1 ойгача;
- д) 10 ойгача.

20. Меҳнат шартномаси қандай мақсадларда дастлабки синов шарти билан тузилиши мумкин?

- а) ишловчининг иш жойига мослашишини аниқлаш учун;
- б) ходимни юқори лавозимига кутариш учун;
- * в) ишловчини меҳнатга кўнигириш учун;
- г) ишловчини иш ҳақини ошириш учун;
- д) ишчини иш жойи билан таъминлаш учун.

21. Халқаро стандарт бўйича табиий ишсизлик даражаси қандай қийматга teng бўлади?

- а) 6,5-7,5;
- б) 2,5-3,5;
- в) 3,5- 5,5;
- *г) 1,5-2,5;
- д) 0,5-1,0.

22. Ўзбекистонда ишчи кучига талабни ошириш қандай омиллар қўпроқ таъсир қиласи?

- а) ишчи кучи таклифини ортиши, янги ерларни ўзлаштирилиши, ишчи кучини экспорт қилиш;
- *б) янги иш жойларини ташкил этиш, қўп мулкчиликнинг мавжудлиги иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, иш ҳақини ортиши;
- в) ноқишлоқ хўжалик тармоқларининг ривожи, солиқларни камайтириш, иш ҳақини ортиши, ишсизликнинг камайиши;
- г) янги ерларни очиш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, қўп мулкчилик, оқилона бандликнинг шаклланиши;
- д) янги корхоналарни ташкил этиш, хусусий ишбилармонликнинг ривожланиши, оқилона бандликни таъминлаш, ишчи кучи малакасини ошириш.

23. Қайси бир гуруҳдаги хорижий давлатлар тажрибаси Ўзбекистон меҳнат бозорини тартибга солишни яхшилашда қўпроқ ижобий аҳамиятга эга бўлади?

- а) Швеция, Хитой, Россия, Қозоқистон, Эрон;

- б) Покистон, Франция, Сингапур, Украина , Ироқ;
- в) Болгария, Чехия, Голландия, Хиндистон, Изроиль;
- * г) АҚШ, Япония, Германия, Туркия, Жанубий Корея;
- д) Руминия, Канада, Англия, Белоруссия, Малайзия.

24. Мәннат бозори шаклланишини қандай омиллар чеклайди?

- а) иш ҳақини пастлиги, ишчи кучи таклифини ўсиши;
- * б) иш жойларининг етишмаслиги, мәннат ҳақининг пастлиги, баҳонинг ўсиши, ишчи кучи малакасини пастлиги;
- в) ишчи кучи сафарбарлигини пастлиги, мәннат ҳақини камлиги;
- г) ишчи кучига талабни юқорилиги, рақобатни сустлиги;
- д) инфратузилмани ривожланмаганлиги, ишсизликнинг ўсиши.

25. Ўзбекистон мәннат бозорида ишчи кучи таклифини камайтиришнинг қандай асосий омиллари мавжуд?

- *а) янги иш жойларини ташкил этиш, ишчи кучи малакасини ва сафарбарлигини ошириш, ишсизликни камайтириш, мәннат ҳақини ошириш;
- б) ишсизлар малакасини ошириш, янги иш жойлари ташкил этиш;
- в) иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишчи кучини моддий рағбатлантириш;
- г) ишчи кучини экспорт қилиш , ишчи кучига талабни ошириш;
- д) ишчи кучи малакасини ошириш, янги иш жойларини яратиш.

26. Мәннат бозори худудий жойлашуви бўйича қандай турларга бўлинади?

- а) қишлоқ, шаҳар;
- * б) ички, ташқи;
- в) худудий тармоқ;
- г) республика, вилоят;
- д) тармоқ, мажмуа.

27. Мәннат бозори қандай қўринишда намоён бўлади?

- * а) иш билан банд ишчи кучи билан мулк эгаси ўтрасидаги муносабатда, ишсиз билан иш берувчи ўртасидаги муносабатда;
- б) мардикор бозорида, ишчи кучи таклифида;
- в) ишчи кучи талабида, ишчи кучи сотилганда;
- г) ишсиз иш билан таъминланганда , мәннат ҳақи берилганда;
- д) ишчи кучига талаб унинг таклифига мос келганда, мардикор бозорида.

28. Ўзбекистонда мәннат бозори, нечанчи йилдан бошлаб мустақил шакллана бошлади?

- а) 1965й;
- б) 1989й;
- *в) 1991й;
- г) 1994й;
- д) 1997й.

29. Ўзбекистонда меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши нечанчи босқичда турибди?

- а) биринчи;
- * б) учинчи;
- в) туртинчи;
- г) бешинчи;
- д) иккинчи.

30. Ўзбекистон меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати қандай?

- а) 2:1;
- б) 1:4;
- в) 1:3;
- * г) 1:1,5;
- д) 1:1,8.

31. Ўзбекистоннинг қайси вилоятларида ишчи кучига талаб ва унинг таклифдан қўпроқ?

- а) Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё;
- *б) Фарқона, Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент;
- в) Жиззах, Сирдарё, Тошкент;
- г) Наманган, Сирдарё, Самарқанд;
- д) Навоий, Жиззах, Сирдарё.

32. Ўзбекистоннинг қайси бир вилоятларида ишчи кучининг таклифи камроқ?

- * а) Жиззах, Сирдарё, Навоий;
- б) Наманган, Андижон, Фарғона;
- в) Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм;
- г) Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё;
- д) Сурхандарё, Наманган, Жиззах.

33. Ўзбекистоннинг қайси бир вилоятларида ишчи кучига талаб энг юқори?

- а) Тошкент;
- б) Самарқанд;
- *в) Жиззах;
- г) Сирдарё;
- д) Андижон.

34. Ўзбекистоннинг қайси бир вилоятида ишчи кучига талаб энг кам?

- а) Қашқадарё;
- б) Сурхандарё;

- в) Наманган;
- г) Сирдарё;
- *д) Андижон.

35. Ишсизларнинг кўпчилиги қаерда яшайди?

- а) шаҳарларда;
- * б) қишлоқларда;
- в) шаҳар ичидаги поселкаларда;
- г) шаҳар ва қишлоқларда;
- д) чекка овулларда.

36. Қайси бир иқтисодий зонада ишсизлик кўпроқ?

- а) Зарафшон;
- б) Хоразм;
- * в) Фарғона;
- г) Тошкент;
- д) Жиззах.

37. Ишсизлик нафақаси қандай миқдорни ташкил этади?

- а) 5000 сўм;
- б) 4000 сўм;
- *в) минимал иш ҳақи;
- г) ўртacha иш ҳақи;
- д) 15000 сўм.

38. Ўзбекистонда ишсизликнинг қайси бир тури кўпроқ учрайди?

- а) мавсумий;
- б) таркибий;
- в) технологик;
- *г) яширин;
- д) даврий

39. Ўзбекистон қайси бир қонунида «ишсизлик» тушунчасига таъриф берилган?

- а) Ўзбекистон Республикаси «Корхоналар тўғриси»даги қонуни;
- * б) Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғриси» даги қонун;
- в) Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғриси» даги қонун;
- г) Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»;
- д) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

40. Ўзбекистондан қайси давлатларга кўпроқ расмий ишга юборилмокда?

- а) АҚШ, Япония;
- б) Германия, Италия;
- * в) Жанубий Корея, Туркия;
- г) Голландия, Франция;
- д) Россия, Израиль.

41. Мехнат бозорининг холатини қандай услубларда тахлил қилиш самарали?

- а) статистик, таккослаш;
- * б) статистик, иқтисодий-математик, социологик;
- в) социологик, эксперт;
- г) кузатиш, таққослаш;
- д) математик, статистик, эксперт.

42. Мехнат бозорини келажакда самарали ривожланиши учун қайси бир муаммо энг мухим ҳисобланади?

- а) ишчи кучига талабни ошириш;
- б) ишчи кучига таклифни камайтириш;
- * в) ишчи кучи талаби ва таклифини мослаштириш;
- г) ишсизликни камайтириш;
- д) ишчи кучи меҳнат ҳақини ошириш.

43. Мехнат бозори ривожланишининг қайси бир босқичида ахолининг иш билан оқилона бандлигига эришиш мумкин?

- а) иккинчи;
- б) биринчи;
- в) бешинчи;
- г) учинчи;
- * д) тўртинчи.

44. Мехнат бозорининг ривожланишида қайси бир тадбир энг мухим ҳисобланади?

- а) янги иш жойларини яратиш;
- б) ишчи кучи баҳосини ошириш;
- * в) ишчи кучи талабини ошириш ва унинг таклифини камайтириш;
- г) ишчи кучи малакасини ошириш;
- д) ишчи кучи талабини камайтириш.

45. Келажакда меҳнат бозорининг самарали ривожланиши учун қайси бир гуруҳ тадбирларни кўпроқ амалга ошириш керак?

- а) сиёсий;
- б) ҳуқуқий;
- в) ташкилий;
- г) ижтимоий;
- * д) иқтисодий.

46. Меҳнат бозори ривожланишининг иқтисодий тадбирларидан қайси бири энг асосий хисобланади?

- а) меҳнат ҳақига солиқ ставкасини камайтириш;
- б) мулкчиликнинг ўзгариши;
- в) иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши;
- г) ишсизларни кўпроқ ишга жойлаштириш;
- * д) янги иш жойини ташкил этишда имтиёзлар бериш.

47. Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга қайси бир омил кўпроқ таъсир этади?

- *а) янги иш жойларини яратиш;
- б) ишсизлар малакасини ошириш;
- в) ишчи кучини четга чиқариш;
- г) кўп мулкчиликни шакллантириш;
- д) иш ҳақини тартибга солиш.

48. Ўзбекистонда меҳнат бозорини самарали ривожлантириш яқин келажакда нимани беради?

- а) аҳоли моддий турмушини яхшилайди, ишчи кучига талабни оширади;
- б) табиий ишсизликни ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини шакллантиради;
- *в) меҳнат даромадини оширади, ишчи кучи таклифини камайтиради;
- г) ишсизликни камайтиради, меҳнат биржаларининг фаолиятини яхшилайди;
- д) ишсизлар малакасини оширади, ишчи кучининг баҳоси ўсади.

49. Меҳнат бозори қандай муносабатлардан иборат?

- а) ишчи кучининг талаб ва таклифини мувозанатлаш жараёни;
- *б) ишчи кучининг олди сотдисига боғлиқ ижтимоий-иктисодий муносабатлар;
- в) меҳнат биржалари мажмуи;
- г) стихияли тарзда (мардикор бозорида) ишчи кучини айирбошлиш;
- д) меҳнатга қобилиятили аҳолининг меҳнат унумини ифодаловчи умумлаштирувчи кўрсаткич.

50. Ишчи кучининг таклифи нималардан иборат?

- а) иш жойлари билан таъминланмаган ишчи кучи миқдори;
- б) иш жойлари билан таъминланган ишчи кучи миқдори;
- в) маълум таркибга эга бўлган ишчи кучининг иш жойларига бўлган эҳтиёжи;
- г) меҳнат биржаларига мурожаат қилган ишсизлар сони;
- *д) «меҳнатга бўлган қобилятлар» ни меҳнат бозорида сотиш учун таҳлил этишни.

51. Ишчи кучига бўлган талаб нималардан иборат?

- * а) иш берувчиларнинг муайян ишчи кучига бўлган эҳтиёжи;
- б) маълум таркибга эга бўлган ишчи кучининг иш жойларига бўлган эҳтиёжи;
- в) ишчи кучи билан таъминланмаган бўш иш жойлари миқдори;
- г) ишчи кучи билан таъминланган иш жойлари миқдори;
- д) корхона ва ташкилот ходимларининг сони.

52. Аҳолини иш билан оқилона бандлиги тушунчасига нималар киради?

- а) ишчи кучини иш жойлари билан таъминланганлиги;
- б) ишсизларни иш билан таъминланганлиги;
- в) аҳолини иш билан таъминланганлиги;
- *г) меҳнат бозорида талаб ва таклифни мувозанати;
- д) иш берувчиларнинг муайян ишчи кучига бўлган эҳтиёжи.

53. Аҳолини иш билан бандлигининг қандай турлари бор?

- а) тўла бандлик, тула булмаган бандлик;
- б) тўла бандлик, қисман бандлик, хақиқий бандлик;
- в) хақиқий бандлик, қисман бандлик;
- г) тўла бўлмаган бандлик, қисман бандлик;
- * д) тўлиқ, самарали, оқилона бандлик, ўз-ўзини банд этиш.

54. Меҳнат бозорида рақобатдош асосий омиллар нималарга боғлиқ?

- * а) ишчи кучини касб-малакасига боғлиқ;
- б) ишчи кучининг мақомига боғлиқ;
- в) ишчи кучини моддий аҳволига боғлиқ;
- г) ишчи кучини оиласвий аҳволига боғлиқ.
- д) ишчи кучининг талабига боғлиқ.

55. Аҳолини иш билан бандлигини расмий бошқаришни қандай ташкилотлар амалга оширади?

- а) хукумат жойлардаги ҳокимият;
- б) ҳокимият иқтисодий бўлинмалари;
- в) аҳолини иш билан таъминлаш жамғармалари;
- * г) давлат меҳнат муассасалари;
- д) туман ҳокимлиги.

56. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни янги таҳрирда қачон қабул қилинган?

- а) 1993 йил;
- б) 1991 йил;
- в) 1997 йил;
- * г) 1998 йил;
- д) 1999 йил.

57. Ишсизлик нима?

- а) меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг камлик ҳолати;
- б) иш жойини йўқотган аҳоли;
- * в) меҳнат даромадлари ва иш жойига эга бўлмаган, ҳамда расмий рўйхатдан ўтган аҳоли;
- г) иш билан таъминланмаган аҳоли;
- д) рўйхатда бўлган ишсиз аҳоли.

58. Ишсизликнинг табиийлик даражаси қандай бўлиши керак?

- а) 3-4%;
- б) 4-5%;
- *в) 1,5 -2,5%;
- г) 6-7 %;
- д) 8-9%.

59. Қўйидагиларнинг қайси бири ишсизлик турини тавсифлайди?

- а) жорий, даврий, таркибий;
- б) саноат, таркибий, яширин;
- в) моддий, яширин, мавсумий, оммаий;
- г) иқтисодий, ижтимоий, технологик;
- *д) таркибий, даврий, яширин, мавсумий, технологик, фрикцион.

60. Иш ҳақи нима?

- а) ишчи кучининг қиймати эквиваленти;
- б) товар ишлаб чиқаришга кетган моддий харажатлар мажмуаси;
- в) товар ишлаб чиқаришга кетган ишчи кучи харажатлари;
- * г) тариф ставкаси бўйича тўланадиган ойлик маоши;
- д) иш хажмига тўланадиган маош.

61. Иш ҳақининг қандай асосий шакллари бор?

- а) ишбай, ишбай-мукофот, оккорт;
- * б) ишбай ва вақтбай;
- в) вақтбай, вақтбай-мукофот, жамоа;
- г) ягона тариф тизими бўйича ва тарифсиз;
- д) кунбай, соатбай.

62. Ўзбекистонда иш ҳақининг тариф сеткасида нечта разряддан иборат?

- * а) 22;
- б) 24;
- в) 20;
- г) 21;
- д) 25.

63. Ишбай иш ҳақи тўлашда нима асос бўлади?

- а) бир дона маҳсулотга кетган вақт;
- б) ишчи кучининг сарфи;
- в) иш берувчининг харажати;
- * г) ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори;
- д) иш олувчининг талаби.

64. Вақтбай иш ҳақи тўлашда нима асос бўлади?

- * а) вақт сарфи;
- б) ишчи кучининг сарфи;
- в) иш берувчининг харажати;
- г) бажарган ишининг миқдори;
- д) иш миқдори.

65. Бозор иқтисодиёти шароитида иш ҳақи қандай усулда тартибга солинади?

- а) талаб ва таклиф механизми орқали, давлат кафолатлари орқали;
- * б) бозор механизми орқали;
- в) давлат орқали;
- г) ижтимоий ҳамкорлик йўли билан;
- д) давлат кафолатлари орқали.

66. Мехнат бозори инфратузилмаси нималардан иборат?

- *а) мехнат биржалари, ишга жойлашишга кўмаклашиш жамғармаси, ишсизларни малакасини ошириш, банклар, ишга жойлаштирувчи хорижий агентликлар;
- б) туман хокимиятлари, меҳнат биржалари, ишга жойлашишга кўмаклашиш жамғармаси;
- в) меҳнат биржалари, ишга жойлашишга кўмаклашиш жамғармаси, ишсизларни малакасини ошириш, солик органлари;
- г) туман хокимиятлари, меҳнат биржалари, ишга жойлашишга кўмаклашиш жамғармаси, ишсизларни малакасини ошириш, солик органлари;
- д) банклар, ишга жойлаштирувчи хорижий агентликлар, иш берувчилар;

67. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун нечта моддадан иборат?

- а) 25та
- б) 32та
- *в) 35та
- г) 48та

68. Аҳолининг иш билан бандлиги тушунчасига нималар киради?

- *а) ишчи кучини иш жойлари билан таъминланганлиги;
- б) ишсизларни иш билан таъминланганлиги;
- в) аҳолини иш билан таъминланганлиги;
- г) меҳнат бозорида талаб ва таклифни мувозанати.

69. Аҳолини иш билан бандлигининг қандай турлари бор?

- а) тўла иш билан бандлик, тўла бўлмаган иш билан бандлик;
- *б) тўла иш билан бандлик, қисман иш билан бандлик, ҳақиқий иш билан бандлик;
- в) ҳақиқий иш билан бандлик, қисман иш билан бандлик;
- г) тўла бўлмаган иш билан бандлик, мавсумий иш билан бандлик.

70. Аҳоли иш билан бандлигини расмий бошқариш тизими нимадан иборат?

- а) хукumat жойлардаги ҳокимият;
- б) ҳокимият иқтисодий бўлинмалари;
- в) аҳолини иш билан таъминлаш жамғармалари;
- *г) давлат меҳнат муассасалари.

71. Тўла бандлик нима?

- а) ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг тенглик холати;
- *б) меҳнат ресурсларини 100% иш билан бандлиги;
- в) аҳолини 100% иш билан бандлиги;
- г) ишсизликка барҳам берилгандаги бандлик холати.

72. Қисман бандлик нима?

- *а) аҳолини бир қисмини иш билан банд бўлиши;
- б) аҳолини бир қисмини иш билан банд бўлмаслиги;
- в) ярим иш вақтида банд бўлиш;
- г) оқилона бандлик

73. Йил давомида тугилганлар ва йил давомида ўлганлар ўртасидаги фарқ нима деб аталади?

- *а) Аҳолининг табиий ўсиши (камайиши)
- б) Аҳолининг ўсиши

- в) Аҳолининг камайиши
- г) Аҳолининг йўқолиб кетиши

74. Ер юзида ёки унинг муайян худуди, қитъа, мамлакат, туман, шаҳарида истиқомат қилувчи одам (инсон)лар мажмуи – бу...

- *а) аҳоли
- б) ёшлар
- в) катталар
- г) чақалоқлар

75. Аҳоли ёки унинг оила аъзолари томонидан маълум давр ичida олинган ёки ишлаб чиқарилган пул ва натурал маблағлар йиғиндиси – бу...

- *а) Аҳоли даромадлари
- б) Аҳолининг йиққан бойлиги
- в) Аҳолининг ўғирлиқдан топган пули
- г) Тўғри жавоб йўқ

76. Муайян худудда аҳолининг жойлашув даражаси бўлиб, мамлакат аҳоли сонини шу жой майдонига (одатда 1 км²га) тақсимлаш билан ҳисобланадиган катталик нима?

- *а) Аҳоли зичлиги
- б) Аҳоли жойлашуви
- в) Аҳоли тақсимоти
- г) Аҳоли демографияси

77. Аҳолининг яшаш жойини ўзгартириши билан боғлиқ қўчиши нима деб аталади?

- *а) Аҳоли миграцияси
- б) Аҳоли қочиб кетиши билан боғлиқ муаммолар
- в) Аҳоли турғунлиги
- г) Ватанпарварлик

78. Мамлакат ёки муайян худудда маълум вақт ёки даврда яшаётган аҳолининг демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларининг жараёни тўплами – бу...

- *а) Аҳоли рўйхатлари
- б) Аҳоли тўплами
- в) Аҳоли демографияси
- г) Тўғри жавоб йўқ.

79. Аҳолига давлат томонидан яшаш учун барча шарт-шароитларни яратишга мақсадли йұналтирилган кафолатлар тизими – бу... .

- *а) Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
- б) Ёшларни ҳарбий хизматта йұналтириш
- в) Аёлларни ватанпарварлықта чорлаш
- г) Түріри жавоб йўқ

80. Йил давомида күчиб келғанлар ва күчиб кетғанлар ўртасидаги фарқ – бу...

- *а) Аҳолининг механик ўсиши (камайиши)
- б) Аҳолининг йўқолиб кетиши
- в) Аҳолининг камайиб кетиши
- г) Аҳолининг туғилиши

81. Муайян худуд ёки мамлакатда яшовчи аҳолининг миллатлар бўйича таркиби – бу... .

- *а) Аҳолининг миллий таркиби
- б) Аҳолининг жинсий таркиби
- в) Аҳолининг ёш таркиби
- г) Аҳолининг диний таркиби

82. Мехнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти – бу... .

- *а) Бандлик
- б) Ишсизлик
- в) Тўла бандлик
- г) Даврий ишсизлик

83. Мамлакат миқёсида аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга ошириш ва фуқароларга тегишли кафолатларни таъминлаб бериш учун ташкил этилган давлат хизмати нима деб аталади?

- *а) Бандлик хизмати
- б) Ишсизлик хизмати
- в) Миллий хавфсизлик
- г) Милиция хизмати

84. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини кексайганда, касаллик рўй берганда, меҳнатга лаёқатини қисман ёки бутунлай йўқотганда, боқувчисини йўқотганда, шунингдек, болали оиласларни моддий таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш давлат тизими – бу... .

- ***а)** Давлат ижтимоий таъминоти
- б)** Давлат бандлик хизмати
- в)** Давлат банки
- г)** Маҳаллий органлар

85. Корхона раҳбарияти билан меҳнат фаолияти шартлари тўғрисидаги тузилган ёзма контракт (шартнома) ёки оғзаки битим бўйича ишлайдиган шахслар бўлиб, улар ана шу фаолият учун ёлланиш вақтида келишиб олинган иш хақини оладиган шахслар кимлар саналади?

- ***а)** ёлланиб ишлайдиганлар
- б)** ёлланмасдан ишлайдиганлар
- в)** ишлашни ҳоҳламайдиганлар
- г)** тўғри жавоб йўқ

86. Одамларнинг биргаликдаги фаолиятини ташкилий тузилма тарзида ташкил этишнинг барқарор шакли ёки норматив жиҳатдан тартибга солинадиган қоидалар тизимидан иборат – бу... .

- ***а)** Ижтимоий институт
- б)** Иқтисодий бирлик
- в)** Илмий текшириш институти
- г)** Давлат банки

87. Доимий, вақтинчалик, мавсумий ишларни ёлланиб бажарадиган, ўз бизнесига эга, рўйҳатга олинмаган фаолиятдан иш ҳақи, даромад топадиган шахсларни ким деб атаймиз?

- ***а)** Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандлар
- б)** Ишлашни ҳоҳламайдиганлар
- в)** Иқтисодиётнинг расмий секторида иш билан бандлар
- г)** Тўғри жавоб йўқ

88. Аҳолининг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ишчи кучини таклиф этишни таъминлайдиган қисми – бу... .

- ***а)** Иқтисодий фаол аҳоли
- б)** Банд аҳоли
- в)** Ишсизлар
- г)** Ишга яроқли аҳолининг бир қисми

89. Инсон тирикчилигини таъминлаш усуллари ва воситалари мажмуи - бу ...

- *а) Иқтисодий фаолият
- б) Ижтимоий фаолият
- в) Оддий фаолият
- г) Ишчилар фаолияти

90. Инвестициялар натижасида шаклланган билимлар, кўникмалар, малакалар ва сабаблар заҳирасидан иборат бўлиб, у шахснинг жисмоний, ақлий ва психологик сифатлари ҳамда қобилияtlарини акс эттиради. У нима бўлиши мумкин?

- *а) Инсон капитали
- б) Инсон пуллари
- в) Инсон қобилияти
- г) Инсон омили

91. Ташкилот ва муассасаларнинг биргаликда фаолият кечириши учун бирлашган кишилардир. Таркибий жиҳатдан у шахс, ишчи гурухи, меҳнат жамоасидир. Буни қисқача қилиб нима деб аташ мумкин?

- *а) Инсон омили
- б) Инсон капитали
- в) Инсон гурухи
- г) Инсоннинг ўринбосари

92. Зарур ўқув-фаросатга, билим ва маҳоратга, ишлаш қобилияти ва малакасига эга бўлган жамият аъзолари, меҳнат аҳли – бу... .

- *а) Инсон ресурслари
- б) Инсон омили
- в) Инсон кучи
- г) Инсон қариндошлари

93. Табиат ва инсон томонидан бирлашган кучларнинг объектив натижасини нима деб аташ мақсадга мувофиқ?

- *а) иш
- б) ишлаш тартиби
- в) ишлаш режаси
- г) иш юритиш

94. Ходимни ишга олиш ҳуқуқи бўлган юридик ёки жисмоний шахсларни нима деб атаймиз?

- *а) Иш берувчилар
- б) Ишчилар
- в) Ёлланувчилар
- г) Ишга муҳтожлар

95. Ходимнинг ижтимоий ташкил этилган меҳнатда иштироки давомийлиги меъёри; ходим бевосита ўз меҳнат вазифаларини бажариши учун лозим бўлган, қонун билан ёки қонун асосида белгиланган вақт – бу...

- *а) Иш вақти
- б) Иш сарфи
- в) Иш ҳақи
- г) Иш ҳажми

96. Ишлаб чиқариш вақтининг бир қисми бўлиб, иш вақтидан фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткич – бу... .

- *а) Иш даври
- б) Иш сарфи
- в) Иш ҳақи
- г) Иш ҳажми

97. Ишлаб чиқариш маконининг бир қисми бўлиб, унда барча асосий ва ёрдамчи технология ускуналари, мосламалар, иш мебеллари ва маҳсус қурилмалар жойлашган ва улар муайян турдаги ишларни бажариш учун мўлжалланган бўлади. Бу... .

- *а) иш ўрни
- б) ишлаш тартиби
- в) иш ҳақи
- г) иш жадвали

98. Ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик хуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир. У меҳнатнинг пул шаклидаги нархи бўлиб, уни ишга ёллаганлар меҳнат қилувчиларга маълум вақт мобайнида, маълум миқдордаги ва муайян сифатли ишни бажарганликлари учун тўлайдилар. Бу -

- *а) иш ҳақи
- б) иш тартиби
- в) иш ҳажми
- г) иш вақти

99. Тадбиркорларнинг ишнинг қўзини билиши, ишлаб чиқариш, тижорат, банк иши ва бошқа фаолиятни самарали бошқара олиши, таваккалига, зарар кўриб, чув тушиб қолишдан қўрқмасдан хатарли фаолият билан шуғулланишга жазм қилиши, иқтисодий ҳатарга бориши нима деб аталади?

- *а) ишбилармонлик қобилияти
- б) ишчилар кучи
- в) ишчилар услуби

г) иш тартиби

100. Халқаро ташкилотларнинг берган таърифига биноан ишга эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар – бу... .

*а) ишсизлар

б) ишчилар

в) фуқаролар

г) аҳоли

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.

Мустақил иши – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўларок, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

Мустақил иши - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

Мустақил ишининг турлари ва тизими:

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:
 - а) информатив (рефератлар – конспектлар);
 - б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2.Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;
- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф холосаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қўйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларини чуқурлаштириш, тингловчи томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;
- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;
- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли холоса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қуидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўкув адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўкув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
 - тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
 - автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
 - маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

2.Мустақил таълим мавзулари.

“Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш” модулидан мустақил таълим сифатида ўрганиладиган қуидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Меҳнат бозорининг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий мазмuni ва асосий вазифалари.
2. Меҳнат бозорини шаклланиши.
3. Меҳнат бозорини тартибга солиш.
4. Ахолининг иш билан оқилона бандлиги.
5. Ишсизлик; мазмuni, мезонлари ва кўrsatgichlari.
6. Меҳнат бозорини ва ахолини иш билан бандлигини таҳлил қилишнинг баланс услуби.
7. Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаш-тириш асослари.
8. Меҳнат бозорини мақсадли комплекс дастури.
9. Ижтимоий меҳнат миграцияси.
- 10.Маҳаллий кадрлар билан ишлаш тизими.
- 11.Меҳнат бозорининг социологик тадқиқоти.
- 12.Меҳнат бозори ривожланишини тартибга солиш.

VII. ГЛОССАРИЙ

Атаманинг ўзбек тилида номланирши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш	Social Protection	Социальная защита	давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шартшароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.
Ахолининг реал даромадлари	The real incomes of the population	Реальные доходы населения	нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.
Бандлик	employment	занятость	мехнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.
Барқарорлик	stability	стабильность	ходиса ва жараёнларнинг амал қилиши ҳамда ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати
Бевосита инвестиция	direct investment	устойчивость прямых инвестиций	капитал қўйилмаларни инвестор томонидан тўғридан-тўғри инвестицион объектларга йўналтирилиши назарда тутилади.
Бизнес	Business	Бизнес	фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтоҷликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади
Билвосита инвестиция	indirect investment	косвенное инвестирование	воситачи молиявий ташкилотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзида ифодаланади.
Бозор конъюнктураси	market conditions	рыночные условия	муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб,

			қуидаги белгилар орқали аникланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.
Давлат бюджети	State budget	госбюджет	давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.
Давлат инвестицияси	State investments	Государственные инвестиции	давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.
Даромаднинг ички меъёри	Standards of internal revenue	Стандарты внутреннего дохода	инвестициядан пул оқимини, келажакдаги қийматини дисконт ставкаси билан белгиланган инвестицион маблағларни ҳозирги қийматига келтирилган аниқ бир инвестицион лойиҳанинг даромадлилик даражасини ифодалайди
Даромад солиги	income tax	подоходный налог	фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солик).
Даромад солиги ставкалари	Income tax rates	Ставки налога на прибыль	Аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган соликларнинг фоизлардаги даражалари.
Жаҳон банки	The World Bank	Всемирный банк	1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчي давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган
<u>Институцион бирликлар</u>	institutional units	институциональные единицы	активларга эгалик қилиш, мажбуриятлар олиш, иқтисодий фаолият юритиш ва бошқа бирликлар билан операциялар ўтказиш хуқуқига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.
<u>Истеъмол</u>	consumption	потребление	ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини кондириш жараёни

<u>Иш кучига сарфланган харажатлар</u>	Labor expenses	расходы на рабочую силу	иш берувчилар томонидан иш кучини ёллаш ва уни асраш билан боғлиқ бўлган харажатлар йиғиндиси
<u>Ишсизлик даражаси</u>	The unemployment rate	Уровень безработицы	ишилизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати. 16 ва ундан юқори ёшдагилар, лекин ишга эга бўлмаганлар, фаол иш қидираётгандар, ишни бошлишга тайёр турганлар ишилизлар деб аталади
<u>Иш ҳақи</u>	Remuneration	зарплата	жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар хисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳаққи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.
<u>Ишлаб чиқариш</u>	production	производство	маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган мол ва хизматлар қиймати
<u>Ишчи кучи бозори</u>	Labor market	рынок труда	– иш кучининг эгаси ва иш берувчилар орасидаги ижтимоий муносабатлар тизими.
<u>Иқтисодий фаол аҳоли</u>	The economically active population	Численность экономически активного населения	ўз иш кучини товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун тақдим этган доимий аҳолининг бир қисми (аёллар, эркаклар) бўлиб, улар банд аҳоли ва ишилизларга бўлинадилар.
<u>Иқтисодиётнинг реал сектори</u>	The real sector of the economy	Реальный сектор экономики	иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа тармоқларини олади
<u>Мутлақ кўрсаткичлар</u>	Absolut index	Абсолютные показатели	ўрганилаётган ҳодисалар ва уларнинг белгиларини бир хиллигини, монандлигини, ўхшашлигини ифодалайди. Мутлақ миқдорлар ҳодисалар

			ёки белгиларнинг кўлами, сони, ҳажми, даражаси, макон ва замонда тақсимланиш сонини ифодалайди
<u>Номинал иш ҳақи</u>	Nominal wage	Номинальная заработка плата	пул формадаги иш ҳақи, фақат пул ҳажмини ифодалайди, унинг сотиб олиш қобилиятини ҳисобга олмайди
Оммавий ҳодиса	mass phenomena	массовые явления	бирор объектлар тўпламида содир бўлган воқеа, ҳаракат натижаси.
<u>Резидент</u>	resident	резидент	нисбатан узоқ вақт давомида ҳудудида иқтисодий қизиқиши бўлган институцион бирликлар (корхоналар, ташкилотлар, уй хўжаликлари ва х.к.лар).

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014 й. 46-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” Қонуни. -Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 9-сон
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни. www.lex.uz
4. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси: (2011 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2017. -108б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 34б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сонли “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги фармойиши // Халқ сўзи 161 (6855)-сон, 2017 йил 16 август.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2996-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги “2015-2019 йилларга тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материалларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги қарори

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725- сон фармони

II. Махсус адабиётлар.

1. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Аҳолини иш билан бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: 2011. – 291 б.
2. Абдурахмонов Қ.Х., Зокирова Н.Қ. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Ўқув қўлланма. - Т.: 2013. – 534 б.
3. Холмўминов Ш.Р., Холмуродов С.Е. Мехнат бозори иқтисодиёти. – Т.: 2013. –228 б.
4. Холмўминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.–144 б.
5. Абдурахмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Мехнат иқтисодиёти: ижтимоий-мехнат муносабатлари. Дарслик - Т.: 2011. – 691б.
6. Рынок труда: Учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. Абдурахманова К.Х. и др. - Т.: ТФ РЭА, 2009. - 384 с.
7. Абдураҳмонов Қ.Х.ва бошқалар. “Инсон тараққиёти”. Дарслик. Т.: “Fan va texnoloigiy”, 2013.- 476 б.
8. Абдураҳмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. -Т.: Иқтисодиёт, 2014.-216 б.

Интернет сайтлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. www.mehnat.uz – Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг сайти.
4. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
5. www.mineconomy.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги сайти.
6. www.stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi сайти.
7. www.cer.uz – Iqtisodiy tadqiqotlar markazi сайти.
8. www.mineconomy.uz – O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligisi сайти.
9. www.mehnat.uz. –O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari сайти.
10. www.ifmr.uz – Makroiqtisodiy tadqiqotlar va prognozlashtirish institute сайти.

11. www.cemi.rssi.ru – Rossiya Federatsiyasi Markaziy iqtisodiy-matematik institute sayti.
12. www.nber.com – AQSh iqtisodiy tadqiqotlar milliy byurosi
13. www.webofscience.com – Xalqaro ilmiy maqolalar platformalarsi
14. www.scopus.com - Xalqaro ilmiy maqolalar platformalarsi
15. www.elibraru.ru – Rossiya ilmiy maqolalar indeksi
16. www.emeraldinsight.com - Xalqaro ilmiy maqolalar va jurnallar platformalarsi